823

Арапбаева Динара

ШАХС МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ РОЛИ

82.3

Арапбаева Динара Курбановна

ШАХС МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ РОЛИ

397 679
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TosDOSHAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент
"Nishon-Noshir" нашриёти
2012

УДК: 398(072)
КБК 82.3(5Ў)
А 74

Арапбаева, Динара Курбановна

А 74 Шахс миллий ғурурини шакиллантиришда фолклор санъатининг роли / Динара Курбановна Арапбаева; масъул муҳаррир С.Мамашокиров; – Тошкент: Nishon-Noshir, 2012. 168 б.

ISBN 998-9943-378-15-5

Ушбу китобда ўзбек миллатининг ўзига хос фалсафий тафаккур шакли, уни ифодалаш усули – фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини ривожлантиришдаги роли ёритилган. Рисола баркамол авлод тарбиясига мутасадди ташкилот-муассасаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ишларни назарий-методологик жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

УДК: 398(072)
КБК 82.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:
С.Мамашокиров
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Э.Умаров,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ш.Тоғаев
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ISBN 998-9943-378-15-5

© « Nishon-Noshir » нашриёти,
Тошкент, 2012 й.

СЎЗ БОШИ

Инсоният тарихий тараққиёти давомида муайян миллатнинг ривожланиш даражасини белгиловчи маънавий-маданий мезонлари тизимида миллий ғурур ва миллий ўзликни англаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади"[1]. Зеро, миллий ғурур ижтимоий борлиқнинг махсус воқелиги сифатида жамиятни ташкил қилган кишилар ҳаётий позициясини, истиқбол мўлжалларини белгилайдиган ва уларни ҳаракатлантирувчи муҳим омил ҳамда асосий механизм бўлиб хизмат қилади.

Бинобарин, жамият маънавий-маданий ҳаётини, хусусан, миллий ғурур феноменини шахс контекстида комплекс-системали ўрганиш ҳамда уни шакллантиришнинг тарихий асосларини, потенциал имкониятларини, ривожлантириш усул ва воситалари таркибида фольклор ролини илмий тадқиқ қилишнинг муҳим назарий ҳамда амалий аҳамияти: ***биринчидан,*** фольклорнинг умумий маънавий маданият таркибидаги структураси, функционал хусусиятларини шахс миллий ғурури контекстида миллатнинг тарихий шаклланган менталитетини ифодалаш усулидир; ***иккинчидан,*** миллий ғурурнинг шаклланиши том маънодаги халқ оғзаки санъати – фольклор ривожланиши билан узвий боғланган; ***учинчидан,*** фольклорнинг турли жанрлари, уларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ва алоқадорлиги миллий ғурур ривожланишига комплекс таъсирини таъминлайди; ***тўртинчидан,*** фольклорда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик характери унинг ривожланиш даражасини кўрсатади; ***бешинчидан,*** ҳозирги даврда глобаллашаётган "оммавий маданият" таҳдиди олдини олишда фольклорнинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий роли алоҳида аҳамиятга эга; ***олтинчидан,*** миллий ғурурни рағбатлантирувчи омиллар тизимида фольклордан фойдаланишнинг конструктив-рационал усул ва воситаларини топиш зарурияти билан белгиланади.

Фольклор санъатининг шахс ва миллат ғурурини шакллантиришдаги ролини тадқиқ этишда, унинг тарихий

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. - 90-б.

ретроспектив асосларини аниқлаш муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки, шахс тарбиясининг ҳар қандай соҳасида унинг тарихий ривожланиш қонуниятлари ва босқичларини ўрганиш истиқбол режаларини белгилашга ёрдам беради. Хусусан, шахс миллий ғурури шаклланишига, жамият ғоявий-сиёсий, ахлоқий-эстетик ривожланишига фольклор санъати таъсирини таҳлил қилиш, жамият тараққиётида халқ эҳтиёжлари, мақсад-манфаатларини аниқлаш усули ҳисобланади.

Собиқ СССРнинг ягона коммунистик мафкураси ҳукмронлиги даврида "мустабид тузум тарихий ҳақиқатни намоён этишдан, бизнинг миллий ўзлигимизни англашимиздан мутлақо манфаатдор эмасди"[1]. Шунинг учун "қизил империя"нинг, бир томондан, миллий ўлкалар маънавий маданиятига муносабатида "марказдан ташкиллаштириш ва бошқариш" сиёсати турли тўсиқларни вужудга келтирди. Шу даврда сиёсий буюртма асосида яратилган достонларда қаҳрамоннинг барча ижобий сифатлари кўрсатилгани ҳолда, унинг миллий ғурури ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган ёки шахсий ор-номуси, ғурурини ёритиш эпизодик характер касб этган. Иккинчидан, "умумий Ватан", "ягона совет халқи"ни шакллантириш ғояларини амалга оширишда халқнинг маънавий мероси имкониятидан ***зарур пайтда, керакли жиҳатларидан*** фойдаланишни тақозо қилди[2]. Натижада, турли миллатларнинг тарихий меросини, маънавий маданиятини ўрганиш ва тизимлаштиришда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам фольклоршунослик илмий мактаби шаклланди.

Ўзбекистонда 1934 йил ташкил қилинган Фольклор архиви халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, тизимлаштириш, илмий таҳлил қилишда ва таргибот-ташвиқот қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугун ўзбек фольклоршунослиги мактаби асосчиси Ходи Зарифов номидаги архив фондида 2000 дан ортиқроқ фольклор материаллари жамланган бўлиб, унга ҳукуматимиз томонидан халқнинг бебаҳо маънавий-маданий мероси намуналари сақланадиган асосий ташкилот мақоми берилган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин республикада тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.-149-б.

[2] Ҳар қандай миллатнинг маънавий маданияти халқлар ўртасидаги биродарлик, қардошлик, ўзаро ёрдам, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик каби ғоялар билан йўғрилган. Шунинг учун бу ғоялар, маълум маънода, коммунистик мафкуранинг таянчига айланган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида халқ эпослари қаҳрамонликларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш урушда ғолиб бўлишнинг субъектив омили бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз.

фольклор экспедицияси, Маданият вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон телерадио компанияси, Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институти, ЎзРФА Тил ва адабиёт институтлари ўзаро ҳамкорликда улкан ишларни амалга оширдилар. Булар амалий ишлари натижасида 1998-2002 йилларда "Остонаси тиллодан" фольклор экспедицияси, 2003 йилдан бошлаб ЮНЕСКО иштирокида мунтазам ўтказилаётган "Бойсун" фольклор экспедицияси ва "Бойсун баҳори" фольклор фестивали халқ огзаки ижоди намуналарини тўплаш, саралаш ва оммалаштиришда етакчилик қилди. Энг муҳими, миллий фольклор санъатимизга хорижлик олимлар, мутахассисларнинг қизиқиши кучайиб, мамлакатимиз маданияти, тарихи ва халқимиз маънавий қиёфаси ҳақида дунё жамоатчилигида янги тасаввурлар уйғониб, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувда катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, Бонн университети (Германия) профессори Карл Райхел ("Туркий халқлар эпоси", 2002 й.), япон олими Херокининг ("Туркий халқлар қаҳрамонлик эпоси", 2002 й.) миллий фольклоримиз ҳақидаги асарлари, туркиялик йирик фольклоршунослар Филз Қирбош ("Гўрўғлининг туғилиши", 1996 й.), Селами Фидокорлар ("Рустамхон", "Эрали ва Шерали", 1996 й.) халқ эпослари намуналарини ўз тилларига таржима қилиб, нашр эттирдилар. Республикамиз фольклоршунос олимлари 1997 йилдан бошлаб Турк тил Қуруми ва Эгей университети ҳамкорлигида туркий халқлар достонларининг 200 жилдлик нашри устида иш олиб бормоқдалар, унга ўзбек халқ эпосларидан намуналар киритиш мўлжалланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятда маънавий-маданий ва сиёсий мавқеи мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги муносабати билан юбилейга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида Т.Мирзаев, К.Имомов, Ш.Турдимов, М.Жўраев, Ж.Эшонқулов, Ш.Шомусаров, О.Мадаев, Б.Жуманиёзов, М.Пирматова, У.Сатторов, М.Раҳмонова, Р.Саидова, А.Мусақулов ва бошқа фольклоршунослар томонидан жиддий илмий-тадқиқот натижалари эълон қилинди[1].

Бу муаллифларнинг илмий ишларида фольклор, асосан, бадиий маданият, эстетик қадрият сифатида адабиётшунослик нуқтаи назаридан эпос қаҳрамонларининг ватанпарварлик, жасорат-шижоат,

[1] Бу олимларнинг илмий ишлари китобнинг "Адабиётлар рўйхати"да келтирилган.

севги-муҳаббат, меҳнатсеварлик каби инсонпарварлик сифатларининг ифодалаши тадқиқ қилинган. Лекин, мустабид тузум мафкуравий тазйиқи асосида шаклланган стереотип натижасида шахс ижтимоий моҳиятини белгилайдиган, унинг миллий идентификацияси мезони бўлган ўзлигини англаш ва миллий ғурур масаласи алоҳида фалсафий тадқиқот объекти қилиб белгиланмаган.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти фольклоршунослик бўлимининг истиқбол режасида белгиланган фольклор санъатининг миллий - маънавий тараққиётда интегратив-функционал жиҳатларини ўрганишда ижтимоий, сиёсий, гуманитар ва бошқа фанлар билан ҳамкорликни кучайтириш вазифаси ҳануз ечимини топмай, очиқ қолмоқда. Масалан, фольклор қаҳрамонлари образларининг руҳий таҳлилида – психология; сиёсий қарашларини аниқлашда – сиёсатшунослик; конфликтларнинг вужудга келиши ва уларнинг ечимини топишда – конфликтология; миллий ўзлигини англаш ва ғурури масаласида – фалсафа ва бошқа фанлар билан ҳамкорликдаги тадқиқотлар, аксарият ҳолатларда, фрагментар ва дискрет характер касб этмоқда.

Шу ўринда муайян фан соҳаларида фольклор санъатидан илмий манба тарзида фойдаланиш услубияти ночорлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Зеро, фольклорда ифодаланган ғоялар халқнинг узоқ тарихида шаклланган ва аччиқ ҳаёт синовларидан ўтган ижтимоий тажрибасининг муштараклашган кўриниши бўлиб, ундан сабоқ олишни тақозо қилади. Чунки фольклор санъати ўзининг узоқ тарихий ривожланиш жараёнида инсон моҳиятини, шахс ижтимоий-сиёсий сифатларини белгилашда универсал мезонга айланган ва уни тарбиялашнинг, нисбатан мукаммал, методологик тамойилларини, педагогик-дидактик технологиясини шакллантирган.

Мустабид тузум даврида ўзбек халқи фольклорининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан бири бўлган "достонларнинг яратилиши халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқлиги"[1], унинг мафкуралаштирилиб "коммунистик тарбия воситаларидан бири"[2] эканлиги тўғрисида муайян тасаввурлар шаклланган бўлса ҳам, бу инсоний сифатлар таркибида миллий ғурурнинг ўрни борасида ҳеч

[1] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: "Ўқитувчи", 1980. -187-б.
[2] Ўша манба. -15-б.

қандай фикр билдирилмаган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин собиқ СССР таркибидаги миллий республикаларнинг аҳолисини урушга ялпи сафарбар қилиш, уларни қаҳрамонлик ва ватанпарварликка чақиришда миллий фольклор санъатидан кенг фойдаланганларида ҳам миллий ғурур масаласи четлаб ўтилган.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди"[1]. Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш мураккаб, серқирра объектив тарихий жараёнга айланиб, фуқароларга муносиб ҳаёт шароитини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Қорақалпоғистонлик фольклоршунос Қонқабой Турдибоев фикрига кўра, мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодини комплекс-системали функционал таҳлил қилишда, хусусан, фольклор санъатини тадқиқ этишда илмий-назарий хулосалар чиқариш маданияти ҳам шаклланмоқда[2]. Мустабид тузум шароитида миллий онгда шаклланган қўрқув, шубҳа, ҳадиксираш, журъатсизлик стереотипларини бартараф қилиш, глобаллашаётган "оммавий маданият" таҳдиди олдини олиш зарурияти жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, таълим-тарбия, миллий гоя тарғиботи-ташвиқоти соҳаларида фольклор санъатидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бунга эришиш учун:

-шахс ғурурини шакллантириш ва ривожлантиришда фольклор ролини миллий тараққиёт манфаатлари билан боғлаб таҳлил қилиш;

-жамият маънавий маданияти билан фольклор санъати ва миллий ғурур ривожланиши ўртасидаги алоқадорлик тамойилларини ёритиш;

-фольклор жанрлари мазмун-моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини миллий ғурурни шакллантиришга эҳтиёж контекстида ўрганиш;

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. -524-б.

[2] Қаранг: Турдибоев Қ. Иброҳим Юсупов ижодида фольклор анъаналари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. №1. - Б. 88.

-миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар тизимида фольклорнинг миллий ғурурни акс эттириш имкониятларини аниқлаш;

-жамият маънавий-ахлоқий қадриятлари, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ривожлантиришда фольклорнинг ролини кўрсатиш;

-фольклорнинг шахс онгига, турмуш тарзига миллий ғояни сингдириш потенциал имкониятларини таҳлил қилиш;

-фольклор воситасида комил инсон миллий ғурурини шакллантиришнинг конструктив-рационал йўллари ва усулларини аниқлаш;

-шахс таълим-тарбиясига мутасадди муассаса ва ташкилотларга халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишга доир амалий таклифлар, методологик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги фольклоршуносликнинг асосий вазифалари бўлиб қолиши керак. Чунки: 1) шахс миллий ғурурини ривожлантиришда фольклорнинг тарихий асослари ва уларнинг ўзаро ворислик муносабатларини аниқлаш; 2) фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсир йўналишларини, уларнинг алоқадорлик хусусиятлари ва эволюциясини кўрсатиш; 3) фольклор санъатида шахс миллий ғурурининг намоён бўлиш хусусиятлари ва уларнинг ривожланиш даражасини ёритиш; 4) шахс миллий ғурури объектив асослари ва субъектив омилларининг фольклорда намоён бўлиш хусусиятларини кўрсатиш; 5) фольклор санъатида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш имкониятларини асослаш; 6) шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор жанрларини интеграциялаштириш усул-воситаларини аниқлаш; 7) фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролини ошириш йўллари, имконият ва усулларини кўрсатиш, ўзбек халқи миллий ғурурини ривожлантиришда фольклор санъатидан фойдаланишга доир амалий таклифлар, методологик тавсиялар беришдан иборат.

Шу вазифа ва талаблардан келиб чиқиб, бу китобда Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий тараққиёт жараёнида фольклорнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги роли:

- шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклорнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари янги тарихий давр контекстида ёритилган;

- фольклор ижтимоий феноменининг жамият маънавий ҳаётига таъсири йўналишидаги ўзгаришлар ва уларнинг хусусиятлари кўрсатилган;

- фольклор жанрлари структураси, ривожланиш динамикаси ва уларнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги роли тавсифланган;

- фольклорда маънавий маданиятнинг миллий ва умуминсоний, анъанавий ва замонавий жиҳатлари бирлиги диалектикаси асосланган;

- жамият ва шахс ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий муносабатларини бошқаришда фольклорнинг функционал роли аниқланган;

- миллий маънавий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни оммалаштиришда фольклорнинг ўрни ёритилган;

- миллий маънавий тараққиётга фольклорнинг таъсири самарадорлигини оширишга доир амалий таклиф ва методологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф китобда келтирилган фикр-мулоҳазаларининг мутлақ ҳақиқатлигига давогарлик қилмаган ҳолда, Сизнинг муаммога доир қимматли маслаҳатларингизни умид билан кутади.

I БОБ. ШАХС МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОР ТАЪСИРИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг моддий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, хусусан, халқимизнинг муносиб ҳаёти учун ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий шарт-шароит яратиш зарурияти унинг объектив ва субъектив асосларини тақозо этмоқда. Ўзбекистон халқини маънавий юксалтиришнинг тарихий асоси, муҳим субъектив омили бўлган фольклорнинг ролини, унинг шахс ва жамият маънавий ҳаёти билан алоқадорлиги асосларини, тадрижий ривожланиш қонуниятларини, эволюцияси босқичларини ўрганиш, халқимиз маънавий-маърифий тараққиётида, айниқса, шахс миллий ғурури шаклланишида фольклорнинг назарий-концептуал фалсафий асослари ва амалий-ташкилий йул-йўриқларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

1.1. Миллий ғурур ва фольклор ривожланишининг ретроспектив асослари, ўзаро алоқадорлик тамойиллари

Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида фольклор санъатининг ўрни, роли ҳамда аҳамияти қатор ижтимоий-гуманитар фан соҳаларидаги олимлар томонидан муҳим илмий-назарий муаммо сифатида ўрганилиб, бу борада кўплаб илмий, илмий-оммабоп адабиётлар нашр қилинмоқда. Миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган адабиётларда мавзуда қўйилган муаммонинг, асосан, эмоционал-руҳий ва педагогик-дидактик жиҳатлари ёритилган бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги тартибда туркумлаштириш мумкин:

1. Фольклор санъати асарлари яратилган ва уларнинг функционал аҳамиятига фалсафий ёндашилган даврлар доирасида, яъни фольклор фалсафасининг тарихий шаклланиш босқичларига кўра туркумлаштириш мумкин. Шу нуқтаи назардан, мавжуд фольклор санъатини яна уч гуруҳга: а) ўтмишдан мустамлакачилик давригача; б) мустамлакачилик даврида; в) Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган фольклор санъати фалсафий изоҳланган асарларга ажратиш мумкин.

2. Шахс миллий ғурури таҳлил қилинган фалсафий адабиётларни: а) шахс миллий ғурурини диний-мистик

идеаллаштирган, яъни зардуштийлик, ислом, христианлик ва бошқа диний таълимотлар асосида ёритилган манбаларга; б) муаммони дунёвий илм-фан тамойиллари асосида ёритган адабиётларга ажратиш мумкин.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришга доир фалсафий қарашлар инсоният тарихининг энг қадимги даврларида ҳам таълимот мақомига эга бўлган ва халқ оғзаки ижоди намуналарида, миф ва афсоналарида ўз аксини топган. Масалан, зардуштийлик динининг "Авесто" ва бошқа дунёвий динларнинг муқаддас китобларида инсон ғурури Яратганнинг илоҳий неъмати сифатида талқин қилинган.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири тўғрисидаги қарашлар тарихида Абу Наср Форобий таълимоти алоҳида аҳамиятга эга. Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", "Мусиқа ҳақида катта китоб" асарларида, Кайковуснинг "Қобуснома" асарида фольклорнинг шахс ғурурига эмоционал таъсири ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарларида, Алишер Навоийнинг "Хамса"сида келтирилган беш достон: "Ҳайрат ул аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабаъи сайёр", "Садди Искандарий"да инсон ўзлигини англаши, моҳияти масалалари ёритилган. Умуман, фольклор санъатида, унинг шахс миллий ғурурини шакллантириши ҳақида қадимги манбаларда ғоят қимматли илмий аҳамиятга эга фикрлар келтирилган[1].

Ўрта асрларда Шарқда, кейинроқ эса, Европа уйғониш давридан бошлаб халқ оғзаки ижодининг ривожланиш тарихида, уларни илмий ўрганиш борасида катта ўзгаришлар рўй берди. Фольклор санъатининг шахс ғурурини шакллантиришдаги ижтимоий аҳамияти махсус тадқиқотлар объектига айланди.

Кейинги вақтда фольклорнинг шахс ижтимоий моҳиятига таъсири ўзбек олимларининг алоҳида тадқиқот объектига айланди, уларнинг бу масалага бағишланган ишлари эълон қилинмоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда шахс миллий ғурурини, ўзлигини англашни шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни мавзусида қатор илмий изланишлар олиб борилди. Шундай илмий ишлар сирасига С.Шермуҳамедов, Қ.Назаров, С.Атамуратов,

[1]Бу муаллифларнинг асарлари ва бошқа манбалар китобнинг "Адабиётлар рўйхатида" кўрсатилган.

А.Ачилдиев ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларини киритиш мумкин[1].

Шунингдек, фольклоршунос ўзбек олимлари Х.Зарипов, М. Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, М.Жўраев, О.Мадаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида фольклор санъатининг миллий ғурурни шакллантиришга таъсирининг муайян қирралари, унинг муайян тарихий давр маънавий муаммолар ечимидаги роли таҳлил қилиниб, шахс маънавий камолоти тўғрисида атрофлича фикр юритилган. Улар ўз тадқиқотларида миллий фольклорнинг эстетик, эвристик, педагогик-дидактик вазифаларини миллий ғурурдан ажратиб, шахснинг бошқа сифатлари контекстида таҳлил қилишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ СССРда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фольклорнинг жамият маънавий муаммоларини бадиий ва публицистик усуллар билан ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кўплаб фольклор асарлари яратилгани кўзга ташланади. Ўша даврларда яратилган фольклор намуналарида миллий ғурур, миллий ўзликни англаш муаммолари бир ёқлама - ҳукмрон коммунистик тузум манфаатларига мос тарзда ёритилган бўлса ҳам, уларнинг мазмунида миллий ғурурни шакллантиришнинг умуминсоний муаммолари кун тартибига қўйилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937), Пўлкан (1874-1941), Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) каби
халқ бахши ва шоирлар яратган достонларда миллатнинг ижтимоий қиёфаси (тарихий давр тақозосига кўра) миллий ғуруридан ажратиб ифодаланган[2]. Турли тарихий даврларда фольклорнинг фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган асарларда миллий ғурурнинг муайян жиҳатлари ёритилган бўлиб, у мавзуимизда қўйилган муаммони ўрганишда илмий манба бўлиб хизмат қилди. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг яратилган фольклор асарлари ўрганилаётган муаммо ечимини топишда алоҳида ўрин тутади. Зеро, айнан шу даврда яратилган қатор асарларда миллий ғурурни шакллантиришда фольклорнинг ўрни ва аҳамияти миллий маънавий барқарор тараққиёт манфаатларига мос равишда объектив ёритилган, ёшларни маънавий тарбиялаш билан боғлиқ масалалари таҳлил қилинган.

---

[1] Бу муаллифларнинг асарлари ва бошқа манбалар китобнинг "Адабиётлар рўйхати"да кўрсатилган.
[2] Бу муаллифларнинг асарлари ва бошқа манбалар китобнинг "Адабиётлар рўйхати"да кўрсатилган.

Кейинги йилларда муаммони тадқиқ этишда республикамиз олимлари сезиларли ютуқларга эришиб, ушбу мавзуни ёритишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг тадқиқот мавзуларига қараб, муайян гуруҳларга бўлиб, қайд этиш мумкин. Чунончи, жамият ва миллий ғурур ривожланишининг умумий қонуниятлари, миллий маънавий қадриятларнинг тарихий меросини ривожлантиришда фольклорнинг ўрни ҳамда аҳамияти, уларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлган муаммолар таҳлили М.Хайруллаев, Э.Юсупов, Ҳ.Пўлатов, Ж.Туленов ва бошқа файласуфлар, фольклоршунослар, адабиётшунослар асарларида кўрсатилган.

Д.Азимова, Ж.Жабборов, К.Мираъзамов, Н.Раҳимбобоева, А.Юнусов, Ғ.Нажимов, П.Қулматов ва бошқалар томонидан ҳимоя қилинган докторлик ва номзодлик диссертацияларида фольклорнинг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири, умуминсонийлик ва миллийлик муносабатлари, инсоннинг ўзлигини англаш муаммолари кенг таҳлил этилган[1]. Ушбу олимларнинг илмий ишларида ўзбек халқи фольклорининг ижтимоий-маънавий тараққиётимиздаги аҳамияти, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантириш масалалари алоҳида мавзу қилиб олинмаган ва тадқиқотлари доирасида фрагментлар ёритилган.

Улар фольклорнинг ижтимоий моҳияти ва тарбиявий аҳамиятига кўпроқ эътибор қаратишган. Зеро, олимларимизнинг бу масалага доир қарашлари уларнинг тадқиқот мавзулари йўналишидан келиб чиққан. Чунончи, И.Жабборов, У.Қорабоев, Ғ.Нажимов, Т.Тўйчиева ва бошқа олимларимиз тадқиқотларида фольклорнинг халқ урф-одатлари, турмуш анъаналари, Ж.Жабборов, Қ.Хоназаров, Ж.Мамашукуров ва бошқаларнинг ишларида фольклорнинг миллий менталитет билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган.

Мустақилликка эришгандан кейин республикамизда яшаётган турли миллатларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришлар тарихий асосларини ўрганиш, хусусан, халқ фольклорини маданий, руҳий-маънавий ва мафкуравий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлди. Натижада, ўзбек халқи маънавий-маданий тараққиёти ва бадиий қадриятлари ривожланиши жараёнларининг кўпгина қирралари олимларимиз изланишларида ўз ифодасини

[1] Бу муаллифларнинг асарлари ва бошқа манбалар китобнинг "Адабиётлар рўйхати"да кўрсатилган.

топди. Мисол қилиб, У.Қорабоев ва бошқаларнинг докторлик, Ш.Тоғаев, Т.Қурбоновларнинг номзодлик диссертацияларини айтиш мумкин.

Шунингдек, кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўзбек фольклорини ўрганишга бағишланган қатор асарлар яратилган. Буларда бир-бирига диаметриал қарама-қарши муқобил фикрлар билдирилган. Баъзи муаллифларнинг қарашларида миллий маънавий қадриятларимизнинг таркибий қисми бўлган фольклор санъати истиқболларига скептик-пессимистик муносабат кўринади.

Ўзбекистонда жамият маънавий-маданий янгиланиши шароитида фольклорнинг (хусусан, достончиликнинг) роли ҳақида Президент И.А.Каримов кўрсатмалари алоҳида назарий-методологик аҳамиятга эга. Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ***"Халқ . оғзаки ижодининг*** ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган"[1], деган фикрида шахс маънавиятини ривожлантиришда фольклорнинг роли, унинг умумназарий асослари ва амалий йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Бу эса, ўз навбатида, илмий жамоатчилик олдига долзарб вазифаларни қўйди.

Дарҳақиқат, фольклорнинг ўрни, унинг миллий ғурурни шакллантириш билан боғлиқ муҳим илмий-назарий муаммолари алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида махсус ўрганилмасдан, илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шунинг учун: 1) мустақиллик йилларида давлатнинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатида жамият устқурма элементларининг, хусусан, фольклорнинг роли, вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазаларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва аниқ илмий хулосалар чиқариш зарурати пайдо бўлди; 2) шахс миллий ғурурини шакллантириш жараёнида фольклорни маънавий барқарор тараққиёт манфаатлари асосида ривожлантириш йўллари ҳамда реал имкониятлари тўғрисида илмий хулосалар, амалий таклиф-тавсиялар

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. -32-33- б.

бериш бугунги кун талабларига тўла мос келади; 3) миллий тараққиётнинг маънавий хавфсизлик муаммолари ечими, "оммавий маданият" эскалацияси ва глобаллашувининг олдини олишда истиқболдаги вазифалар фольклорнинг жамият миллий ғурурини шакллантиришдаги ўрнини махсус илмий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Бизнингча, фольклорнинг шахс ғурурини шакллантиришдаги функционал ролини аниқлаш учун, аввало, фольклор ҳақидаги таърифларни фалсафий туркумлаштириш зарур. "Фольклор" термини 1846 йилда инглиз археологи Вильям Томс томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, "фольк" (folk) – халқ, "лор" (lore) – билим, донолик, донишмандлик деган маъноларни англатади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу барча халқларда умумлаштирилиб, "халқ билими", "халқ донолиги", "халқ донишмандлиги" тарзида қўлланилади.

Умуман, фольклорнинг жамият маънавий тараққиётидаги функционал роли дунё олимлари томонидан муайян даражада ўрганилиб, мукобил илмий қарашлар илгари сурилган. Уларнинг биз тадқиқ қилаётган мавзу даражасида таҳлили шуни кўрсатадики, фольклорнинг шахс маънавий қиёфасига таъсири ижтимоий борлиқнинг динамик ўзгариш жараёнига адекват бўлган ва муайян таърифларда ўз аксини топган. Бундай таърифларда фольклор маънавий ҳодиса бўлиб, ижтимоий-фалсафий фикрлардаги жузъий ўзгаришлар кўзга ташланади ҳамда шахс ижтимоий-тарихий амалиётида борлиққа муносабатининг бадиий ўзгартирилган шакли сифатида қаралади.

Юқорида кўрсатилган муаллифларнинг фольклорга берган таърифларини унинг фундаментал роли ва вазифасини ўрганишга қўшилган ҳисса, деб баҳолаш мумкин. Албатта, жамият ижтимоий борлиғининг муҳим субъекти ва элементи бўлган шахс ижтимоий борлиғи фольклор санъатининг асоси ҳисобланади. Лскин, шахс ижтимоий борлиғи ҳам умумий тушунча бўлиб, бу таърифларда, назаримизда, унинг шахс миллий ғурурига таъсир жараёни ва унинг босқичлари эътибордан четда қолган.

Фольклорнинг конкрет-тарихий амалиёт соҳасидан келиб чиқувчи яна бошқа кўплаб таърифлари бор. Бу ҳолатда ҳам асосий эътибор инсоннинг ижтимоий моҳиятига, "шахс сифатлари"га, унинг мавжудлиги усулларига қаратилган. Умуман, фольклорнинг ҳозиргача мавжуд таърифларидаги умумийлик, унинг шахс конкрет-

тарихий амалиёти, хусусан, миллий ғурури, субъекти ва объекти ўртасидаги муносабат масаласига аниқлик киритишни тақозо қилади[1].

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида қуйидаги хулосага келиш мумкин, яъни ***фольклор шахс миллий ғурури шаклланиш жараёнини, бир томондан, тарихий тараққиёт эҳтиёжларига кўра умумлаштирадиган; иккинчи томондан, миллат менталитетига боғлаб конкретлаштирилган ижтимоий тажрибанинг бадиий образлар орқали ифодаланишидир.*** Демак, фольклорни тарихий тараққиёт жараёнида шахс миллий ғурурини шакллантирувчи ижтимоий тажрибанинг махсус шакли сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Фольклор миллатнинг тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган миллий ғурурни баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади. Фольклор мазмунида шахс ғурурини шакллантиришдан миллат ғурурини шакллантиришга ўтишнинг субъектив омил имконияти ва унинг таъсирида вужудга келган ижтимоий ҳодиса – миллий ўзликни англашни кўрамиз. Зеро, инсоният томонидан яратилган халқ маданиятининг ҳар қандай шакли, хусусан, маънавий юксакликнинг мезони – шахс ғурури фольклорда ўз ифодасини топади. Шунинг учун фольклорнинг шахс ғурури шаклланишига таъсирини шахс, ижтимоий борлиқнинг асосий элементи бўлган миллат муносабатлари бирлиги тарзида таҳлил этиш назарий-методологик аҳамиятга эга. Чунки шахс ғурури, ҳатто инстинктив-рефлектив тарзда ҳам руҳий ҳолат (тўғрироги, ижтимоий ҳодиса) сифатида тарихий келиб чиқиш генезиси ва мавжудлигига кўра объектив ҳодиса бўлса ҳам, субъектив омиллар ёрдамида шаклланади ва ривожланади. Фольклор санъатини конкрет шахс типи ва муайян миллат ғурурини шакллантириш усули ва имконияти контекстида олиб қарайдиган бўлсак, жамият маънавий ҳаётидаги ролининг ошиб бориш қонуниятини кўрамиз.

Умумлаштириб айтганда, ***фольклор – шахс ва миллат ғурурини шакллантиришга қаратилган субъектив омилнинг конкретлашган усули ва воситаси.*** Шунга кўра, фольклор санъати

---

[1] Шуниси ажабланарлики, кейинги йилларда республикамизда нашр этилган "Маънавият" изохли луғатига, (Тошкент, 2009), "Фалсафа" қомусий лугатига (Тошкент, 2004) маънавиятимизнинг асосий негизлари бўлган "Фольклор", "Халқ оғзаки ижоди" тушунчалари изоҳлари киритилмаган.

шахс миллий ғурурини шакллантиришдан иборат ижтимоий амалиётнинг конкрет босқичини ҳам, тарихий заруриятини ҳам, динамик ривожланишини ҳам ўзида акс эттиради.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролига ижтимоий амалиёт нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, унинг иккита асосий хусусияти намоён бўлади. ***Биринчиси,*** ижтимоий-маънавий ҳаётда фольклор шахснинг ўзлигини англаш имконияти, субъектив омили бўлиб, миллий ғурурни тарихий воқеалар контекстида бадиий образлар орқали акс эттирувчи халқ маънавий маданиятининг махсус шакли ҳисобланади. Унда миллий ғурурни шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий тажрибалари ва шаклланган қадриятлари шахс даражасида конкрет акс этади ҳамда умумлашади. ***Иккинчидан,*** фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири маънавий маданият тизимидаги функциясига, жамият тарихий тараққиётининг маънавий эҳтиёжларига мос тарзда ўзгариб туради ва шахс сифатларига конкрет ёндашувни тақозо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги функционал ролини таърифласак: ***фольклор – халқ турмуш тарзи соҳаларини идеал образларда, метафораларда акс эттириш орқали шахс миллий ғурурини шакллантиришга таъсир кўрсатишнинг самарали усули бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида орттирилган тарихий меросни, ижтимоий тажрибани умумлаштириш, сақлаш ва узатишнинг ўзига хос синтетик санъат шакли.*** Лекин, фольклор фақат шахс миллий ўзлигини англаш ва ғурурини шакллантириш функцияси, унинг роли ва мустақил аҳамиятини тўлиқ намоён қила олмайди. Шу сабабдан фольклорнинг жамият умумий тараққиётидаги аҳамиятини белгилаб берадиган хусусиятларини шахс миллий ғурурини шакллантириш контекстида олиб қараш унинг функционал ролини конкретлаштиради. Чунки, назаримизда, шахснинг муайян тарихий даврда фольклор воситасида миллий ғурурни шакллантириши, унинг конкрет тарихий-ижтимоий амалиёт жараёни билан боғлиқ бўлади. Яъни, фольклор шахснинг тарихий тараққиётидаги фаол субъект сифатида шаклланиши учун, фақат идеал воқеликни акс эттирмасдан, балки уни "яратиши" зарур. Шунинг учун ҳозирги давр фалсафий адабиётларида фольклорнинг функционал ролини таърифлашда, уни ижтимоий борлиқнинг бадиий идеаллашган воқелиги тарзида қаралиши тасодифий эмас. Хусусан, фольклордаги "ғаройиб фантастика, моҳиятан, халкнинг

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI AXBOROT-RESURS MARKAZI

тарихий воқеликка муносабати асосида ижтимоий онгини бадиий шаклда ўзлаштиришидир"[1].

Шу боис, фольклор шахснинг ўз-ўзини англаш, миллий ғурурни шакллантириш воситаси сифатида намоён бўлади. Бизнинг тадқиқот мавзуимиз доирасида фольклорнинг ривожланишидаги асосий тенденция миллатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шахс миллий ғурурини шакллантириш орқали, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда намоён бўлади. Бундан ташқари, фольклорда ғурур, ор-номус, шаън, инсоннинг ўз қадрини англаш ва унинг софлигини сақлаш масаласи персонажларининг фаоллиги ёки пассивлигини белгилайдиган мезон ҳисобланган[2].

Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири фақат субъектив омил мақоми билан белгиланмайди, балки унинг ҳиссий-эмоционал фаолиятини, хусусан, ватанпарварлик руҳини, қаҳрамонлик фазилатини тарбиялашга йўналтиради, шахснинг бу соҳада тажриба орттиришга ва унинг ижтимоий маънодаги мақомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фольклорда ифодаланган шахснинг миллий ғурури, бир томондан, уни ривожлантиришга йўналтирилган ҳаётий тажрибани умумлаштиради. Иккинчи томондан, фольклор шахс миллий ғурурини, унинг амалий фаолият шаклларига нисбатан конкретлаштиришдан ташқари "орият", "номус", "шаън", "нафсоният" ва бошқа шу каби маънавий-ахлоқий тушунчалар мазмунини ташкил қилади.

Шу билан бирга, фольклорда конкрет тарихий даврнинг моҳиятини белгиловчи миллий онгнинг амалда намоён бўлган шахс ғурури: ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг умуминсоний мақсадларини, умуммиллий манфаатларини ўзида мужассамлашган тарзда ифодалайдиган мазмун ва шакл бирлиги мавжуд. Шахс ғурури ўзининг конкрет намоён бўлиш шаклларидан қатъи назар, ижтимоий характер касб этади. Чунки шахс ғурурини шакллантириш муаммоси тарихий давр зиддиятлари ва асосий тенденцияларини ўзида акс эттиради.

---

[1] Трояков П.А. От этнографических реалий к сказочному мотиву. Фольклор. Поэтическая система. – М. 1977. - С. 135.

[2] Қаранг: Жўрахонова С. Кенжа ботир ҳақидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №1. – Б.84.

Халқимизнинг тарихи ва бугуни маънавиятга, хусусан, фольклор санъати олдига муаммолар қўймоқда. Чунки шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклорга диққат-эътиборнинг ошиб бориши ўтмиш маънавий маданиятини тиклаш ва ривожлантириш заруриятидан келиб чиқади ҳамда шахс ғурурини шакллантиришнинг мураккаблиги, унинг нафақат ташқи қиёфасини, балки ички маънавий моҳиятини очиши билан характерланади.

Бундан ташқари, шахс миллий ғурурини шакллантирадиган фольклор муайян халқ ёки миллатга тегишли эмас. Чунки ҳар қандай фольклор тарихий тажрибаларни умумлаштириш натижасида вужудга келади ва умуминсоний характер касб этади. Бошқача айтганда, "бир геосиёсий ҳудудда яшаган халқ қайси миллат ёки элат вакили бўлишидан қатъи назар, доимо ўзаро маданий-маънавий конвергенция таъсирида бўлади... Ушбу жараён маданий тараққиётнинг устувор қонунларидан биридир"[1]. Энг муҳими, фольклор қаҳрамонлари образларининг маънавий мазмуни ҳар қандай кишида миллий ғурурни шакллантиришга миллий менталитет "чиғириғидан" ўтган ҳолда таъсир кўрсатади. Ҳатто, айтиш мумкинки, миллатнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам фольклор қаҳрамонлари миллий мансублигидан қатъи назар, умуминсоний мазмунга эга.

Конкрет тарихий даврда миллий ғурурнинг фольклорда ифодаланган шакллари, уларнинг эстетик мазмуни, ижтимоий моҳияти ва характери умуминсоний ижодий тафаккурининг муайян миллатга мансуб шахс маънавий борлиғини акс эттиради. Бунда, бир томондан, фольклор жанрларининг мазмуни ва шаклини уйғунлаштирадиган ижодий методни қўллашига, иккинчи томондан, объектига дифференциал ёндашиб, оптимал ва рационал воситани топишига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, бу икки жиҳатнинг уйғунлиги конкрет шахс миллий ғурурини шакллантириш ва уни ҳаёт тарзига айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фольклор воситаси шахс миллий ғурурини шакллантириш, унинг потенциал имкониятини амалий фаолиятда рўёбга чиқариш жараёни тарзида қаралиши керак. Умуман, миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган фольклор санъати бу – тарихий мерос асосида янги маънавий қадриятларни яратиш ва

---

[1] Назаров Н. Лақайлар этник маънавиятининг ўзига хос жиҳатлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - 2006. №4 (36).-Б.115.

ривожлантириш. Янги фольклорни яратиш ва уни муайян мақсад учун ўзлаштириш жараёнида, бир томондан, унинг ижтимоий воқеликни бадиий образлар, метафораларда акс эттириш усули ва маънавий ҳодиса сифатида миллий ғурурни шахснинг "ҳазм қилиш" имконияти ўртасидаги алоқадорликни; иккинчи томондан, фольклорнинг шахс миллий ғуруридаги ўзгаришларда, яъни унинг миллий ўзликни англаши (идентификациялашувида) шахс сифати ўзгаришини кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бундай алоқадорлик бўлмаса, фольклорнинг педагогик-дидактик аҳамияти бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, фольклор нафақат шахснинг фаолиятини муайян мақсадга йўналтириш ва бошқариш, балки уни ривожлантиришнинг субъектив омилига айланади.

Миллий ғурурни шакллантиришда шахслар индивидуаллиги ўртасидаги фарқлар, фольклорнинг уларга таъсир имкониятларини дифференциал баҳолашида ўз ифодасини топади. Хусусан, шахснинг ижтимоийлашиш (социализациялашуви) даражаси ва индивидуал-интеллектуал хусусиятлари фольклор образлари мақсадларини англаш ҳамда амалга ошириш самарадорлиги, фольклорда ифодаланган воқеликнинг рационал ва иррационал жиҳатларини ўзаро боғлашида намоён бўлади.

Фольклор воқелигига уни «истеъмол» қиладиган жамиятнинг муносабати ҳамма тарихий даврларда шахс маънавий эҳтиёжларига асосланган. Бунда шахс типларининг миллий ўзликни англашга нисбатан индивидуал ижтимоий позицияси, уларнинг ғурури шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Фольклор қаҳрамонлари билан конкрет шахс ўртасидаги уйғунлик, уларнинг ижтимоий борлиққа, хусусан, миллий ўзлигини англашига нисбатан позициясини аниқлашни тақозо қилади. Лекин, шахс миллий ўзлигини англашнинг реал мазмуни, уни таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирининг турли-туманлилиги бу позицияни аниқлашнинг мураккаблигини белгилайди.

Жамиятнинг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган фольклор санъатининг объектив ижтимоий воқеликка қаҳрамонлари орқали муносабати шахс маънавий ривожланиши мўлжалларини конкретлаштиради. Бунда шахснинг фольклорда ифодаланган миллий ғояларни идрок қилиши, улардан амалда фойдаланиш фаолияти, унинг ҳаётини ўзгартирадиган интеллектуал салоҳиятига мос келади. Яъни, шахс томонидан фольклор воқелигини идрок

қилиш ва амалда фойдаланишнинг асосий шарти: 1) фольклор образларининг объектига, тарихий воқеликка адекватлигига; 2) шахс маънавий ривожланишнинг динамик характерига; 3) шахс амалий фаолиятининг конкрет мақсадга йўналтирилганлигига; 4) маънавий эҳтиёжларни қондириши ва манфаатларига мослигига; 5) шахс маънавиятининг ички зиддиятлардан ҳолилиги билан изоҳланади. Чунки фольклорда миллий ғурурни шакллантириш муаммоси, унинг объекти ривожланиш даражасига ҳам, ифодаланиш шаклига ҳам мос бўлиши керак. Бунда шахс миллий ғурури шаклланиш даражасини ижтимоий идеаллар нуқтаи назаридан баҳолаш ва истиқболларини кўрсатиш фольклорнинг маънавий-мафкуравий функциясини ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, 1) фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири кенг қамровли ҳодиса бўлиб, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш муаммоларининг устувор йўналишларига мос тарзда турли даврларда турлича талқин қилинган; 2) бугунги кунда фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги роли ошиб боришини, унинг менталитет хусусиятларини аниқлаш нуқтаи назаридан комплекс-системали ўрганишга муносиб; 3) фольклор санъати инсон интеллектуал салоҳияти, меҳнати билан яратилган маънавий маданиятнинг махсус шакли бўлиб, шахс миллий ғурурини шакллантириш вазифасини бажарувчи ижтимоий ҳодисадир; 4) фольклорда миллий ўзликни англаш ва ғурурни шакллантириш муаммоларининг кун тартибига қўйилиши инсон ижтимоий моҳиятидаги ижодкорлик характерини, истеъдодини, маҳоратини намоён қилади; 5) фольклор маънавий маданиятнинг махсус кўриниши сифатида ҳамма вақт реал воқеликдан келиб чиқади ва уни идеал образлар тарзида ифодалаш усулидир.

1.2. Шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъати ва фалсафанинг функционал алоқадорлиги

Фольклорнинг санъат тури сифатида ривожланиш тарихи халқ оғзаки ижоди воситасида муайян миллатнинг ижтимоий борлиққа муносабати, маънавий юксалиш даражаларини кўрсатувчи мезонлиги ва тараққиётининг барча йўналишларига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллигини мустаҳкамлашдан иборат. Дарҳақиқат, инсоният тарихида дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналаридан бошлаб, ҳозирги давр фольклорининг долзарб

маънавий муаммоларини кўтариб чиқиши унинг тадрижий ривожланишини намоён қилади. Фольклор асарларининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролини тарихий давр нуқтаи назаридан "примитив", "содда" деб баҳолаш нисбий ва шартли характерга эга. Чунки ҳар қандай маданият шакли каби фольклорнинг функционал аҳамиятини муайян тарихий даврнинг вазифаларидан келиб чиқиб, баҳолаш керак. Яъни, фольклор шахс миллий ғурурини шакллантириши учун миллат эҳтиёжларини қай даражада ифодалаши ва қондириши эътиборга олиниши лозим. Зеро, биз "содда", "примитив" деб баҳолаётган фольклор қаҳрамонлари ўз даврининг прототипи ва ҳозирги давр кишисининг маънавий қиёфасига асос бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: "Бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган"[1].

Фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантириш функциясида унинг тарихий ахборот манбаси ва оммага трансформация қилишнинг усуллари, воситалари мужассамлашганлиги алоҳида диққатга сазовор. Чунки инсониятнинг ижтимоий ҳаёт тарзи, бир томондан, жамият субъектларининг ўзаро ахборот айирбошлашини тақозо қилган бўлса, иккинчи томондан, фольклор ахборот трансформациясининг усулларини, воситаларини вужудга келтириб, муайян миллат ҳаётида конкретлаштирган. Инсон фольклор санъати воситасида миллий ғурурни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни, имкониятларни, усул ва воситаларни яратган. Унинг натижалари эса, жамият маънавиятида намоён бўлган.

Фольклорнинг энг қадимги шакллари функционал дифференциаллашиб бошлаган ибтидоий жамоа даврида қаҳрамонлар образлари илоҳий-афсонавий (мифологик) характер касб этган. Хусусан, "қаҳрамонлик эпоси ва умуман, халқ достонларининг муайян мотивлари ёки айрим архаик эпос намуналари сюжетининг генетик илдизлари тош асрида яшаган одамлар дунёқараши, айниқса, мифологик тасаввурлари тизимига

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият". 2008. -32-б.

бориб тақалади”[1]. Лекин, инсоннинг ўз ижтимоий моҳиятини (айниқса, миллий ўзлигини), борлиғини англаши нисбатан кейинги даврларда содир бўлган. Инсон афсонавий тафаккурининг ривожланиши натижасида идеал, утопистик назариялар вужудга келган. Умуман, фольклорда инсоннинг ижтимоий борлиғи қаҳрамонлар томонидан акс эттирилиб, маънавий қадриятларнинг кундалик оддий қоидалари, келажакнинг идеаллари намоён бўлади.

Фольклор қаҳрамонларининг маънавий қиёфасида, бир томондан, эмоционал-руҳий жиҳат устувор бўлса, иккинчи томондан, амалий-прагматик характерининг идеаллаштирилиши кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам фольклор мазмунига комплекс-системали ёндашиш тақозо қилиниб, инсон характерини билишда, “ички моҳият” билан “ташқи шакл” нисбий характер касб этади. Бошқача айтганда, фольклорнинг аҳамияти фақат объектив ҳақиқатни (*идеал образларда-Д.А.*) ифода этиши билан эмас, балки бадиий ижоддаги объективлик ва субъективликнинг ажралмаслиги билан белгиланади”[2].

Қадимги дунё халқ оғзаки ижодида баркамол инсонни бадиий образларда тасвирлаш учун унинг қаҳрамонлари маънавий қиёфасидаги типик мезонлар асос қилиб олинган ва муҳим инсоний фазилатларга муносабати орттирма метафораларда ифодаланган. Фольклор мазмунида персонажларнинг Ватанга муносабати, мардлиги, миллатпарварлиги ва бошқа ижобий ҳислатлари, фазилатлари унинг миллий ғурурини шакллантиришда муҳим тарбиявий вазифани бажарган. Фольклор санъати информация трансформацияси воситалари (оғзаки адабиёт) ёрдамида авлоддан-авлодга мерос қолган. Уларда муайян тарихий даврда яшаган инсонларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва бадиий тажрибаси умумлашиб борган.

Фольклорнинг ҳатто илк кўринишларида ҳам шахс маънавий қиёфасини шакллантириш, хусусан, ғурури, ориятн, нафсониятини тарбия қилиш асосий мақсад бўлган. Инсонлар тарихий шаклланган ўз маънавий мавжудлигининг асосларини, ҳудудий яхлитлигини, хуллас, миллий идентификацияси белгиларини сақлаб қолиш учун доимо миллий ўзликни англаш ва ғурур туйғуларини шакллантиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам миллий

---

[1] Жўраев М. Палеоосиё мифологик сюжетлари ва уларнинг археофольклористик талкини// Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. - №5. – Б.15.

[2] Рибов В.Ф. Проблема полезности исскуства. Социально-философские проблемы художественной культуры. - Ленинград: 1990. - С. 5.

ғурурнинг фольклорда тасвирланиши барча даврларда инсонларни ватанпарварлик туйғуси асосида бирлашишининг энг муҳим омилларидан бири бўлган.

Ҳатто қадимги уруғ ва қабила ҳаётида ҳам шахснинг ватанпарварлик туйғуси ҳам, ғурури ҳам ижтимоий характерга эга бўлган. Чунки ҳар қандай инсоннинг миллий ғурури ижтимоий мавжудлигининг тарихий воқелигига мос келган. Бошқача қилиб айтганда, одамларнинг жамоа бўлиб яшашдан иборат ҳаёт тарзи шу муҳитда уларнинг индивидуал ўрнини белгилайдиган ғурурига боғлиқ бўлган. Бунда, умуман, шахс маънавий қиёфаси, хусусан, ғурури фольклорнинг асосий объекти ва мавзусига айланган. Фольклор шахснинг ижтимоий-маънавий ҳаёт билан алоқадорлигини таъминловчи субъектив омил бўлса, миллат ғурури фольклор қаҳрамонлари образлари шаклланишининг объектив асоси ҳисобланади. Айнан миллий ғурур шаклланиши жараёнида шахснинг ўзлигини англаб, "Мен"ини намоён қилиш имкониятига эга бўлади.

Қадимги одамларнинг ҳаёт тарзи фольклорда рамзий қаҳрамонлар образлари шаклланишга олиб келган. Ҳар қандай тарихий даврда сиёсий таъқибларга, мафкуравий тазйиқларга қарамасдан фольклор бадиий образларида миллий ғурур рамзийлик билан мажозийлик уйғунлиги асосида ифодаланганлигини мотив стилизациясида кўрамиз. Хусусан, ҳайвонлар ҳақидаги ривоятларда, афсоналар ва эртакларда "анъанавийлик касб этган рамзий образлар давр ўтган сари янги мазмун касб этиб борган"[1]. Кейинчалик, жамият ижтимоий муносабатларининг ривожланиши билан уларни акс эттириш усуллари ва трансформация воситалари ҳам такомиллашиб борган. Шахс миллий ғурурини фольклор бадиий образларида ифодалашда, уларнинг жамоадаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга интилиш тенденцияси кучайди. Яъни, фольклорда шахс миллий ғурурининг объект сифатида қўйилиши инсон ижтимоий моҳиятини ифодалаш заруриятидан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан, фольклорнинг шахс миллий ғурури шаклланишига таъсири, ҳар қандай инсоннинг ижтимоий фаолиятини ахлоқ нормалари доирасида бадиий образларда ифодалашида яққол намоён бўлади.

---

[1] Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳукмдор ёки ҳоким персонаж талқини. // Илм сарчашмалари. - 2003. №1- Б.68.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурини ахлоқ нормалари билан регламентлаштиришдан мақсади шахс ижтимоий фаолиятини жамиятнинг анъанавий шаклланган ахлоқ-одоб тамойилларига бўйсундириш ва ўзлигини намоён қилишга ёрдам беришдир. Айниқса, Шарқ халқлари фольклорида шахс миллий ғурурини тарбиялаш масаласи доимо устувор аҳамият касб этиб, жамият маънавий-ахлоқий ривожланишига, инсоннинг маънавий-руҳий камол топишига хизмат қилган. Шахс миллий ғурурини ахлоқий нормалар билан регламентлаштириш зарурияти жамиятнинг тарихий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам фольклорда миллий ғурурни бадиий образларда акс эттириш, мазмунига кўра, ҳамма вақт гуманистик ахлоқийликнинг жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетганлигини кўрсатади.

Фольклорнинг биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасидаги яна бир мақсади шахс ғурури билан боғлиқ ҳис-туйғулари, ички кечинмаларини қаҳрамонлари образларида акс эттириб, унинг ижтимоий муносабатларини бошқарадиган "стандартлашган", универсал ахлоқ нормаларини ишлаб чиқишдан иборат. Бошқача айтганда, ҳар қандай жамиятнинг этикологик муаммолари бевосита фольклор санъатининг объекти бўлиб, унда шахс миллий ғурури ахлоқий мазмунига алоҳида эътибор берилади. Бунда фольклор шахс миллий ғурурини бадиий қаҳрамонлар образларида акс эттириши билан жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларини регламентлаштирувчи ахлоқ-одоб нормаларини, тамойилларини оммабоп тарзда умумлаштиради ва трансформация қилади. Зеро, шахс миллий ғурурининг жамият ахлоқий нормаларига мос келиши унинг баркамоллигини белгилайдиган асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Шахс миллий ғурури умуминсоний ахлоқий нормаларга зид бўлса, эгоизмни, этноэгоцентристик мутаассибликни намоён қилади. Фольклор бадиий образлари шахснинг ижтимоий борлиққа муносабатидаги ахлоқий нормаларни "қайта яратади" ҳамда идеалларини кўрсатади. Фольклор образларида ифодаланган шахс миллий ғурури воқеликнинг идеал кўриниши бўлса ҳам инсон амалий фаолиятининг истиқбол йўналишини кўрсатиши билан прагматик аҳамиятини намоён қилади. Фольклор санъатининг барча жанрлари анъанавий қадриятларнинг асосий трансформаторлари сифатида шахс ижтимоийлашувида катта роль ўйнайди ва унинг миллат менталитетидан бегоналашуви – маргиналлашуви олдини

олишга хизмат қилади. Чунки анъанавий маънавий-ахлоқий қадриятлар оммавий хулқ-атвор ривожланиши тарихий тажрибаси жараёнида шаклланади ва миллат менталитетини белгилашда мустаҳкам ҳамда турғун мақомга эга бўлади[1].

Фольклорнинг шахс ғурурини реалистик образларда акс эттириши, унинг қаҳрамонлари маънавий-ахлоқий қиёфасини таъсирчан усул-воситалардан фойдаланиб ифодалаши билан характерланади. Зеро, инсон маънавий дунёси таркибий қисмини ташкил қилган фольклор қаҳрамонлари образи, нафақат миллий ғурур идеалларини реаллаштириш ("моддийлаштириш") имконияти, балки уларни шахс томонидан қабул қилиш учун ахлоқий асосларни яратиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фольклор санъатида "афсона ва ривоятлар реал фактларга, эртак сюжетлари эса хаёлий ва ҳаётий уйдирмаларга асосланади"[2], лекин уларнинг барчаси шахс ва миллат ғурури, ўзлигини англаши масаласида умумий нуқтада кесишади. Бу асарларда шахс миллий ғурурининг жамият маънавияти таркибий қисми тарзида ифодаланиши уларнинг фалсафий мазмунини ташкил этади. Чунки, "ғурур" тушунчасини шахс ижтимоий моҳиятини, ҳаёти мазмунини, миллий ўзлигини англашини амалда намоён қилади.

Миллий ғурур феноменини англаш ва ифодалашда фольклорнинг фалсафий мазмунини кўрамиз. Лекин, айнан шу масалада, шахс "маънавий сифатлари"ни акс эттиришда фольклор ва фалсафанинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўзга ташланади. Яъни, фольклор шахс миллий ғурурини шакллантиришда руҳий, эмоционал-психологик ҳолатга, образлилик жиҳатларига, метафораларга асосланса, фалсафа унинг онтологик, гносеологик томонларини уйғунлаштиришга таяниши билан фарқ қилади. Умуман, мақсади ва вазифасига кўра, фольклор санъати билан фалсафий тафаккур инсон маънавиятини – ижтимоий моҳиятини англашда, унинг миллий ғурурини шакллантиришда умумийликка эга бўлади.

Фольклор санъати ва фалсафанинг шахс миллий ғурурини шакллантириш вазифаларида ҳам функционал умумийлик мавжуд. Яъни, фалсафа шахснинг объектив ва субъектив борлиқ ҳақидаги илмий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади. У ҳар қандай

---

[1] Каранг: Рассадина Т.А. Традиционные ценности: к вопросу о понятии. Вестник МГУ, Сер.18. Социология и политология. 2004, - №3, - С.89.

[2] Имомов К. Ўзбек халқ эртакларининг таснифи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. - №1. - Б.21.

назарий-амалий фаолият, шу жумладан, маънавий маданият ҳақидаги дунёқарашнинг ҳам назарий-методологик асосидир. Бунда фольклор фалсафий дунёқарашга асосланган ҳолда шахс миллий ғурурини шакллантиришда восита ролини бажаради.

Фольклор санъати билан ижтимоий фалсафанинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги функционал умумийлиги уларнинг нисбий мустақиллигини ҳам, индивидуаллигини ҳам истисно қилмайди. Бошқача айтганда, уларнинг ўзига хос услублари, восита, шакл ва вазифалари мавжуд, яъни улар ўртасидаги фарқ миллий ғурурни ифодалаш усул ва воситаларида намоён бўлади. Масалан, фольклор "миллий ғурур" феномени шахс маънавий мазмунининг қаҳрамонлари бадиий образларида "идеал борлиқ" тарзида ифодаласа, фалсафа унинг моҳиятини умумий тушунчалари, категориялари тизими орқали онтологик ва гносеологик жиҳатлари бирлиги тарзида таҳлил қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, шахс миллий ғурури ижтимоий тажрибанинг махсус кўриниши сифатида: 1) фольклор санъатида қаҳрамонлари образларини метафораларда идеаллаштиради, фалсафа эса, унинг ривожланиш тенденциясини воқелик билан ички зиддиятларини ёритади; 2) фольклорнинг шахс миллий ғурури шаклланишига таъсири, унинг маънавий дунёсига, ўзлигини англашга доир фикр-мулоҳазалари ва эмоционал ҳис-туйғуларига қаратилган бўлса, фалсафанинг таъсир йўналиши конструктив рационализмга, ижтимоий амалиётга асосланиб, шахс маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг назарий-методологик асослари таҳлилига қаратилади; 3) фольклор шахс маънавий қиёфасини, хусусан, ғурурини идеал образлари орқали уйғунлаштириб ифодалашга, фалсафа эса, шахс моҳияти объекти ва субъекти уйғунлигини англашга, уларнинг ўзаро алоқадорлик қонуниятларини очишга хизмат қилади; 4) фольклор идеал образлар, бадиий умумлашмалар мавжудлигига, фалсафа – реал воқелик ва унинг объектив ривожланиш қонуниятлари ҳақиқатлигига таянади. Лекин, шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласида улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Шунга кўра, шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъати ҳамда фалсафанинг функционал уйғунлигини таъминлаш учун уларнинг усул ва воситалари бирлигига эришиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Шахс миллий ғурурини шакллантиришда фалсафа фольклор санъатига фақат назарий-методологик асос эмас, ўз навбатида, фольклор ҳам фалсафий тафаккур усулига жиддий таъсир кўрсатиши

нуқтаи назаридан бир-бирини тақозо қилади. Фольклор санъати билан фалсафа ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, воқеликни фольклорнинг бадиий образлари орқали ёки фольклор бадиий образларини фалсафий умумлаштириб тушунтириш, уларнинг гносеологик функционал бирлигини намоён қилади. Булардан ташқари, фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришда фалсафий усулларга муносабати дифференциаллашган. Яъни, фольклор санъати ва унинг турли жанрлари шахс маънавий қиёфасини фалсафий усулларни механистик қўллаш орқали автоматик тарзда шакллантира олмайди, балки қаҳрамонлари образлари воситасида миллий ғурурни бадиий англаш ва ифодалаш жараёнида ўзига хос фалсафий таълимот тизимини яратади, у ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш даражасига мос келади.

Фольклор бадиий образлари "сифат"натижаларининг фалсафий тадқиқот предметига айлантирилиши билан миллий ғурур феноменини назарий билиш ҳамда уни амалий шакллантириш масалаларида уларнинг ҳамкорлик имкониятлари намоён бўлади. Фольклор санъатининг шахс миллий ғурурига таъсир имкониятларини, йўналишларини аниқлаш учун шахс типларига дифференциал ёндашиб, унинг маънавияти структуравий элементларини функционал таҳлил қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга бўлади.

Фольклорнинг функционал аҳамиятини шу тарзда кўрсатиш шартли ва нисбий бўлса ҳам, бир томондан, у шахс миллий ғурурини, жамият маънавий маданиятини ўрганишда (объекти ва услуби нуқтаи назаридан) фалсафа билан умумийликка эга. Иккинчи томондан эса, фольклорнинг бошқа санъат шакллари билан уйғунлиги унинг функционал самарадорлигини белгилайди.

Фольклорнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги образлилик ва фалсафанинг субстанционаллик хусусиятларини аниқлаш уларнинг функционал умумийлигини истисно қилмайди, аксинча конкретлаштириш билан муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан миллий ғурур феноменига нисбатан фалсафа ва фольклор санъатининг муносабати ҳамда таҳлилида муайян фарқлар бўлса ҳам, мақсадлари доирасида умумийлик кўзга ташланади.

Фольклор санъати жанрларининг шахс миллий ғурурини турли воситалар, усуллар орқали бадиий образларда идеаллаштириб ифодалаши нуқтаи назаридан фалсафадан фарқи нисбий ва

шартлидир. Лекин, шахс маънавий дунёси, унинг фаолият услуби мазмуни, йўналиши билан эмас, балки натижасига кўра баҳоланади, деган хулоса фалсафага ҳам, фольклорга ҳам бирдек тааллуқли. Чунки фольклорнинг фалсафий мазмуни шахс миллий ғурурини шакллантиришдан мақсад, восита ва натижа бирлигини уйғун изоҳлашида намоён бўлади.

Умумлаштириб айтганда, ***биринчидан,*** фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантириш жараёнида унинг мақсади ҳам, вазифалари ҳам конкретлашади; ***иккинчидан,*** фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсир самарадорлиги образларини бадиий-эстетик ифодалашга боғлиқ бўлади; ***учинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришда ижтимоий онг шакллари, хусусан, фольклор санъатининг роли ошиб бориши қонуниятдир; ***тўртинчидан,*** фольклор санъатида шахс миллий ғурури масаласи қўйилиши тарихий заруриятнинг намоён бўлишидир; ***бешинчидан,*** фольклорга шахс ижтимоийлашиш жараёнининг муҳим субъектив омили сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки шахс ғурури масаласида фольклордаги хусусийлик ва фалсафанинг умумийлиги бир-бирини тақозолайдиган ҳамда тўлдирадиган ҳодисалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фольклористика ва фалсафий адабиётларда шахс маънавияти, хусусан, миллий ғурури унга Худо ёки табиат томонидан берилган илоҳий моҳият бўлмасдан, балки миллатнинг ментал эманацияси ёки экзистенциясини белгилайдиган ижтимоий борлиққа ҳамда ўзлигини англашига реал ҳаётий муносабат бўлиб ҳисобланади.

1.3. Ўзбек халқи ғурурининг миллий фольклор санъатида намоён бўлиш хусусиятлари

Фольклор санъати, том маънода, халқ оғзаки ижоди намунаси бўлиб, кўп қиррали ижтимоий феномендир. Ҳар қандай тарихий даврда фольклор воқеликни халқчил бадиий образлар орқали фалсафий мушоҳада қилиш усули бўлиб келган. Хусусан, фольклорнинг шахс маънавиятига, ижтимоий тараққиётга таъсир йўналишлари қатор фанлар тадқиқот объекти, предмети доирасига киритилган. Хусусан, “Адабиётшунослик”, “Адабиёт назарияси ва тарихи” фанларининг асосий тадқиқот объектлари ҳисобланади. “Ижтимоий фалсафа” бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, фольклор тараққиётини тарихий тараққиёт тақозоси, халқ маънавиятининг

намоён бўлиши деб қарайди. Бу фан фольклорнинг инсон руҳиятига, маънавиятига таъсир қилувчи субъектив омил мақомини таҳлил қилиш орқали шахс миллий ғурурини шакллантириш диалектикасини кўрсатиши билан ўзига хослигини намоён қилади.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги функционал аҳамияти, бир томондан, унинг яратувчиси (субъекти) эмоционал-руҳий ҳолатини намоён қилиши, иккинчи томондан эса, таъсир объекти бўлган шахс "сифати"ни ошириши билан характерланади. Шунинг учун фольклорни динамик ривожланувчи тарихий санъат тури сифатида, шахс миллий ғурурига таъсирини ижтимоий функцияси нуқтаи назаридан комплекс-системали ўрганиш зарур.

Фольклор санъати тараққиёти халқ оммасининг унга эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиб, маънавий юксалиш муаммоларини, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантириш орқали унинг ўзлигини англашга, "Мен"ини ҳис қилишга ёрдам берадиган амалий тажрибаларини оммалаштириш вазифалари билан боғлиқ. Яъни: 1) фольклорда ифодаланган шахс миллий ғурури муайян миллатга мансуб кишининг ҳаётида тўплаган тажрибаларини ўзи яшаётган Ватан, ўзи мансуб халқ оммаси тақдири билан боғлашида намоён бўлади; 2) ҳар қандай миллатнинг миллий-маданий айнанлиги халқ ижодида ўз ифодасини топади, шу "миллий-маданий айнанлик "дунё манзараси"нинг умумийлигини, ягона тарихий-маданий базисга хослигини ҳис қилиш тарзида намоён бўлади"[1]; 3) шахс фольклорни "маънавий истеъмол қилиш" жараёнида ўз миллий ғурурини қайта баҳолайди, Ватанга муносабатини ҳам, унинг келажаги учун масъулиятини ҳам ўзгартириб, ***миллий борлиғига*** муносабатини белгилаб олади; 4) шахс фольклордан (миллат менталитетини ифодалайдиган санъат шакли сифатида) миллий ғурурни шакллантирадиган энг муҳим жиҳатларини ўзлаштиради, шу менталитет хусусиятини оммага трансформация қилиш субъекти ҳисобланади.

Миллат ва шахснинг ғурурини ривожлантириш эҳтиёж ҳамда манфаатлари доирасида фольклорнинг ижтимоий функцияси конкретлашади. Яъни, шахс миллий ғурурида унинг онги, маданияти, эмоционал ҳис-туйғулари, орзу-умидлари жамият маънавий воқелигининг ривожланиш даражасида намоён бўлади.

---

[1] Шубин Ю.А. Национально-культурная идентичность как ресурс преодоления кризисных явлений современного общества. // Вестник МГУКИ, - №5, 2008. - С.11.

Бошқача айтганда, шахс ғурурини шакллантиришда миллий манфаатлар унинг объекти ва субъектини ривожлантириш мотиви ҳисобланади. Шунинг учун улар ўртасидаги ўзаро таъсир, ижтимоий ҳаётни, хусусан, кундалик маънавий-тарихий амалиётни ҳаракатлантирадиган куч бўлиб қолаверади. Шу жараённи ўрганиш, назаримизда, фольклорнинг миллий ғурурга таъсирини ўрганиш ва тавсифлашда муҳим аҳамият касб этади.

М.Хаджиева "Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари" монографиясида миллий ўзликни англашнинг бош стратегик йўналишларини санар экан, улардан бири "миллий ғурур, ифтихор, ор-номус, миллатнинг шаъни каби туйғуларнинг миллат вакиллари ***хатти-ҳаракатларида амал қилиш*** (*таъкид бизники – А.Д.*),"[1] деб кўрсатади. Дарҳақиқат, бу кўрсатилган туйғулар миллат ҳаракати мотивига, уни ривожлантириш механизмига айланмаса, декларатив характер касб этиб қолаверади.

Фольклорнинг халқчиллиги ва миллат кундалик амалий ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса сифатида шахс миллий ғурурига таъсирини комплекс-системали ўрганиш уни конкретлаштириш имконини беради. Зеро, маънавий ижтимоий-тарихий амалиётни бадиий образларда ифодалаш гносеологик, эвристик, аксиологик, праксиологик, футурологик, методологик, ва педагогик-дидактик функцияни конкретлаштиришни тақозо қилади. Чунки фольклор жамият маънавий ҳаётининг инъикоси ва ифодалаш усули сифатида шахс миллий ғурурини шакллантирувчи мотивларни ҳам, мақсадга мувофиқ йўналтирувчи механизмларни ҳам фалсафий категориялар контекстида синтезлаштирувчи санъат шаклидир.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсирида бир-бири билан боғлиқ икки йўналиш кўзга ташланади, яъни: ***биринчиси***, унинг ижтимоий ҳаётга, хусусан, шахс маънавий муносабатларини шакллантиришдаги ўрнини, роли ва мақомини мустаҳкамлаш; ***иккинчиси,*** фольклорнинг ижтимоий ҳодиса (шахс миллий ғурури) мавжудлиги ва ривожланиш тенденциясига мос равишда шакл ҳамда мазмун жиҳатидан ўзгаришларини аниқлашдан иборат.

Фольклор жамият маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида инсоннинг ўз ижтимоий моҳиятига эстетик муносабатини ифодалашдан ташқари, уни шахс онгига трансформация қилиш имконияти ҳам ҳисобланади. Чунки миллат ғурури шахс ғурури

---

[1] Хаджиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. – Т.: "Фан ва технология" нашриёти. 2010. Б.142.

даражасида конкретлашади. Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири натижасида инсоннинг ўз ижтимоий моҳиятини англаши, яъни "сифати" индивидуаллиги намоён бўлади ва ижтимоий воқеликни маданий (цивилизациялашган) ўзгартириш хусусиятлари ривожлантирилади. Бунда шахснинг миллий ғурури фольклор образларини ҳиссий-эмоционал ўзлаштириши орқали ўзини тарбиялашдир. Лекин, шахснинг фольклорни "ҳазм қилиши", бир томондан, индивидуал характерга эга бўлиб, унинг ижтимоий-маънавий моҳиятини конкрет тарзда намоён қилади. Иккинчи томондан эса, шахс миллий ғурури, унинг ижтимоий ҳаёт тарзини идеал қаҳрамонлар образларида ифодалайди ва истиқбол мўлжалларини белгилайди. Зеро, "Ҳар қандай миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан миллат қандай ривожланиш йўлидан боришига, миллий ўзликни англашига боғлиқ. Агар унинг амалий ва қонуний тараққиёти миллий маҳдудлик тусини олса, оптимистик йўналиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас"[1].

Фольклор санъати шахс миллий ғурурини шакллантирувчи идеал бадиий образларни ривожлантирувчи имконият, восита бўлиб, ўзаро боғлиқ вазифаларни умумлаштиради. Яъни, ***биринчидан,*** фольклор муайян миллат ижтимоий борлиғининг бадиий инъикоси бўлиб, жамият ривожланишида субъектив омилдир. ***Иккинчидан,*** фольклор муайян тарихий давр шахси хусусиятларини қаҳрамонлари образлари орқали очиб беради. ***Учинчидан,*** жамиятга "оммавий маданият", информацион хуруж кучайган ҳозирги даврда маънавий меросдан, хусусан, фольклордан фойдаланиш эҳтиёжи ошмоқда. ***Тўртинчидан,*** фольклор шахс миллий ғурурини шакллантириш ва оммага трансформация қилиш ролини бажаради. ***Бешинчидан,*** фольклор жанрларининг миллий ғурурга таъсиридаги индивидуаллик уларнинг вазифаларини конкретлаштиради. Шунинг учун ҳам фольклорга, тарихий келиб чиқиши ва оммавийлиги жиҳатидан, жамият маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак.

Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсири диалектик жараён бўлганлиги учун унинг ривожланиш эволюциясини тарихий даврларга, хусусиятларига ажратиб таҳлил қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Аввало, унинг икки хусусиятини ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси – шахс миллий ғурурини

---

[1] Абилов Ў. Ўзбекистон – бағрикенг диёр. -Т.: "Ўзбекистон", 2007. -51-б.

шакллантирувчи фольклорда миллий қаҳрамонлар инсоннинг ижтимоий моҳиятини ташкил этувчи тажрибасини умумлаштирувчи санъатнинг махсус шаклидир. Иккинчиси – фольклор ижтимоий борлиққа бадиий-эстетик муносабат бўлиб, шахс миллий ғурурини шакллантириш самарадорлиги, уни ифодаловчи бадиий образлар "тили"нинг мавжудлик усуллари, воситалари тизимидир. Яъни, юқорида кўрсатилганидек, фольклорда борлиққа муносабат жараёни ҳам, унинг натижаси ҳам мужассамлашади.

Фольклор феноменининг мазкур функционал жиҳатлари бир-бири билан ўзаро диалектик алоқада бўлади. Чунки фольклорнинг маънавий мазмуни, уларни ифодалаш усул-воситалари шахс камолотига йўналтирилганлиги билан характерланади. Лекин, бу икки жиҳат бир-бирини тақозо қилишга қарамасдан, бир томондан, ўз функционал нисбий мустақиллигига эга. Иккинчи томондан, фольклордаги миллий қаҳрамонлар образлари нисбатан "тугалланган" идеал бўлсада, унинг ривожланиши нуқтаи назаридан динамик характерга эга. Бошқача қилиб айтганда, фольклордаги қаҳрамонларнинг миллат ижтимоий борлиғига муносабати диалектик жараён бўлиб:

-биринчидан, қаҳрамонлар "мавжудлиги" реал тарихий давр эҳтиёжлари ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятларни ифодалайди;

-иккинчидан, фольклор қаҳрамони билан реал шахс ўртасидаги тафовут шахс эркинлиги билан реал ижтимоий борлиқ ўртасидаги зиддиятда ўз аксини топади;

-учинчидан, фольклор қаҳрамонлари образлари конкрет шахс типларига дифференциаллашган тарзда таъсир кўрсатиб, унга индивидуал ёндашувни тақозо қилади;

-тўртинчидан, фольклор образлари тарихий воқеликдан келиб чиққанлиги учун мавжуд ижтимоий-сиёсий тизимнинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан мутлақ холи бўла олмайди;

-бешинчидан, фольклор қаҳрамонларининг қадриятлари идеал характерга эга бўлса ҳам шахс ва жамият маънавий ҳаётидаги ички зиддиятлардан ҳоли эмас;

-олтинчидан, фольклорнинг потенциал тарбия имкониятлари билан шахс ҳаётининг объектив ривожланиш тенденцияси ўртасида узвий боғланиш мавжуд.

Шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги фольклор образлари билан ижтимоий тараққиётнинг реал воқелиги ўртасидаги

зиддиятлар ечими, унинг истиқболлари ҳақида идеал тасаввурлар шахснинг воқеликка мослашиш (адаптация) имкониятига боғлиқ бўлади. Яъни, фольклор шахснинг муайян маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжини қондиради ва янгиларини вужудга келтиради. Бу жараённинг динамик характери фольклор санъатини замонавийлаштириш тенденциясини ифодалайди. Хусусан, фольклор санъатининг эпос кўринишида вужудга келиши тасодифий ҳодиса эмас, балки "унинг асосий манбаларидан бири халқнинг тарихий ўтмишида юз берган долзарб воқеалар ҳамма вақт халқда умумий рағбат уйғотиб, унинг фантазиясини жунбушга келтирадиган шундай бир тарихий лаҳза юзага келадики, у, албатта, халқ эпик поэзиясида ўзининг ифодасини топади"[1].

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек миллатининг фольклор санъати, халқи ижоди билан мукаммал шуғулланган ва қатор қимматли илмий ишларни нашр эттирган В.М.Жирмунский ҳар қандай халқ ижодини, хусусан, эпосларини, унинг асрлар давомида шаклланган характери, турмуш тарзи, анъаналари, эътиқоди билан боғлаб ўрганиш орқали, бу асарларнинг ўз халқи маданияти ва жаҳон халқлари маданияти ҳазинасига қўшган ҳиссаси аниқланади ҳамда баҳоланади, деб кўрсатган эди[2]. Ярим аср муқаддам айтилган бу фикр ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган ва устувор методологик тамойил бўлиб қолмоқда. Масалан, рус фольклоршуноси К.В.Завьялова замондошлари россиялик эртакшунос Е.М.Мелетинский, америкалик мифолог Дж.Кемпбелларнинг ҳам шу позицияда туришларини асослаб берган[3].

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг фольклор санъати шу халқ амалий ҳаёт тарзи, эмоционал-руҳий кечинмалари, ижтимоий идеаллари, шахс сифатлари кўзгуси ҳисобланади. Масалан, ўзбек "халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналаридан бўлмиш "Алпомиш" достони, яъни соф муҳаббат, дўстлик, қаҳрамонлик, мардлик ва шижоат, оилавий бирдамлик, эл-юртга садоқатлилик, оқибат, орият ва инсон шаъни каби гўзал инсоний идеаллар улуғланган, нафис бадияти билан ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган ушбу эпос цивилизациянинг бешиги бўлган шу диёрда шаклланган, бахшиларнинг бадиий тафаккури билан юксак даражага

---

[1] Эшчонова Г. Тарих ва эпос муносабати // Илм сарчашмалари. 2006. - №4, - Б.37.

[2] Қаранг: Жирмунский В.М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., Восточная литература, 1960. - С.7.

[3] Қаранг: Завьялова К.В. Сказка в контексте общественной и научной жизни. // Вестник МГУ Сер. 9. Филология. 2007, - № 2, - С.121.

кўтарилган"[1], деб ёзилиши достончиликнинг, ҳатто маҳаллий вариантлари мавжудлигини кўрсатишган. Зеро, "Алпомиш" достонининг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона водийси ва Бухоро ҳамда туркий халқлар талқини мавжудлиги халқ эпосларининг тарихий давр тақозосига кўра, доимо ривожланиб, такомиллашиб борганини исботлайди.

Демак, муайян тарихий замон ва ижтимоий маконда яшаган турли миллат ва элатларнинг маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ҳаёт тарзи уларнинг маънавий меросларига ҳам ўз "таҳririни" киритган, мезонларини белгилаган. Хусусан, "миллий-маънавий мероснинг аҳамияти унинг миллий ўзликни англашга қандай таъсир ўтказаётгани билан белгиланади. Миллий-маънавий мерос қайси шаклда бўлмасин, у миллий ўзликни англашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Меросга эга бўлмай туриб, ягона миллат сифатида бирлашиш имконсиздир"[2]. Шу билан биргаликда, ижтимоий тараққиётнинг тарихий зарурияти миллий мерос ва қадриятларга дифференциал ёндашиб, уларни миллатнинг истиқболдаги ривожланиш манфаатлари, эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолашни ва "селекция" қилишни тақозо қилади. Зеро, ҳар қандай тарихий мерос ва қадрият муайян авлоднинг ўз даврига хос маънавий эҳтиёжини қондирсагина, улар учун аҳамиятга эга бўлади ҳамда қадрланади.

Мазкур параграфда қўйилган масалалар таҳлилининг назарий-методологик кўринишини умумлаштириб, шундай хулосага келдик.

Биринчидан, ўзбек халқи миллий ғурурининг фольклор санъатида ифодаланиши гносеологик муаммо бўлиб, шахс ижтимоий моҳиятини билишдан иборат.

Иккинчидан, фольклор динамик ривожланувчи тарихий санъат тури сифатида жамият ва шахснинг маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжини қондиради ҳамда янгиларини вужудга келтиради.

Учинчидан, фольклорнинг функционал аҳамияти шахс ғурурини миллат менталитет хусусиятига айлантириши ва уни ривожлантириш манфаатлари доирасида конкретлашади.

Тўртинчидан, миллий фольклорнинг маънавий меросни оммага трансформация қилиш имконияти, усул-воситалари жамият ривожланиш даражасига мос келади.

---

[1] Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома (Биринчи китоб. Сурхондарё талқини). –Т.: "Меҳнат", 1999. -Б.70.
[2] Ҳайитов З. Маънавий мерос ва миллий ўзликни англаш // Тафаккур, 2007. №3. -Б.112.

Бешинчидан, фольклор санъати ижтимоий борлиққа бадиий-эстетик муносабатнинг ифодаланиши сифатида мавжуд ижтимоий-сиёсий тизимнинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан мутлақ холи бўла олмайди.

Олтинчидан, фольклор санъатининг тарихий мероси муайян авлоднинг маънавий эҳтиёжини қондирса қадрият мақомига эга бўлади ва келгуси авлодларга трансформация қилинади.

Демак, фольклор санъатининг тарихий ривожланиши, бир томондан, халқ маънавий тараққиётининг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, унинг даражасини, субстанционал моҳиятини ифодалаш усули ва воситасидир. Биз фольклор – халқ ижоди намуналари эволюциясида муайян миллат, элат ва халқнинг характерини ҳам, ижтимоий-руҳий ривожланиш даражасини ҳам, уларнинг тенденциясини ҳам яққол кўрамиз. Бошқача айтганда, миллат фольклористикаси унинг ижтимоий қиёфаси ва тарихи кўзгуси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун мазкур боб параграфларида қўйилган масалаларнинг илмий таҳлили натижасида методологик аҳамиятга эга бўлган қуйидаги назарий умумлашган хулосаларга келинди, яъни:

Биринчидан, фольклорнинг шахс маънавий қиёфаси шаклланишига таъсири кенг қамровлилигидан барча тарихий даврларда баркамол инсон тарбиясида устувор мақоми, мавқеи турлича талқин қилинган. Бугунги кунда фольклорнинг миллат менталитет хусусиятларини, шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролини аниқлаш, уни комплекс-системали ўрганиш муҳим назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Иккинчидан, фольклор санъати миллат интеллектуал салоҳияти, бадиий тафаккур тарзи ривожланишининг мезони бўлиб, халқ ижодий фаолияти жараёнида яратилган маънавий маданиятнинг махсус шакли, трансформацияси усули сифатида унинг эҳтиёжларини қондиради, манфаатларини ифодалайди.

Учинчидан, фольклорда миллий ўзликни англаш ва шахс ғурурини шакллантириш муаммоларининг кун тартибига қўйилиши тарихий заруриятдир ҳамда доимо жамият тараққиётининг реал воқелигидан келиб чиққан ва уни идеал образлар тарзида ифодалаш усули бўлган.

Тўртинчидан, фольклорнинг шахс миллий ғурури шаклланишига таъсир йўналишлари ҳам, мақсади ҳам, вазифалари

кўлами ҳам, функционал аҳамиятини конкретлаштиради ва уларни бадиий-эстетик образларда ифодалаш усулларига боғлиқ бўлади.

Бешинчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг уйғунлашуви мақсадлари умумийлигидан келиб чиқади, маънавий ривожланиш қонуниятига эга бўлади.

Олтинчидан, фольклор санъатига шахснинг ижтимоийлашиш, яъни миллий ўзлигини англаш, ғурури шаклланиш жараёнини ифодалаш усули, субъектив омили сифатида қараладиган бўлса, унинг гносеологик ва педагогик-дидактик функцияси уйғунлашуви кўзга ташланади.

Еттинчидан, шахс ғурурини шакллантириш масаласида фольклор санъати ва фалсафий таълимотнинг хусусийлиги ҳамда умумийлиги, яъни фольклордаги идеал образлилик ва фалсафадаги конкрет субстанционаллик, уларнинг функционал умумийлигини истисно қилмайди, аксинча конкретлаштиради.

Саккизинчидан, шахс маънавий дунёси, унинг фаолияти мақсади, йўналиш характери, вазифалари кўлами ва услуби мазмуни натижасига кўра баҳоланади, яъни фольклор фалсафаси шахс ижтимоий борлиғида мақсад, восита ва натижа бирлигини уйғун изоҳлашида намоён бўлади.

Тўққизинчидан, фольклор санъатининг гносеологик ва праксиологик функцияси "шахс–жамият–маънавият" муносабатлари тизимида шахс ғурурини миллат менталитети хусусиятига айлантиради ва уни ривожлантириш манфаатлари доирасида конкретлашади.

Ўнинчидан, фольклор динамик ривожланувчи тарихий санъат тури бўлиб, жамият ва шахснинг маънавий эҳтиёжини қондириш усул-воситалари жамият ривожланиш даражасига мос келади ва ижтимоий-сиёсий тизимнинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан мутлақ холи бўла олмайди.

Ўн биринчидан, фольклор санъатининг тарихий мероси ижодий ривожлантирилиб, муайян авлод маънавий эҳтиёжини қондириш баробарида келгуси авлодларга трансформация қилинади.

II БОБ. МИЛЛИЙ ҒУРУР ШАКЛЛАНИШИДА ФОЛЬКЛОР РОЛИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муаммолар глобал миқёсда кескинлашиб кетиши билан инсон, миллат, жамият ҳаётида тарихий меросни тиклаш ва ривожлантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурурни шакллантириш жамият тараққиётида муҳим омилга айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, барча ижтимоий онг шаклларининг, жумладан, фольклор санъатининг миллий ғурурни шакллантириш имкониятларидан фойдаланиш энг самарадор усуллигини кўрсатмоқда. Шунга кўра, фольклор санъатининг жамият тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини назарий-методологик таҳлил қилиш бу соҳада амалий ишлар натижасини белгилаб бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

2.1. Миллий ғурурни шакллантиришда объектив асослар ва субъектив омиллар ролиининг ошиб бориш қонуниятлари

Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётининг тарихий асослари, мавжудлик ҳолати, ривожланиш тенденцияси объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини тақозо қилади. Бу қонуниятни шахс миллий ғурури контекстида олиб қаралса, уни ривожлантирувчи субъектив омил – конкрет инсон, миллат, халқ маънавий фаоллиги субстанционал аҳамиятга эгалигини кўрамиз. Лекин, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: "Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз"[1]. Бунда объектив ва субъектив омиллар уйғунлиги теран англанганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Фольклор санъатининг ижтимоий воқелик сифатида шахс миллий ғурури шаклланишига таъсири вужудга келиши, тарихий генезиси нуқтаи назаридан объектив ҳодиса бўлса ҳам, шахс онгига, руҳига, иродасига таъсир этиши билан субъектив омил ҳисобланади. Чунки тарихнинг яратувчиси муқаррар халқ бўлса-да, ўтган

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:"Маънавият", 2008.- 7-б.

аждодлар маданий мероси ҳозирги авлоднинг маънавий юксалиши учун объектив асос бўлиб хизмат қилган. Фольклор бадиий адабиёти таркибида романик достонлар генезисининг йирик тадқиқотчиси С.Мирзаева фикрига кўра, XVI асрда Темурийлар салтанатининг инқирозга учраши ва Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида кўчманчи ҳамда ўтроқ аҳоли маданиятининг интеграцияси бошланиши объектив ҳодиса эди. "Бу даврга келиб кўчманчи уруғлар маданиятининг бош йўналиши ҳисобланмиш халқ эпоси билан ўтроқ аҳоли маданиятига хос эртакчилик, қиссахонлик каби маданий йўналиш бир-бири билан қўшилиб кетди. Романик достонларга асос бўлган сюжет манбалари ишқий романтикага, идеал баҳодирларнинг севги саргузаштларига алоқадор бўлиб, уларда дўстлик, самимий муҳаббат, адолатли ҳукмдор, Ватан мудофааси *(тарихий ҳодисалар контекстида "яширин", инқобланган ҳолда миллат ғурури, ор-номуси, қадри учун кураш. - А.Д.)* каби барқарор ғоялар тараннум этилди"[1]. Буларга миллий ўзликни англашнинг асоси бўлган ғурур феномени шаклланишининг суъектив омили сифатида қаралиши керак.

Жамият маънавияти тарихий асослари ривожланиши мураккаб, зиддиятли, турли ижтимоий ёки индивидуал манфаатлар билан боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, шахс миллий ғурурини шакллантиришда ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг муштараклашган тизими эътибор талаб қилиши кўзга ташланади. "Шахс (микро объект) –жамият (макро объект)–маънавият (субъектив омил)" тизимида ҳар бир элементнинг ривожланиши бир-бири билан диалектик алоқадорликни намоён қилади. Уларнинг ҳар бири конкрет функционал аҳамиятга эга бўлса ҳам шахс ижтимоий моҳияти, хусусан, миллий ғурури, бу тизим структуравий элементларининг ўзаро алоқадорлиги тарихий меросга ворислик асосида ривожланиши мумкин.

Жамият ижтимоий тизимини ташкил қилган субъектларнинг муқобил манфаатлари ғоят зиддиятли бўлишига қарамасдан, улар миллий ғурур масаласида умумий характер касб этади ва фольклор санъатида ўзига хос тарзда ифодасини топади. Уларнинг уйғунлигига жамият аъзоларининг ғурурини ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-маданий фаолиятлар – фольклор жанрлари интеграцияси орқали эришиш мумкин. Агар турли объектив шарт-

[1] Мирзаева С. Романик достонлар генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. - №4. -Б.59-62.

шароит ва субъектив омиллар таъсирида миллат ғурурининг субъекти бўлган шахс миллий ғурурини шакллантирувчи маданий интеграция заиф бўлса, унинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий ғурур шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи муайян шарт-шароит ёки омилни мутлақлаштириш, унга комплекс-системали ёндашиш ғоясига путур етказади.

Шахс миллий ғурури шаклланишига комплекс-системали ёндашув объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга факториал ёндашувни истисно қилмайди. Зеро, бундай ёндашувлар, юқорида айтганимиздек, миллий ғурурни шакллантириш масаласида умумий нуқтада кесишади. Шу жиҳатдан конкрет шахс миллий ғурури индивидуаллиги ҳам, миллат ғурури умумийлиги ҳам объектив шарт-шароит ва субъектив омиллар бирлигига асосланади. Аксарият ҳолатларда, полиэтник таркибли давлатларда муайян (асосан, титул миллат) манфаатларни турли усул ва воситалар билан мутлақлаштириш миллий калондимоғликни, мутаассибликни, манманликни, шовинистик кайфиятни келтириб чиқаради. Натижада, миллатлараро муносабатларда зиддиятлар келиб чиқиш эҳтимоли кучаяди.

Миллий ғурурни шакллантирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ўртасидаги функционал уйғунлик натижаси, аввало, шахс "Мен"ини англашида намоён бўлади. Зеро, шахс миллий ўзлигини англаши, унинг миллий ғурурида ифодаланади ва бошқа миллатларга толерантлик муносабатини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий онг шакллари, барча санъат турлари, хусусан, фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсиридаги мақсадга мувофиқлик (аниқроғи, миллий манфаатларга мослиги) объектив шарт-шароитлар субъектив омиллар уйғунлигини ифодалайди. Бунда энг асосий масала – муайян миллат ғурурини умуминсоний ахлоқий тамойиллар ва ҳуқуқий нормалар доирасида регламентлаштирувчи механизмларни яратишдан иборат.

Шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари (субъектив омили), унинг қонуний-ҳуқуқий кафолатини, молиявий-иқтисодий имкониятини, техник-технологик асосларини, сиёсий механизмларини (объектив шарт-шароитларини) тақозо қилади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида (айниқса, муайян миллатнинг уйғониш ва тикланиш даврида) ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг миллий ғурурни шакллантиришда уларнинг

функционал уйғунлигини таъминлаш, интегратив ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш доимо долзарб илмий муаммо бўлиб келган.

Бунда полиэтник таркибли давлатларда энг асосий муаммо, биринчидан, муайян миллат ғурурининг мутлақлаштирилиб, бошқа миллатлар камситилишига йўл қўймаслик, яъни толерантликни амалда жорий қилиш; иккинчидан, ҳар қандай миллатга мансуб шахс ғурурини шакллантиришга йўналтирилган умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларнинг структуравий элементлари муносабатларини тартибга солишнинг самарали қонуний-ҳуқуқий асосларини яратиш; учинчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда расмий давлат ҳокимиятининг сиёсий тизими, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятларида легитимлик ва уйғунликка эришиш; тўртинчидан, шахс таълим-тарбиясида педагогик-дидактик технологиялари динамик ўзгаришларига эришишнинг назарий-методологик асосларини яратиш; бешинчидан, аҳолининг турли демографик таркибига дифференциал ёндашган ҳолда шахс миллий ғурурини шакллантиришга доир тадбирлар комплекс-системалилигини таъминлашдан иборат.

Шунга кўра, демократик стандартлар таркиб топган давлатлар шахс миллий ғурурини шакллантиришга уларнинг фаолликларини, ирода эркинликларини таъминлайдиган имконият, омил сифатида муносабатда бўлмоқда. Уларнинг конституцион тизими расмий сиёсатига шахс миллий идентификацияси мезони – ирода эркинлиги асоси бўлган ҳамда ўзлигини англашига хизмат қиладиган ижтимоий онг шаклларини, санъат турларини маънавий-маърифий воситалар орқали ривожлантиришни кун тартибига алоҳида қўйган. Чунки ҳар қандай давлат фуқаролари миллий ғурурини шакллантиришнинг умуминсоний тамойилларга, демократик нормалар ва ахлоқий қадриятларга асосланган маънавий юксалиш сиёсати устуворлигини таъминламас экан, бу мамлакатда барқарор тараққиётга таҳдидлар сақланиб қолаверади. Шунинг учун Ўзбекистонда бош ислоҳотчиликни ўз зиммасига олган давлат ва унинг раҳбари Ислом Каримов сиёсатининг муҳим стратегик вазифаси, маънавиятни юксалтириш асосида, баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Ўз навбатида, бу вазифани ҳал қилиш зарурияти барча ижтимоий, сиёсий ва гуманитар фанларни, санъат турларини умумий мақсад доирасида интеграциялаштириш имкониятлари илмий тадқиқотни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти

И.А.Каримов ижтимоий фанлар мутахассислари олдига қўйган вазифаларида: “Юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиб бормоқда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас.

Бинобарин, буларнинг барчаси янгича қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган эркин фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор”[1], деган эди. Бу соҳадаги давлатимиз сиёсати миллий тараққиётимиз манфаатларига зид муайян кучларнинг тарих саҳнасидаги “ўйинлар”ига, стихияли, тасодифий вужудга келган ва ижтимоий-сиёсий вазиятга ёки унинг номаъқул тенденциясига мослашмасдан, ўз йўлини танлаб олиши маънавий юксалишнинг объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини яратишида намоён бўлмоқда.

Масалани тадқиқот мавзуси доирасида конкретлаштириб айтганда, фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш самарадорлиги объектив асослар мустаҳкамлиги ва субъектив омиллар етуклигига боғлиқ бўлиб, бир томондан, шахс ғурури унинг миллий ўзлигини англашига асос бўлган маданий меросига ворислик масъулиятини англашини; иккинчи томондан, фольклор санъатининг кишилар онгида сақланиб қолган мустабид тузум стереотипларини тозалаш вазифаси ижтимоий онг шакллари билан интеграциялашувини такозо қилади. Чунки ҳар бир шахс миллати мустақиллиги олий қадрият эканлигини эътироф этса, уни халқ санъатида ифодалаб, миллий ғурурини шакллантирса, буюк ишларга қодир бўлади. Бошқача айтганда, “тарихий заминдан озиқ олган халқда ижтимоий идеаллар пайдо бўлади. Бундай идеаллар халқда миллий ғурур – миллий ифтихор туйғуларини жўш урдиради”[2].

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:”Маънавият”, 2008. -125-126-б.

[2] Шарипов М. Қадриятлар – тарихий онг ва миллий ифтихор кўзгуси. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - № 1 (33), 2006. –Б.157.

Шу назарий-методологик асосларга кўра, Ўзбекистонда миллий-тарихий қадриятлар меросига муносабат ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар самарадорлиги кафолати сифатида қаралмоқда. Зеро, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тажрибалари комил инсонни шакллантириш ва жамият ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиётини таъминлашда моддий (объектив) ва маънавий (субъектив) омиллар бирлигини таъминлашдан бошқа муқобил йўл йўқлигини кўрсатмоқда. Бу вазифа, тарихий давр тақозоси сифатида, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан давлат сиёсатининг устувор стратегик тараққиёт йўналиши қилиб белгиланган ва унинг назарий-методологик масалаларини ишлаб чиқиш кун тартибига қўйилган.

Бу вазифани бажаришда бир-бири билан боғлиқ икки ташкилий муаммо ечимини топиш муҳим аҳамиятга эга. ***Биринчиси*** – миллий мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий, сиёсий ва гуманитар фанлар мазмунини ҳукмрон коммунистик мафкурадан тозалаб, миллий тараққиёт манфаатларига мос умуминсоний қадриятларга, тамойилларга асосланган стандартларга ўтказиш ва уларни таълим-тарбия тизимига жорий қилиш билан боғлиқ. ***Иккинчиси*** – ижтимоий-сиёсий ва гуманитар (хусусан, маданият, маънавият ва санъат тарихи) фанларнинг миллий ғоя доирасида интеграциялашиш нуқтасини топиш, уларни таълимнинг турли бўғинларида ўқитишнинг нисбатан турғун дастурлари, муқобил ўқув қўлланма ва дарсликларини яратишдан иборат.

Бу муаммолар қўлами ва уларнинг ечимини топиш жараёни, объектив-субъектив сабабларга кўра, мураккаб ва зиддиятли бўлиб, ***биринчидан,*** мустабид тузум мафкураси томонидан турли (асосан, сиёсий куч ишлатиш, зўравонлик) усул-воситалар билан кишилар онгига, турмуш тарзига сингдирилган космополитик стереотипларни, лоқайдлик ва инертлик иллатларини бартараф қилиш жараёни оғир кечмоқда. ***Иккинчидан,*** мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизга геосиёсий мақсадларга асосланган мафкуравий тажовузларнинг кучайиши, “оммавий маданият” таҳдиди миллат маънавий юксалишига, барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиётга тўсқинлик қилмоқда. ***Учинчидан,*** айрим қўшни давлатларнинг “мустақиллик эйфорияси” натижасида вужудга келган этноэгоцентристик утилитар, меркантил манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат сиёсий ҳаракатлари ва уларни қўллаб-қувватлайдиган кучлар мавжудлиги миллий

маънавиятимиз юксалишига салбий таъсир кўрсатмоқда. ***Тўртинчидан,*** халқаро маданий муносабатлар интеграцияси, умуминсоний прогрессив маънавий қадриятлар глобаллашуви жараёнида, уларнинг объекти ва субъекти манфаатлари ўртасидаги муқобиллик ҳамма вақт ҳам толерантлик тамойилларига асосланган эмас. ***Бешинчидан,*** диний фундаментализм, экстремизм ва бошқа террористик (айниқса, маънавий қўпорувчи) сиёсий кучлар кишилар онгига, руҳига таъсир қилишда "халқ ижоди"дан фойдаланиш имкониятларини қидириб топмоқда. Бундай шароитда давлатнинг миллий маънавиятимиз тарихий меросини қайта тиклаш ва ижодий ривожлантиришдан иборат стратегик сиёсати самарадорлиги бевосита миллий фольклор санъати ролини оширишга доир амалий чора-тадбирларга боғлиқ.

Лекин, эски тузумдан янгисига ўтиш даврида миллий таълим-тарбия стандартларини яратиш, унда маънавий мерос намуналаридан фойдаланиш масалаларида пассивлик кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, жаҳонда кечаётган маънавий-ахлоқий инқироз, "оммавий маданият" таҳдиди ва унинг глобаллашуви натижасида вужудга келган шахс маргиналлашувининг олдини олиш вазифаси тарихий шаклланган халқ санъати олдига янги педагогик-дидактик талаблар қўймоқда[1]. Чунки юқорида кўрсатилган ҳодисалар, энг аввало, шахснинг ўз "Мен"идан бегоналашуви миллий ғурури сустлигидан келиб чиқмоқда. Шунинг учун маънавият, хусусан, фольклор санъатининг структуравий-функционал ўзгаришлари ва уларнинг элементлари (тўғрироғи, жанрлари) интеграцияси натижалари шахс миллий ғурурини шакллантириш тамойиллари ва мезонларининг динамик ривожланишини эътиборга олиб баҳоланиши керак.

Мамлакатимизда кечаётган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг демократик характери ва гуманистик мазмуни, энг аввало, шахсга, унинг ижтимоий "сифати" – ғурурини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса, шахс ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим субъектив омил ҳисобланади. Зеро, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини яратишда фуқароларнинг фаол

---

[1] Г.Д.Баубекова "Халқнинг этнопедагогик пансофияси ҳақида" деган мақоласида этнопедагогиканинг фольклордан фойдаланишини шахс тарихий-маданий шаклланишида потенциал имконият деб ҳисоблайди. Қаранг: Баубекова Г.Д. Об этнопедагогической пансофии народа. // Общественные науки в Узбекистане. - №4, 2004. - С. 125.

иштироки мотиви бўлган ватанпарварлик туйғуси унинг миллий ғурури ривожланишига боғлиқ. Айниқса, мустақилликка эришган давлатларнинг янги жамият қуриш тажрибалари мамлакат фуқаросида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг асосларини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида ***Ватанга муҳаббат туйғуси*** илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади... Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин"[1], деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ҳар қандай мамлакатнинг фуқаросида Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик[2] туйғуси, биринчидан, шахс онги ва ҳаёт тарзига ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг комплекс-системали таъсири натижасида шаклланади. Иккинчидан, бу таъсирнинг институционал тизими қўллаётган усуллари ва воситалар таркибида халқ оғзаки санъати – фольклор алоҳида аҳамиятга эга. Учинчидан, миллатнинг маънавий юксалиши ва уни турли таҳдидлардан муҳофаза қилишда тарихий қадриятлардан фойдаланиш масаласи давлатнинг мафкуравий сиёсати самарадорлигини таъминлайди. Тўртинчидан, миллий ғурурни шакллантиришда, уларнинг объектларига дифференциал ёндашиш усул ва воситалар адекватлигини тақозо қилади. Бешинчидан, шахс миллий ғурурининг умуминсоний ахлоқий нормаларга, демократик тамойилларга асосланиши уни барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёт субъектив омил мақомини намоён қилади.

Фольклор санъати ривожланиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай жамиятда шахс миллий ғурурини шакллантириш эҳтиёжлари, манфаатлари, унинг тарихий шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятларини ривожлантириш имконияти даражасига ва давлатнинг маънавиятни юксалтириш сиёсати демократик характерига мос келишини кўрамиз. Лекин, миллатлараро маънавий муносабатларнинг интеграциялашув, глобаллашув ва

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008.-90-б.

[2] "Миллатпарварлик, миллат салоҳиятини юксалтириш, такомиллаштириш, унинг ор-номуси, қадр-қиммати ва ғурурини таъминлаш демакдир". (Отамуротов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.:"Академия", 2005. –Б.184.

универсаллашув жараёнлари интенсивлашаётган ҳозирги шароитда инсон омили мутлақо янги характер касб этмоқда. Яъни, бу инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги фаолиятида янги "интегратив сифат" – биполяр дунё (турли даражада ривожланган давлатлар ва минтақалар) маданиятида анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғунлашуви натижасидир. Шунинг учун жаҳон илмий жамоатчилигида шарқона маънавий-ахлоқий қадриятларни Ғарбнинг рационализмга, прагматизмга асосланган ҳаёт тарзи билан уйғунлаштириш идеал жамият андазаси (стандарти) бўлиши мумкин, деган фикрларнинг билдирилиши тасодифий эмас[1].

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мумтоз шарқона ва замонавий ғарбона маънавий-ахлоқий қадриятлар интеграцияси стихияли, автоматик тарзда турли миллатлар ғурур феномени унификациясига олиб келмайди. Чунки ҳамма вақт миллий идентификация белгилари таркибида ғурур феномени нисбатан турғун бўлган. Яъни, тарихий давр – объектив шарт-шароитнинг шахс ижтимоий сифатларини ўзгартириши (ғурурнинг ифодаси бўлган) миллий ўзликни англаш масаласида шартли ва нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, "миллий ўзликни англаш шундай омилки, уни юксак даражага кўтариш йўли билангина миллатни ҳар қандай таъсирлардан (хусусан, ғурурини сўндиришдан. –А.Д.) ҳимоя қилиш мумкин. Чунки у миллатдаги манфаат, ифтихор, ғурур, шаън, ор-номус, эътиқод ва масъулият каби қадрларни абадийлаштирувчи юксак даражадаги маънавий қадрият ҳисобланади"[2].

Масала биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида олиб қаралса, шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг муқобил усулларидан бири бўлган фольклор санъати ягона детерминлаштирувчи субъектив омил эмас, балки унинг имконияти ҳисобланади. Лекин ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон (субъектив омил) ролининг устуворлиги қонуниятини назарда тутадиган бўлсак, А.Ачилдиевнинг "Тарихан миллатларнинг шаклланиши табиий стихияли тарзда объектив: иқтисодий, инсоний, маънавий алоқалар замирида юзага келган. Аммо ҳозирги даврда ички миллий муносабатларни кучайтириш, мустаҳкамлашда онглилик, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш кучайиб бормоқда"[3],

---

[1] Қаранг: Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: "Шарқ", 2001.-37-б.
[2] Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: "Янги аср авлоди", 2008. -13-114 б.
[3] Ачилдиев А.Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: "Ўзбекистон", 2004. -7-б.

деган хулосаси ўринли бўлса ҳам, шахс миллий ғурурини шакллантирувчи субъектив омиллар самарадорлигини объектив шарт-шароитлардан ажралган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Агар жамиятда шахс миллий ғурурини шакллантириш ва ривожлантиришдан манфаатдорлик, аниқ мақсад бўлмаса, унинг усул ва воситаларини такомиллаштириш ҳақидаги фикрлар ҳам, турли илмий назариялар ҳам декларатив характерга эга бўлиб қолаверади. Аниқроқ қилиб айтганда, муайян тарихий даврларда айрим миллатлар ғурури сустлиги сабабларини, фақат объектив шарт-шароитлар ёки субъектив омилларга боглаб қўйиш ғализ хулосаларга олиб келади.

Шахс миллий ғурурини ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг тарихий шаклланган ахлоқий норма ва тамойиллари асосида регламентлаштирувчи механизмлари, имкониятлари, усул ва воситалари таркибида халқ санъати муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий ғурурнинг мутлақлаштирилиши муайян манфаатларга қаратилган бўлиб, албатта, умуминсоний демократик ва гуманистик тамойилларга зиддир. Шунинг учун миллат ғурурини жамият маънавий-ахлоқий қадриятлари тарихи (объектив асос) ва ижтимоий онг шаклларининг интегратив характери (субъектив омил) уйғунлиги тарзида қараш керак. Чунки инсон миллий ўзлигини англаса ва ғурурини муҳофаза қилиш усул, воситаларига эга бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади. Бунда инсоннинг эҳтиёжидан (объектив заруриятдан) келиб чиққан ва бевосита инсон онгли бадиий фаолияти (субъектив омил) иштирокида шаклланган миллий ғурурини англаши алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги даврда миллатлараро ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муносабатларнинг глобаллашуви жараёнида миллий ўзликни англаш ва миллат идентификациясини белгилайдиган интеграл мезонлар шаклланмоқда. Яъни, миллий ва умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар интеграцияси натижасида муайян миллатнинг инсоният цивилизациясига (ҳатто, узоқ тарихида) қўшган ҳиссасини баҳолаш кўрсаткичлари, бир томондан, конкретлашмоқда, иккинчи томондан, универсаллашмоқда.

Ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнида ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаши умуминсоният тарихий тараққиётининг потенциал ресурси бўлиб, глобал миқёсда фойдаланиш имконияти доимо ўсиб боради. Бунда шахс ғурурини шакллантиришнинг миллий имкониятлари

умуминсоний қадриятлар таъсири универсаллигини истисно қилмайди, аксинча, уларнинг ривожланиши миллий ўзликни англашга объектив асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, халқаро ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий муносабатларнинг глобаллашуви ва айрим давлатларнинг мустақилликка эришиб, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида тарихий шаклланган стереотипларидан воз кечиш ва келажак стандартларини шакллантириш зарурияти универсал баҳолаш мезонларини "таҳрир қилиш" эҳтиёжини кучайтирмоқда. Шу талабга кўра, ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви жараёнида шахс ва миллат ғурурини баҳолаш мезонларининг универсаллашиб бориши қонуниятдир. Лекин, миллий ғурур феноменини баҳолаш мезонлари универсаллашуви, бир томондан, ҳар бир миллатнинг унга мослашувини тақозо қилса, иккинчи томондан, ҳар қандай миллатнинг бошқа миллатга мансуб шахс ғурурини шакллантиришга объектив шарт-шароит (сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва бошқа асосларини) яратиши, уларни баҳолаш мезонлари ўзгариши ва уларга мослашиши билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун шарқона маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий мероси, хусусан, миллий ғурур эталонининг умуминсоний характер касб этиши тасодифий эмас. Бошқача айтганда, бу мезонларнинг умуминсоний характер касб этиши билан турли миллий манфаатларни умумлаштирувчи ва муросага келтирувчи цивилизациялашган универсал маърифий усуллар вужудга келмоқда.

Шахс миллий ғурурини умуминсоний маънавий-ахлоқий мезонлар билан баҳолашда унинг ижтимоийлашиш ва сиёсийлашиш хусусиятларини ҳам эътиборга олиш керак. Чунки, ҳар қандай жамиятда миллий ғурурнинг сиёсийлашуви манфаатлар дифференциациялашувига мос келади ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларининг универсал демократик мезонлар ва талабларга асосланиши унинг умуминсоний характерини намоён қилади. Шунга кўра, мустақилликка эришган давлатларнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даври миллий хусусиятлари ва имкониятларига глобаллашаётган ижтимоий-сиёсий муносабатлар миллий ғурурни англашга муайян ўзгаришлар киритмоқда. Бошқача айтганда, глобаллашаётган ва универсаллашаётган мезонлар умуминсонийят мақсадлари, манфаатлари умумийлигини ифодалайди. Шу жумладан, республикамиз барқарор ривожланиши шахс даражасида миллий ахлоқий қадриятларни, юксак маънавий

сифатларни, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни, Ватанга фидойилик ва садоқатни шакллантириш асоси бўлган ғурурни англашни тақозо қилади. Зеро, шахс миллий ғурурини шакллантириш, функционал аҳамиятига кўра, инсон омили ролини кучайтириш билан бевосита боғлиқ.

Шахс миллий ғурурининг яққол ифодаси бўлган ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик ҳислатлари унинг амалий фаолиятидаги фидойилигида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шахс маънавий "сифатлари"ни аниқлашда миллий ўзликни англаш ҳисси ва ватанпарварлик туйғуси, миллий ва умуминсоний, индивидуал ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги бош мезон бўлиши керак[1]. Бунда ҳар қандай инсоннинг ўз ғурури поймол бўлишига қарши кураш фаоллиги ва унинг натижалари учун шахсан жавобгарлиги, унинг маънавий-ахлоқий ривожланиш даражасини белгилайдиган универсал мезонга айланмоқда.

Инсониятнинг умумий ривожланиш тарихи ўзаро диаметриал қарама-қарши бўлган икки қонуниятни намоён қилмоқда. Яъни: ***биринчиси*** – умуминсоният цивилизацияси келажаги ва тақдири учун масъуллик ҳиссини англаш универсал маънавий-ахлоқий қадриятлар глобаллашувига олиб келмоқда. "Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар"[2].

Иккинчиси – ҳозирги даврда буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, дунёвий гегемонизмга интилиш, халқаро терроризм ҳодисаларининг эскалацияси локал, ҳудудий доиралардан чиқиб, глобаллашмоқда ва миллатлараро маънавий-ахлоқий интеграция жараёнига тўсиқ бўлмоқда. "Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда"[3].

---

[1] Чунки умумхалқ миллат манфаатларини шахснинг ўз манфаатларидан устувор деб билиши шартли ва нисбийдир, яъни ҳар қандай инсоннинг шахсий манфаатлари умумхалқ миллат манфаати доирасида ўзининг ижтимоий моҳиятига, функционал аҳамиятига эга бўлади.

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:"Маънавият", 2008.-113-б.

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.:"Маънавият", 2008.-13-б.

Бу қонуниятларнинг объектив ва субъектив омиллари қиёсий таҳлили ***биринчидан,*** шахсни ўзлигидан, ғурури, Ватани ва бошқа миллий идентификация белгиларидан бегоналаштириш ва маргиналлаштириш, муайян манфаатларга мос келишини; ***иккинчидан,*** шахс онгига, ҳаёт тарзи ва миллат менталитетига ёт "оммавий маданият"ни сингдиришнинг технологиясига эга бўлган синдикатлар ҳамма вақт дунёни бўлиб олишга интилганлигини; ***учинчидан,*** транснационал марказларнинг корпоратив манфаатлари инсон ғурурини, қадрини поймол қиладиган янги ва қабиҳ жиноят шакллари (масалан, одам савдоси)нинг кучайишига олиб келганлигини; ***тўртинчидан,*** айрим давлатлар миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш "эзгу мақсади" ниқоби остида муайян миллатга мансуб кишиларда космополитик руҳни тарбиялашни мафкуравий фаолиятлари бош йўналишига айлантириши миллатлараро толерантликка, глобал барқарор тараққиёт ғоясининг универсаллашув жараёнига жиддий путур етказаётганини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай давлатнинг фуқароларида миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий тадбирларни комплекс-системали ташкиллаштиришни тақозо қилади.

Шахс миллий ғурурини шакллантириш гоят мураккаб жараён бўлиб, бир томондан, унинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари уйғунлигини таъминлайдиган сабабларни комплекс-системали ва факториал тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш эҳтиёжини, заруриятини кучайтирмоқда. Иккинчи томондан, ҳар қандай жамиятда шахс ва миллат ғурурини уйғунлаштиришнинг педагогик-дидактик технологиясини, коммуникация инфраструктурасини такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу муаммолар тадқиқ қилинаётган мавзу доирасида алоҳида аҳамиятга эга, чунки фольклор санъатининг шахс ғурурини шакллантириш назарияси ҳам, уни кенг халқ оммасига трансформация қилиш усул-воситалари ҳам, халқ руҳиятига таъсир технологияси амалиёти ҳам халқчиллиги ва оммавийлиги билан характерланади. Лекин, уларнинг функционал яхлитлиги ва самарадорлиги субъектив омил етуклиги билан боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, ҳар бир йўналишда инсон омилининг ролини ўрганиш учун фундаментал тадқиқотлар олиб бориш керак. Чунки бу йўналишларнинг мақсад ва тамойилларини аниқлаш, шахс миллий ғурурини шакллантириш имкониятлари таркибида фольклор

санъатининг ролини ўрганишга методологик асос бўлади ва бошқа ижтимоий муаммолар ечимининг оқилона усул ва воситаларини топишда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Ишнинг бу қисмида тадқиқ қилинган масалани умумлаштириб айтадиган бўлсак: ***биринчидан,*** барча ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш мақсадида интеграциялашуви жамият маънавий-ахлоқий ривожланишининг объектив асоси ва даражасини кўрсатадиган муҳим мезондир. ***Иккинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантирувчи субъектив омиллар таркибида фольклор санъати халқчиллиги ва оммавийлиги билан бошқа ижтимоий онг шаклларидан фарқ қилади. ***Учинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришда объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг функционал уйғунлашуви барқарор миллий маънавият юксалиши шартидир. ***Тўртинчидан,*** миллий мустақилликни ҳар қандай таҳдидлардан муҳофаза қилиш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришда миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш асосий субъектив омил мақомига эга. ***Бешинчидан,*** турли ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг миллий ғурурни ривожлантириши мураккаб жараён бўлиб, унинг объектив асосларини яратишда инсон омили ролини оширишни тақозо қилади. ***Олтинчидан,*** миллат ғурурини шакллантиришнинг демократик тамойиллари ва гуманистик мақсади уйғунлиги умуминсоний манфаатларга мос келади. Шунинг учун миллий ғурурни шакллантириш усул-воситалари ва унинг натижалари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиёти ва истиқболларига ҳам объектив шарт-шароит, ҳам субъектив омил сифатида хизмат қилади.

2.2. Фольклорда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришнинг шахс ғурурига таъсири

Фольклор санъатида ғурурнинг миллийлик ва умуминсоний жиҳатлари бирлиги ифодаланиши унинг ижтимоий аҳамиятини, тараққиёт даражасини белгилайди. Фольклор тарихида миллийлик ва умуминсонийликнинг намоён бўлиш хусусиятларини миллий ғурур контекстида ўрганиш муҳим назарий-методологик муаммо ҳисобланади.

Турли халқлар фольклор санъатидаги умумийлик жамият тараққиётининг асосий тенденциясини аниқлаб, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, "турли халқларнинг фольклори генетик, тарихий-маданий ва типологик жиҳатлардан ўзаро боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўхшашлиги ва ҳодисалари умумийлигига, шунингдек, ўзаро бир-бирини бойитишига ва яратувчанлигига хизмат қилади"[1].

Шу ўринда фольклорда консерватив-анъанавийлик ва прогрессив-янгиликлар зиддият мавжудлигини ҳам эътиборга олиши лозим. Лекин, уларнинг уйғунлиги бузилса, этноэгоцентристик маънавий деградация содир бўлади, аксинча, замонавийлик анъанавийликдан ажралиб, мутлаклашса "оммавий маданият" таҳдиди вужудга келса ҳам, бу ҳодиса миллий ғурур масаласида шартли характерга эга. Чунки миллий ғурурдаги анъанавийлик жамият тараққиётининг тарихий асоси бўлиб, национализм ва космополитизм ғояларига зиддир. Шунинг учун ҳам, бир томондан, фольклорда миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро алоқадорлиги миллат идентификациясида муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи томондан, "Ҳар бир маданиятда ўзининг ички имкониятларидан фойдаланиш қанчалик кучли бўлса, бошқа халқлар, миллатлар маданияти тажрибаларидан фойдаланишга, инновацияга интилиш ҳам шу даражада кучли бўлади"[2].

Ўзбек халқи фольклор санъатида умуминсоний ғоялар ва миллий колорит уйғунлашуви устуворлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат, бир томондан, барча халқлар фольклорининг умуминсоний ғоявий-мафкуравий негизлари уйғунлашиб, тобора глобаллашаётган бўлса, айнан фольклор санъатида миллатларнинг ўзлигини англаши, иденцификациялашуви ўз ифодасини топмоқда. Бу эса турли халқлар фольклор санъатининг интеграциялашув тенденциясини аниқлашдан иборат назарий-методологик вазифаларни давр талабига мос тарзда ҳал қилишни тақозо этади. Хусусан, фольклор санъатида миллийликнинг умуминсонийлик, анъанавийликнинг замонавийлик билан интеграциялашуви объектив жараён бўлиб, ***биринчидан,*** миллийлик ва умуминсонийликнинг конкрет шахс типи ғурурига таъсиридаги умумий ҳамда ўзига хос йўналишларини

---

[1] Кравцов Н.И. Фольклор и историческая действительнось. Фольклор и историческая действительность. Всесоюзная научная конференция. Тезисы докладов. - Махачкала, 1978. - С. 7.

[2] Ўтанова У. Халқ маданиятини ўрганишнинг илмий усуллари. // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 2007, № 1 (37).- Б.44.

конкретлаштириш; ***иккинчидан,*** фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш анъаналарини сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантиришнинг мотивларини, механизмларини аниқлаш; ***учинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг зарурлиятлигини асослаш ва имкониятларини кўрсатиш; ***тўртинчидан,*** фольклор санъатининг тажрибаларини оммалаштириш ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади.

Фольклор санъатида шаклланган анъаналарда, миллийлик ва умуминсонийлик муносабатлари конкрет тарихий давр нуқтаи назардан комплекс-системали таҳлил қилишни тақозо қилади. Чунки, турли ижтимоий-гуманитар фанларнинг интеграцияси айнан фольклор санъатида (идеал образларни яратиш орқали) шахс миллий ғурурини шакллантириш ва унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, фольклор санъатида миллий ғурурни шакллантириш жараёнида, унинг шахс ижтимоий моҳиятини ўзгартиришдан иборат тарихий тажрибани бойитишдан ташқари, янги миллий анъаналар ривожланиб, умуминсоний қадриятга айланади. Бу жараённинг тарихий тараққиёти ўзига хос босқичларига эга. Яъни, ҳар қандай шахс ғурури, бир томондан, тарихий зарурият тақозосига кўра миллий фольклор санъатида ўз ифодасини топади ва субъектив омил мақомига эга бўлади. Иккинчидан, миллатнинг тарихий шаклланган фольклори жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳеч қандай жамият ўзининг маънавий идеалларини яратиб, ўз аъзолари онгига сингдирмасдан истиқболини таъминлай олмайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: "Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди"[1]. Айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий меросни тиклаш ва ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши турли соҳалардаги ислоҳотлар натижасини белгилаб бермоқда.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. -137-138- б.

Мамлакатимиз тарихий тараққиёти турли сиёсий босқинларни, маънавиятга тажовузларни бошидан кечиришига, хилма-хил миллатлар, тиллар, динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари уйғунлашиб кетишига қарамасдан, миллий ўзлигини сақлаб қолган. Халқимизга хос инсоф-диёнат, сабр-тоқат, меҳр-шафқат, бағрикенглик, шукроналик каби этник фазилатларни сўндирмасдан, аксинча, унинг янги қирраларини вужудга келтирган, мамлакатимизда яшаган ва яшаётган бошқа халқлар миллий ўзлигини сақлаб қолишининг омили бўлган.

Мустабид тузум даврида коммунистик мафкура ҳукмронлиги, мавҳум "совет халқи"ни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун миллий қадриятларни байналмилаллаштириш сиёсати умуминсоний маънавий қадриятларга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Коммунистик партия мафкурасига асосланган давлат сиёсатининг мустамлака ўлкаларда миллий маънавиятни ривожлантириш ҳаракатларини миллатчиликда айблаб, миллат элитасини қатағон қилишлари "қизил империя" манфаатларига мос эди. Шунга қарамасдан, миллий қадриятлар ва анъаналарнинг сақланиб қолинишида фольклор санъатининг роли беқиёс бўлган. Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида кўрсатганларидек: "Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда"[2]. Чунки ҳар қандай мураккаб, зиддиятли тарихий даврларда ҳам миллий фольклор санъати тараққиёти миллатнинг ўзлигини сақлашга бўлган "ижтимоий инстинкти", рефлекси тарзида қараш керак. Зеро, ҳар қандай сиёсий тазйиқларга, мафкуравий босимларга қарамасдан, миллий фольклорнинг маънавий-маданий қадриятлар тарихий меросини қайта тиклаш, миллатнинг ўзлигини англаш ва шахс миллий ғурурини уйғотиш имкониятини миллат онгида, руҳида уларнинг стереотипга айлангани ва доимо потенциал қайта тикланиш имкониятларини сақлаб қолганлигидан қидириш керак.

Диссертация мавзуси доирасида муаммога илмий ёндашув тарихийлик ва мантиқийлик, маънавий меросга ижодий муносабат тамойилига асосланганлиги учун миллий ғурурни шакллантиришга жаҳон халқлари маънавий-маданий анъаналаридаги

---

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008. -7 -б.

умуминсонийлик ва миллийлик диалектикасининг намоён бўлиши тарзида қараш мақсадга мувофиқ. Бунда умуминсоний маънавий қадриятлар тараққиётнинг этник омиллари, ҳозирги замон информацион технологиялар назариясига асосан, тўғри ва қайтар боғланиш тамойилига мос равишда, таъсир ва акс таъсир муносабатларида бўлади ҳамда байналмилаллашувнинг потенциал ва реал имкониятларини ўзида мужассамлаштиради. Турли халқлар фольклорининг шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласидаги умумийлигини:

1) муайян географик маконда яшаётган турли халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт тарзи умумийлиги;

2) барча халқлар асосий мақсад ва манфаатларининг умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларга мослиги ҳамда глобаллашувга мойиллиги;

3) турли халқлар миллий ғурурининг психологик асослари идентификацияси ва уларни детерминлаштирувчи шарт-шароитлар бирлиги;

4) шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг педагогик-дидактик усуллари ва воситалари умумийлиги каби омиллардан қидириш керак.

Турли халқлар фольклорлари бир-биридан шаклан қанчалик фарқ қилмасин, уларнинг асосий мазмунини анъанавийлик ва янгиланиш, эскини инкор қилиш, янгини яратиш ташкил қилади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан оқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, маънавий қадриятларнинг тикланиши миллий ўзликни англаш, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараёндир.

Муайян миллат маънавий қадриятларининг бошқа этник гуруҳлар миллий маънавий қадриятлари билан интеграциялашуви, байналмилаллашуви объектив зарурият бўлса ҳам уларнинг фольклорда ифодаланиш сифатларини "селекция қилишни" (танлаб фойдаланишни) тақозо қилади. Чунки муайян миллат маънавий маданияти ва инсоният маънавий маданияти тарихи, умумийликдан ташқари хусусийликка ҳам эга. Шунинг учун маънавий маданиятда миллийлик ва байналмилаллик диалектикасида уларнинг ўзаро уйғунлашуви бошланғич асосини, "туташиш чорраҳа"сини,

детерминантлаштирувчи омилларини топиш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга бўлиб бораверади.

Фольклор санъатида маънавий муаммоларнинг қўйилиши (жанрлари нуқтаи назаридан) шаклан турлича бўлса ҳам, уларнинг миллий ғурур масаласида этник дифференцияси ва "жанр конструкцияси индивидуаллиги" доимо шартли ҳамда нисбий характерга эга. Яъни, фавқулодда қонуниятга кўра, унинг тарихий тараққиётида этник омилнинг пайдо бўлишини, кишиларнинг миллий онги юксалиши, миллий ўзлигини англаши кучайишини миллат ғурури шаклланиши билан боғлаш керак.

Ижтимоий ҳаёт тараққиётининг муайян тарихий босқичларида фольклор санъатидаги миллий ғурурни ривожлантириш функцияси конкрет характер касб этган. Чунки ҳар қандай миллат тақдирида мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятлар фольклор санъати олдига аниқ мақсад ва вазифаларни қўйган. Миллатлар (*хусусан, муайян ҳудудда*) ҳаёт тарзининг умумийлиги маълум миллат фольклорини ўз миллати руҳига, ҳаёт тарзига мослаштириб, қайта "кашф қилиши" ***санъат диффузияси*** ҳодисасини намоён қилади. Масалан, "Алпомиш", "Гўрўғли" достонлари, жузъий ўзгарган ҳолда, бошқа миллатлар фольклорига ҳам айланган. Яъни, халқаро маънавий-маданий муносабатлар интеграциялашуви "фольклор санъати диффузиясига" олиб келган. Бошқача қилиб айтганда, бирор этник бирликка, халққа тааллуқли бўлган эпос бошқа миллатларнинг ҳам маънавий мулкига айланган. Масалан, "Гўрўғли эпосинг ёйилиш ҳудуди жуда кенг бўлиб, у "Аракс" қирғоқларидан Амударёгача, Кичик Осиёдан то Урал тизма тоғлари ва Сибиргача, Яқин Шарқдан то Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларгача тарқалган. Эпос туркий ва туркий бўлмаган 22 халқнинг фольклорида мавжуд... Ўғуз ва қипчоқ шеваларида гапирадиган қабилалар орасида ҳам машҳурлик касб этади"[1]. Уларнинг ғоявий мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирини бойитиши жараёнида, муайян миллатнинг бадиий маданияти умуминсоният маънавий бойлигига айланган.

Жаҳон маънавий маданияти тарихида фольклор санъатидаги миллийлик ва умуминсонийлик, ҳудудий ҳамда конкрет-тарихий давр нуқтаи назаридан, бир томондан, ижтимоий-маънавий борлиқнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Умумлаштириб айтганда, муайян миллатнинг фольклор санъати тараққиёти умуминсоният маънавиятини ривожлантиришнинг ретроспектив асоси ва объектив

---

[1] Рузимбоев Х. Хоразм "Гўрўғли" эпосининг шаклланишига доир. // Илм сарчашмалари. -. 2003, №3. –Б.83.

қонуниятидир. Иккинчи томондан, фольклор санъати маънавий маданиятнинг бошқа соҳалари каби миллат руҳини, тарихий хотирасини намоён қиладиган ҳодиса сифатида умуминсоният руҳи ва тарихий хотирасининг ўзига хос ифодалаш шакли ҳисобланади. Унинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги роли эса, миллат руҳининг тарихий хотираси билан боғлиқлигида намоён бўлади.

Туркий халқлар достончилигининг йирик тадқиқотчиси мисрлик Ас-Сафсафий Аҳмад ал-Каторий: "Достонлар бир миллатнинг тарихий шаклланиши жараёнида рўй берган бир қанча муҳим ҳодисаларнинг адабий ва қаҳрамонлик тарзидаги ифодалари бўлиб, улар миллатнинг тарихий хотирага эга бўлишида муҳим роль ўйнайди. Тарихий хотира эса миллатларнинг улуғ ишларни амалга оширишлари учун ишонч ҳосил қилишларида, турли ижтимоий ва тарихий сабаблар тақозоси билан миллий ўзликларига қайтишларида, қайтадан буюк миллат бўлиб, тараққий этишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади"[1], деб ёзар экан, ўзбек миллатининг ҳам мустақилликка эришгандан кейин тарихий хотирасини тиклаб, буюк давлат қуришларига оптимистик муносабатини билдиради.

Шахс миллий ғурурини шакллантиришда ***"ментал омил"***ларнинг роли, энг аввало, келиб чиқиш генезиси, таъсир доираси ва имкониятига кўра миллий фольклорда намоён бўлади. Зеро, "Ҳар қандай халқнинг фольклори уларнинг тарихи, урф-одатлари, маданияти турли-туман бўлганидек такрорланмасдир. Ҳар бир халқнинг ўз метафоралар арсенали, эпитетлари, қиёслаш мезонлари мавжуд"[2]. Шунинг учун, биринчидан, шахс ва миллат ғурурини шакллантириш нуқтаи назаридан, фольклор образлари, нафақат уларнинг ментал хусусиятларини, балки умуминсониятнинг ижтимоий амалиёти ва маънавий ҳаётига хосдир; иккинчидан, ижтимоий онг соҳаларини ривожлантирувчи миллий омил, умуминсонийликнинг хусусий кўриниши бўлиб, фольклор санъати ҳам унинг умумий қонуниятларига бўйсунади; учинчидан, миллий фольклор санъати анъаналарининг динамик ривожланиши халқаро маънавий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашиш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

---

[1]Ас-Сафсафий Аҳмад ал-Каторий. Туркий халқлар достонлари орасида "Алпомиш"нинг ўрни. "Алпомиш достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Термиз. 1999 йил 23 октябрь. ЎзРФА "Фан" нашриёти. 21-б.

[2] Юсупов Ж. Фольклорные традиции в литературе эпохи сальджукидов. // Илм сарчашмалари. - №2, 2009. Б.57.

Ўзбекистонда лақайлар этник маданияти, хусусан, фольклор санъатининг йирик тадқиқотчиси Н.Назаров ҳар қандай миллат ва элатнинг маънавий меросидаги умумийлик ҳамда ўзаро алоқадорлик қонуниятларини, уларнинг тарихий ривожланиш жараёнлари бирлигидан қидириб, "Миллий мерос бўшлиқда вужудга келмасдан, муайян тарихий жараёнда, макон ва замоннинг узвий боғлиқлигида этник гуруҳлар маънавий дунёсида шаклланиб, ривожланган руҳий-маънавий ҳамда маданий ҳазиналарнинг умумлашмасидан ташкил топади"[1], деб ёзади. Муаллифнинг фикрини қўллаб-кувватлаган ҳолда, турли миллат ва элатларнинг маънавияти ривожланишидаги умумий қонуният, уларнинг маънавий эҳтиёжлари умумийлиги ва тарих тақозоси эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу қонуният фольклор санъатида миллий ғурурнинг анъанавий асосини тарихий давр контекстида ўзига хос тарзда ифодалашида намоён бўлади. Лекин, унинг тарихан шаклланган халқаро маънавий муносабатлар доирасида амалга ошишига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки миллий фольклор санъатининг тараққиёти, халқлараро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, ғоявий-мафкуравий муносабатлардан (хусусан, глобаллашув ва интеграциялашув жараёни кучайган ҳозирги даврда) алоҳида кўриниши мумкин эмас. Айниқса, халқаро маънавий муносабатлар ривожланиши, бир томондан, турли миллатларнинг умуминсоний маънавий қадриятларни ўзлаштириши учун шарт-шароит яратди. Иккинчи томондан, шу муносабатлар доираси кенгайиши натижасида миллий фольклор санъати анъаналари янада ривожланмоқда.

Шунинг учун ҳам кенг аҳоли қатламларининг миллий ғурурни шакллантиришда тарихий маданий меросдан, ҳам мумтоз, ҳам замонавий фольклор санъатидан фойдаланиш имкониятига давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада фольклор санъатининг жамият маънавий-маърифий тараққиётидаги аҳамияти кучаймоқда. Фольклор санъати тараққиёти жараёнида жамият маънавий-маданий ҳаётида ватанпарварлик туйғуси шаклланиши ва мустақилликни мустаҳкамлашга; миллий ғурур билан миллатлараро бағрикенглик, толерантлик ҳислатларини боғлашга; маънавиятда миллийлик билан умуминсонийликни уйғунлаштиришга; тарихий мерос асосида ***миллатнинг маънавий қудрати*** ривожланишига; миллий ғурурнинг ижодий яратувчанлик кучини рағбатлантиришга

---

[1] Назаров Н. Лақайлар этник маънавиятининг ўзига хос жиҳатлари. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2006. №4 (36). Б.113.

хизмат қилмоқда. Зеро, фольклор санъатининг тарихий меросини, анъанавий қадриятларини демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини яратишга йўналтириш миллатнинг маънавий-маданий юксалиши ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг зарурий шартидир.

Ишнинг бу қисмини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин, яъни фольклор санъатида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришнинг шахс миллий ғурурига таъсири, ***биринчидан,*** ҳар қандай миллатнинг (кичик ёки катталигидан қатъи назар) тарихий-маънавий мероси умуминсоний қадриятларнинг конкретлашган ва индивидуаллашган шаклидир. Шунга кўра, уларнинг уйғунлашуви шахс миллий ғурурига таъсир комплекслигини, системалилигини таъминлайди; ***иккинчидан,*** халқ санъатининг миллийлиги ва унинг умуминсониий қадрият мақоми планетар мақсадлар умумийлигини намоён қилади. Бу эса шахс миллий ғурурини умуминсоний манфаатларга хизмат қилишга олиб келади; ***учинчидан,*** халқ санъатининг байналмилаллашуви миллий колорит ва умуминсоний мазмун интеграцияси натижасидир. Ҳозирги глобаллашув жараёни, унинг шахс миллий ғурурига таъсир кўламини кенгайтириш билан характерланади; ***тўртинчидан,*** миллий санъатнинг тарихий анъаналарини қайта тиклаш, янгиларини яратиш, миллат маънавий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади, бу миллий ғурурга муносабат мезонидир; ***бешинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришда анъанавийлик ва новаторликнинг шартли ҳамда нисбийлиги, уларнинг мақсадлари умумийлигида намоён бўлади. Яъни, уларнинг функционал уйғунлиги диалектик инкорга асосланса ҳам бир-бирини истисно қилмайди; ***олтинчидан,*** халқ санъати анъаналари "консервативлиги" оммавий халқчиллиги ва нисбатан турғунлиги ҳам, замонавий санъатнинг элитарлиги ёки индивидуаллиги ҳам, шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласида уйғунлашиш имкониятларини топмоқда.

2.3. Шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор жанрларининг интегратив характери

Фольклор санъатининг миллат маънавияти таркибий қисми сифатида шахс миллий ғурурига таъсири комплекс-системали характерга эга. Яъни, фольклор санъатининг пайдо бўлиши ва

ривожланиши жараёнида жанрлари дифференциаллашуви тарихий тараққиёт зарурияти бўлиб, шахс жисмоний ва маънавий борлиғини бадиий образларда ифодалаш усулини конкретлаштиради. Ўзбек ва бошқа халқлар фольклорининг фалсафий мазмуни, моҳияти, ривожланиши динамик характерга эга бўлиб, жанрлараро муносабатда намоён бўлади. Хусусан, "ягона бадиий тизими принципи асосида юзага келган ўзбек фольклори жанрлар таркибини инсон тафаккури ривожланиш қонуниятлари билан диалектик боғлиқлик нуқтаи назардан ўрганишда турли бадиий шакл ва эстетик моҳиятга эга жанр намуналари асрлар мобайнида бири иккинчисига ўзаро таъсир, боғланиш натижасида вужудга келганлиги маълум"[1].

Фольклорнинг шахс маънавий моҳиятини эстетик ифодалашида фалсафа билан умумийликка эга бўлса ҳам унинг мақсадини шахс орқали ижтимоий борлиқни ўзгартириши ташкил қилади. Лекин, шахснинг индивидуаллиги шу моҳиятни "истеъмол қилиши ва ўзлаштириш" имкониятида ҳам яққол кўзга ташланади. Шунинг учун шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролига фольклор жанрлари нуқтаи назаридан дифференциал ёндашиш лозимлигини эътиборга олиш керак.

Фольклорда шахс идеал образларини яратиш ва унинг миллий ғурурини шакллантиришда фалсафа билан умумийлиги ва хусусийлиги шахс яшаётган тарихий давр заруриятини янглаши ҳамда ифодалаш усулида конкретлашади. Чунки "Мифологиянинг ўзига хос фалсафа эканини тушунмасдан туриб, ундаги рамзларнинг маъно ва моҳиятини очиб бермасдан туриб, биз на адабиёт, на санъат эшигига кира оламиз"[2]. Уларнинг мақсад ва вазифаларини бир-бирига қиёслаганимизда, мақсад умумийлигини, шу билан бирга, таъсир йўналишлари воситалари, усуллари фарқ қилишини кўрамиз. Фольклор санъати жанрларининг асосий хусусияти ва фалсафий мазмунини шахс интеллектуал қобилияти, эмоционал ҳис-туйғусини идеал образлар орқали ифодалаши, умуминсоний маънавиятини шахс даражасида уйғунлаштириш заруриятини англаши белгилайди.

Фольклор санъатининг жанр турларида шахс миллий ғурурини шакллантиришда умумийлик бўлса ҳам, лекин маълум фарқлар мавжуд. Хусусан, ***биринчидан,*** фольклор санъати жанрларида ифодаланган бадиий образларнинг тарихий воқелик идеали сифатида

---

[1] Алимов С. Жанрлараро муносабатга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1998. №5. -Б.32 .

[2] Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тарихи. - Т.: "Фан", 2006.-33- б.

унга адекватлиги; ***иккинчидан,*** ҳар қандай бадиий образнинг миллий ғурурга таъсири, унинг шахс томонидан идрок қилиниши ва тақлид этилиш дифференциаллиги; ***учинчидан,*** фольклор жанрлари уйғунлиги асосида шахс миллий ғурурини шакллантириш учун фойдаланилган усуллар, воситалар комплекслиги; ***тўртинчидан,*** шахснинг фольклор персонажлари ижтимоий идеалларини реаллаштиришга мойиллиги ва руҳий-психологик тайёргарлиги; ***бешинчидан,*** фольклор санъатининг мавзуимиз доирасидаги мақсади ва вазифалари конкретлигига қараб фарқланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, фольклор санъати жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш вазифалари доирасида, бир томондан, дифференциаллашади ва конкретлашади. Иккинчи томондан эса, интеграциялашади ва умумлашади.

Бу жараёнлар бирлигида фольклорнинг энг муҳим функцияларидан бири – онгни мифологиялаштиришдан иборат. Мифологиялашган онг эса, воқеликни идеаллашган ҳолда акс эттириши билан келажак мўлжалларини белгилаб беради ва "маънавий динамик ривожланишда муайян босқич ҳисобланади"[1]. Лекин, бир томондан, фольклор ижтимоий воқеликни, инсон моҳиятини бадиий образларда акс эттиришда, шахс миллий ғурури туйғуларни шакллантиришда, унинг эмоционал-руҳий томонларини очиб беришда бошқа санъат турларига нисбатан оммавийдир. Иккинчи томондан эса, ҳамма вақт ҳиссиёт рационализмга нисбатан чекланганлигидан фольклор бадиий образларида утопистик, мифологик, фантастик жиҳатлар устуворлик қилади.

Фольклорнинг ҳар қандай жанрида шахс миллий ғурурини шакллантириш жараёнидаги аналитик функцияси, унинг ғоявий-тематик йўналишини конкретлаштириш; образларнинг маънавий қиёфасини типиклаштириш; реалистик тасвир эмоционаллигини оширадиган усул ва воситаларни аниқлаш; бадиий-эстетик қиймати, савиясини баҳолаш мезонларини кўрсатишдан иборат. Бу вазифаларни бажариш самарадорлиги фольклор "истеъмолчиси"нинг жанрларга мос эпик онги шаклланиш даражасига боғлиқ. Чунки "Эпик онг, биринчидан, воқеликни халқнинг юксак идеаллари миқёсида акс эттиришнинг барқарор ҳамда универсал моделидан,

---

[1] Огородова А.В. Традиция и инновация в современной культуре // Личность. Культура. Общество. 2007. Вып. 4 (39). – С. 254.

иккинчидан, ҳар бир эпик жанрнинг эстетик талаблари асосида шаклланган типик шакл ва тасвир усулларидан иборат”[1].

Назаримизда, бу фикрнинг иккинчи қисмида кўрсатилган “типик шакл ва тасвир усуллар”ини эпик онг таркибига киритиш бироз ғализроқ, Чунки ҳар қандай ижтимоий онгни, хусусан, эпик онгни шакллантириш усул ва воситаларини онг феномени билан аралаштириш, уларнинг функционал дефиниciясидаги фарқни йўққа чиқаради.

Фалсафа билан фольклор жанрларининг умумий мақсадида функционал уйғунлашуви, маънавий борлиқни, шунингдек, миллий ғурурни комплекс-системали акс эттиришга ёрдам беради. Шунинг учун шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласида фольклорни фалсафага қарши қўйиш ҳам, бирортасининг ролини мутлақлаштириш ҳам. функционал жиҳатдан бир-бири билан аралаштириш ҳам ғализ хулосаларга олиб келади. Чунки ҳар бирининг, нисбий мустақиллигига қарамасдан, маънавиятни юксалтиришда уларнинг яхлит ижтимоий ҳодисалиги – субъектив омиллиги мақомига путур етказиши мумкин.

Ҳар қандай тарихий даврда муайян миллат маънавий маданияти даражасини, халқларнинг ижтимоий қиёфасини белгилаб берадиган санъат тури, ҳатто унинг муайян жанри устувор аҳамият касб этган. Хусусан, мамлакатимиз тарихида (айниқса, босқинчилар зулми остида эзилган даврда) халқ огзаки ижоди, кейинчалик ёзма манбаларда фольклорнинг мифологик шакли ривожланганини кўрамиз. Чунки “Миф яратувчанлик инсон “Мен”ининг экзистенциал ҳаракати бўлиб, дунё тартибсизликлари (хаос)дан соқит бўлиш йўлларини қидиришдан иборат”[2].

Халқимизнинг асрлар давомида босқинчилар томонидан қулликка маҳкум қилиниши ва уларнинг озодлик учун кураши фольклор санъатида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур масалаларини ўзига хос тарзда кун тартибига қўйган. Фольклор жанрларининг бошқа санъат турлари билан муайян мақсад доирасида интеграциялашуви ҳам айнан миллий ғурурни шакллантириш асосида содир бўлган. Уларнинг уйғунлашуви шахс миллий ғурурини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, бошқа тарбиявий омилларни

---

[1] Раҳмонов Б. Эпик онг ва унинг етакчи тамойиллари. // Илм сарчашмалари. - №1, 2005. – 38 - б.

[2] Смазнова О.Ф. Мифическое в опыте повседневности. // Личность. Культура. Общество. 2009, том X1 Вып.2, (№№48-49). - С. 297.

истисно қилмайди, аксинча бу жараён ўзига хос каналлар орқали таъсир ўтказади ва комплекс-системалилигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда фольклорнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги роли тобора юксалаётгани кўзга яққол ташланмоқда. Бу тенденция нафақат фольклор, балки бутун маънавий маданият йўналишларининг асосий хусусиятига айланмоқда. Адабиётшунослик, маданиятшунослик, фалсафа ҳамда бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг миллий ғурурни шакллантириш мақсадлари доирасида туташуви маънавий муаммолар ечимининг комплекс-системалилигини таъминламоқда. Айниқса, фольклорнинг турли санъат турлари билан интеграциялашуви унинг амалий аҳамиятини кучайтирмоқда.

Фольклор санъатининг "шахс сифатлар"ини, шунингдек, миллий ғурурни шакллантиришдаги интегратив характери, унинг образларини бадиий адабиёт жанрларига "сингдириб", бадиий-эстетик қийматини оширишда, композицион қурилишини мустахкамлашда намоён бўлади. Буни Чингиз Айтматовнинг "Асрга татигулик кун", "Оқ кема", Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарларида ва бошқа махсус илмий тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин[1].

Турли ижтимоий онг шаклларининг, фольклор жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш мақсадида интеграциялашуви фалсафий методологияни ривожлантириш заруриятини вужудга келтирди. Чунки, ҳозирги даврда бадиий ижод фаолиятининг мустақилликка эришиши, эркинлашуви ва демократиялашуви ижтимоий-сиёсий воқеликка, инсон маънавий борлиғига таъсир кўламини фалсафий изоҳлашни, назарий асосларини мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда.

Фольклор жанрларининг шахс миллий ғурурига индивидуал (унификациялашган) таъсир динамикаси ва кўлами муаммони фалсафий мушоҳада қилиш – дунёқараш характерига мос келади. Бунда, бир томондан, фольклор санъати жанрининг индивидуаллиги фалсафий мазмуни ва вазифаси конкретлигида намоён бўлади. Иккинчи томондан, унинг фалсафа билан функционал интеграциялашуви самарадорлигини таъминлаш имконияти яққол кўзга ташланади. Бунда, энг асосий масала, фольклорнинг миллий

---

[1] Қаранг: Авезов С. "Дунёнинг ишлари" киссасида фольклор анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №3.- Б.64-69; Шарипова Л. 70-80 йиллар шеъриятида фольклор мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №4. Б.86-89.

ғояни халққа трансформация қилувчи мафкура воситаси, усули сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига универсал таъсир имкониятини, ижтимоий онг шакллари ва санъатнинг бошқа турларини ривожлантириш йўналишларини, потенциал имкониятларини аниқлашдан иборат.

Ижтимоий онг шакллари ва фольклор санъати турларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш мақсади доирасида интеграцияси фалсафий мушоҳада – дунёқараш қамровини кенгайтириб, унинг дидактик аҳамиятини кучайтирмоқда. Фольклор санъати жанрларининг шахс миллий ғурурига индивидуал-дифференциаллашган таъсир йўналишларини аниқлашда фалсафа фанининг тушунчалари тизими ва категориал аппарати методологик тамойилларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фольклор санъати тараққиётининг умумий ва хусусий қонуниятларини билиш, унинг функционал имкониятларини илмий ўрганиш асосида шахс миллий ғурурини шакллантиришда турли ижтимоий онг шакллари ва фольклор жанрлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни изчил тизимга келтириш ҳамда унинг самарадорлигини методологик жиҳатдан таъминлаши мумкин.

Фольклорнинг ижтимоий ҳодиса сифатида шахс миллий ғурурига оид маълумотларни, муайян давр психологик-руҳий ҳолатини (бадиий образлари орқали) авлодларга трансформация қилишда унинг аҳамияти намоён бўлади. Бунда шахс миллий ғурурини бадиий образларда ифодалаш унинг миллий ўзлигини англаш ва Ватан туйғусини шакллантириш усули ҳисобланади. Бошқача айтганда, миллий ғурури суст кишининг ватанпарварлик туйғуси, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга даҳлдорлик ҳисси пассив бўлади. Шунинг учун ҳам фольклор образларининг шахс миллий ғурурига таъсири маънавиятнинг ўзаги ҳисобланган ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, инсоннинг Ватанига, миллий ўзлигини англашига хизмат қиладиган тарихий мерос ва унга ворислик муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки фольклорнинг бадиий образлари мутлақ идеал воқелик бўлмасдан, балки муайян миллатнинг тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган маънавий-маданий тажрибаларини умумлаштириш ва ривожлантиришдан иборат амалиёт (тўғрироғи, фаолият) натижасидир[1]. Шунинг учун фольклорнинг шахс миллий ғурурини

[1] Халқ таъбири билан айтганда, фольклорнинг афсоналари, ривоятлари, эртаклари "ҳакикат булоғидан сув ичади".

шакллантириш жараёнини, унинг бадиий образлари ватанпарварлик туйғуси, озодлик, эркинлик учун кураш, миллатпарварлик ҳислатлари ривожланиши контекстида қараш керак.

Фольклор қаҳрамонлари бадиий образларининг миллий ўзлигини англаши бир томондан, ижтимоий тараққиёт тақозоси бўлса, иккинчи томондан, шу тараққиётнинг субъектив омили ҳисобланади. Зеро, фольклор қаҳрамонлари образлари муайян тарихий даврдаги шахс ижтимоий борлиғининг бадиий ифодаси, тарихий воқеликнинг идеаллашган шаклидир.

Ҳар қандай шахс типи фольклор қаҳрамони миллий ғурури феноменига, ўзининг "индивидуал" маънавий-ахлоқий мезонлари орқали ёндашади ва баҳолайди. Фольклор бадиий образларининг ғурури шахс ватанпарварлик туйғусида, миллати учун ҳар қандай синовларга тайёрлигида, гуманистик фаолиятида намоён бўлади, яъни Ватан тақдирига ўз муносабатини билдиради ва уни ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишда қаҳрамонлик намунасини кўрсатади. Энг муҳими, унинг ватанпарварлик туйғуси миллатпарварлик ва инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетганлигидадир. Бундан ташқари, фольклор жанрларининг миллий ғурурини шакллантириш имконияти "шахс сифатлари" тизимини ифодалашда, бир томондан, муайян жанр қонун-қоидаларига амал қилиши билан, иккинчи томондан, бадиий образ қаҳрамонларининг ижтимоий моҳияти динамикасини синчковлик билан кузатиб, ўқувчига етказиб бериш "вақтини аниқлаш", яъни тарихий замон заруриятини англашига боғлиқ бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтганда, фольклор санъати жанрларининг, ***биринчидан***, шахс миллий ғурурини шакллантириш тарихи ва уни "истеъмолчиси"га трансформация қилиш тажрибалари мавжуд; ***иккинчидан***, шахс миллий ғурурини бадиий образларда ўзига хос ифодалаш хусусиятлари, усул-воситаларига эга; ***учинчидан***, унинг воситалари, усуллари шахс миллий ғурурини шакллантириш мақсади ва вазифалари доирасида интеграциялашади; ***тўртинчидан***, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг мақсади ва воситалари фольклор жанрларида конкретлашади ҳамда умуминсоний манфаатларга мос келади.

Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин уни мустаҳкамлашнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари тизимида миллий ўзликни

англаш ва миллат ғурурини уйғотиш асосий муаммо эканлигини теран англаб, унинг тарихий ривожланиш тенденциясини ҳамда истиқболини белгиловчи концептуал назарий-методологик асосларини ишлаб чиқди. Уларнинг деталлаштирилиб таҳлил қилиниши қуйидаги методологик тавсия, амалий таклиф характеридаги назарий хулосаларга олиб келди, яъни:

биринчидан, ҳар қандай тарихий даврда, жамиятда шахс миллий ғурурини шакллантириш давлатнинг маънавиятни юксалтиришга йўналтирилган комплекс-системали сиёсати натижаси бўлиб, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар мутаносиблигини таъминланишига боғлиқ;

иккинчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда субъектив омил ролининг устуворлашуви қонуният мақомига эга бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий компонентларнинг функционал боғланишларини, уйғунлигини тақозо қилади, яъни унинг объективлиги субъектив омиллар фаоллигини истисно қилмайди;

учинчидан, давлатнинг маънавий-маданий соҳадаги ислоҳотлари шахс миллий ғурурини шакллантириш самарадорлиги объектив шарт-шароитларни, миллатнинг субъектив ментал хусусиятларини эътиборга олиб, сиёсатда ҳуқуққа таяниши, унинг демократик характерини ахлоқий норма ва тамойилларга асосланиши эса, гуманистик моҳиятини намоён қилади;

тўртинчидан, барча ижтимоий онг шаклларида, хусусан, фольклор санъатида шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласида миллийлик ва умумиинсонийлик мутлақо шартлидир. Ҳозирги даврда халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви миллий ғурур феноменини баҳолашнинг интегратив-универсал тамойиллари ва мезонларини вужудга келтирган бўлса ҳам унинг ривожланишини кўрсатадиган энг муҳим мезон фуқароларнинг миллат маънавий-ахлоқий қадриятларга, ватанпарварлик туйғусига содиқлигидир;

бешинчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъатининг тарихий меросини ўрганиш ва анъаналарини ижодий ўзлаштириш, жамият аъзолари маънавий-маданий савиясини юксалтиришнинг институционал тизимини ривожлантириш, унинг структураси элементлари ўртасидаги функционал уйғунликка боғлиқ бўлади;

олтинчидан; фольклор санъатидаги замонавийлик тарихий шаклланган анъанавий меросни давр талабларига кўра ижодий ривожлантириш босқичи бўлиб, уни оммага трансформация қилиш индустриясига, технологиясига эга бўлган ижтимоий-сиёсий институтлар, жамоатчилик ташкилотлари фаолияти натижасидир;

еттинчидан, миллат ва шахс ғурурининг реалистик характери, уни фольклор жанрларида идеал образларда ифодалашни истисно қилмайди. Чунки, объектив борлиқнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиш тенденциясидаги ҳаёт реализми маънавий-ахлоқий идеал ғояларнинг, мифларнинг "моддийлашуви", бадиий ифодаланишидир;

саккизинчидан, фольклор жанрларининг миллий ғурурига таъсири тарихий-маънавий анъаналарни бадиий образларда қайта тиклаш ва идеалларини "яратиш", уларни замонамиз кишилари ҳаёт тарзи мезонларига айлантириш учун эмоционал-руҳий жиҳатдан тайёрлаш усули ҳамда воситасидир;

тўққизинчидан, фольклор санъати жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш тарихи ва уни "истеъмолчиси"га трансформация қилиш тажрибалари, персонажлари образларида ўзига хос ифодалаш хусусиятлари, усул-воситалари, мақсади ва вазифалари доирасида интеграциялашади.

III БОБ. ШАХС МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Маънавий маданиятнинг тарихий ривожланиш жараёни ҳар қандай инсон, миллат, жамият ва давлатнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга турли мафкуравий омиллар ўзига хос йўналишларда махсус усуллар, воситалар орқали таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, шахс миллий ғурурини шакллантириш жараёнларида халқимизнинг мустақиллик йилларида тикланаётган ва ривожланаётган маънавий бой мероси, моддий ва маънавий қадриятларини халққа етказиб беришда фольклор санъати муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чукур англаймиз"[1].

Шунинг учун бу жараёнда, маданият, халқ огзаки санъати - фольклорнинг маънавий ҳаётимиз юксалишидаги ролини ошириш, бу борадаги назарий ва амалий масалаларни янгича фалсафий тамойиллар асосида тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

3.1. Ўзбек халқи миллий ғурури шаклланишининг ижтимоий-маъиавий асосларини ривожлантиришда фольклор ролини ошириш масалалари

Фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ижтимоий-маънавий аҳамиятини аниқлаш, унинг ғоявий-мафкуравий моҳиятини англаш билан боғлиқ. Зеро, фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтирилган "ғоявий-мафкуравий функцияси" уни тарғибот-ташвиқот қилишнинг институционал тизимини, коммуникациясини,

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008. -3- б.

педагогик-дидактик технологиясини тақозо қилади. Фольклор санъати, мафкура воситаси сифатида, биринчидан, жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликларнинг миллий ўзлигини англаш ва шахс "Мен"ини шакллантириш усули, воситаси ҳисобланади. Иккинчидан, шахс идеалларини бадиий образларда ифодалаб, уларнинг маънавий-ахлоқий мўлжалларини (стандартларини, парадигмалари ўзгариш йўналишларини) белгилаб беради.

Фольклор санъатининг миллий ғурурни шакллантиришдаги энг асосий хусусияти жамиятни ташкил қилган муқобил структуравий элементлар, ҳатто мухолифатдаги ижтимоий гуруҳ ва сиёсий партияларнинг "монополияси" эмас. Чунки, ***биринчидан,*** фольклор миллий ва умуминсоний манфаатларни, интилишларни муайян мақсад доирасида туташтиради. ***Иккинчидан,*** фольклорнинг мафкуравий функцияси бошқа санъат турларига нисбатан мустақил бўлиб, оммавийлиги, халқчиллиги билан ажралиб туради. ***Учинчидан,*** жамиятнинг мафкуравий идеаллари фольклор бадиий образларида ифодаланади. ***Тўртинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор бадиий образларининг типиклиги тарихий воқеликни адекват акс эттиришида намоён бўлади. ***Бешинчидан,*** фольклор санъатини "шахс сифати"даги ҳар қандай ўзгаришларга оммавий, халқчил муносабат тарзида қараш керак.

Бироқ, шахс миллий ғурури фольклор санъати турларининг барчасида бир хил ва адекват акс этмаган. Масалан, собиқ СССР даврида коммунистик мафкура асосида яратилган фольклор асарларида миллий ғурурни юксалтиришга эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Миллий ўзликни англашга хизмат қиладиган асарлар муаллифлари миллатчиликда айбланиб, асарлари қаттиқ таъқиб қилинган. Санъатнинг коммунистик мафкурага бўйсундирилганлиги фольклорда ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди"[1]. Бугунги кунда бу вазифани бажаришнинг

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008. – 9- б.

самарадорлиги маънавий-маданий ҳаётни ислоҳ қилиш натижаларини белгилаб бермоқда.

Фольклорнинг мафкуравий восита сифатида ҳукмрон сиёсий тизим ғоялари билан боғлиқлигини (муайян тарихий даврда) сиёсатнинг бошқа ижтимоий онг шакллари устидан доминант мавқега эгалигидан қидириш керак. Чунки, бир томондан, фольклор санъати ҳам, бошқа санъат шакллари каби, ўзининг ғоявий имкониятларини ҳукмрон мафкура билан ҳамкорликда намоён қилган. Иккинчи томондан, унинг мафкуралашган ахлоқ, ҳуқуқ, санъат ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан функционал алоқадорлиги ҳам шуни тақозо қилган. Демак, фольклор ва ҳукмрон мафкуранинг миллий ғурур масаласи доирасида ўзаро ҳамоҳанглиги ҳам, унга нисбатан исёни ҳам миллатнинг ўзлигини англаш даражасига, ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ бўлган.

Ҳар қандай жамият ва тарихий даврда барча ижтимоий онг шакллари каби фольклор санъати ҳам ўз даври сиёсий ҳаётидан, мафкуравий муносабатларидан мутлақ мустақил бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, мафкуралар фольклор санъатига турли йўналишда таъсир ўтказади. Фольклор санъати мазмунидаги прогрессив миллий ғоялар шахс миллий ғурури шаклланишига самарали таъсир кўрсатган. Реакцион тизимнинг сиёсий мафкураси миллий онг ривожланишини ҳар қандай воситалар билан таъқиқлаб келган, кишанлаб қўйган, ҳатто мустабид тузумнинг маддоҳига айлантирган.

Фольклор санъати бадиий образларида шахс миллий ғурури идеал образлар воситасида намоён бўлади ва идеал воқеликни акс эттириш орқали унинг қадрият мўлжалларини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Зеро, "Шахс қадрият мўлжаллари, унинг дунёқараши ва фуқаролик позициясини ифодалайди, ҳаракат фаоллигининг мотивларини белгилаб, жамият ва шахсни ривожлантирадиган янги қадриятларни яратишга сафарбар қилади"[1]. Яъни, шахс маънавий борлиғини идеал образларда акс эттириши ва уларнинг қадрият мақоми мустаҳкамланиши миллатнинг ўзлигини англаш жараёнида содир бўлади.

Агар санъат асарлари, шунингдек, фольклор шахс ғурурини шакллантиришдан йироқлашса миллийлик хусусиятини, мақсад йўналишини йўқотади. Шунинг учун турли миллий фольклорнинг

---

[1] Маликов Т. Аксиологический подход к анализу духовной культуры Узбекистана // Общественное мнение. Права человека - №1, (21) 2003. - С. 167.

ўзига хослиги ғурур феноменини миллат эҳтиёжлари, мақсад ва манфаатлари контекстида бадиий образларда ифодалашидадир. Айнан шу масалада фольклордаги миллийлик билан умуминсонийлик ўртасидаги алоқадорлик ҳам намоён бўлади. Масалан, фольклорнинг кенг тарқалган оммавий "эртак қаҳрамонларининг образлари ва тасаввурлари, лингво-маданий бирликлар онгидаги фарқларга қарамасдан, интернационал ва универсалдир, лекин миллий вариатив характер касб этиши мумкин"[1]. Турли халқлар фольклор қаҳрамонларининг "миллий вариатив характери", энг аввало, миллат менталитетини, ғурурини ифодалашида конкретлашади.

Фольклор санъатида миллий ғурур феноменини бадиий образларда ифодалаш хусусиятлари бошқа санъат йўналишларидан муайян асосларга кўра фарқ қилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра: "...фольклор ва адабиёт нафақат турдош, балки санъатнинг турли кўринишларидир. Ҳатто, уларни ўрганадиган фанлар ҳам мустақил бўлиб, фольклористика ва адабиётшуносликнинг ўз объекти ва предмети, тадқиқот услублари ва тамойиллари, ўз категориялари аппарати мавжуд"[2].

Фольклор ва адабиёт вужудга келиш генезиси ва тарихий хронологиясига кўра ҳам фарқ қилади, яъни "фольклор маънавий маданиятнинг кўриниши сифатида адабиёт ривожланишидан аввал тил вужудга келиши билан боғлиқ бўлганлиги учун адабиётга эмас, тилга дахлдордир"[3]. Иккинчидан, фольклорда мифологик характер устуворлиги ва бадиий системалашув хусусиятини адабиёт учун пойдевор сифатида қараш керак.

Адабиёт ва фольклорнинг фарқланувчи жиҳатлари уларнинг матнини ифодалаш хусусиятларида ҳам намоён бўлади, яъни ***ифодалаш усули***: оғзаки – ёзма, вариатив – каноник; ***яратувчиси:*** аноним – муаллифли, жамоа – индивидуал; ***мавжудлик ҳолати:*** анъанавий – махсус, синкретик – сўзлик бўлиб, улар муайян масалаларда мухолифат позицияда намоён бўлади. Булардан ташқари, фольклор формуласи соддалиги, доимий эпитетлари, қиёслаш таҳлили, метафораларга бойлиги, баёнчилигидаги қайтариқлар, объектга мурожаатнинг эмоционаллиги ва визуаллиги, ассоциациатив ва параллелизм характери, унинг адабиётга нисбатан

---

[1] Завьялова К.В. Сказка в контексте общественной и научной жизни. // Вестник МГУ. Сер. Философия 2007. - №2. - С. 127.

[2] Бралина С.Ж. Текст в системе "язык – фольклор – литература" .// Илм сарчашмалари. - №2. 2009. - Б. 58.

[3] Бралина С.Ж. Текст в системе "язык – фольклор – литература" .// Илм сарчашмалари. - №2. 2009. - Б. 59.

универсаллиги ва оммавийлигини таъминлайди[1]. Бошқача айтганда, фольклор санъатининг оммавийлиги, халқчиллиги, "универсаллиги ва анъаналарининг нисбатан консервативлиги индивид ҳаёт фаолияти жараёнида доимо (*нисбатан турғун. –А.Д.*) норма, тартиб, қоида тарзида намоён бўлишидадир".[2]

Хуллас, фольклор бошқа санъат турларидан: 1) аҳолининг барча демографик қатламларини истисносиз қамраб олишига кўра – **оммавийлиги;** 2) халқ оммасининг эзгу орзу-ҳаваслари, умидларини бадиий образларда ифодалашда – **халқчиллиги;** 3) қаҳрамон ва персонажлари идеал образлари – **ҳаётийлиги;** 4) воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш ва ифодалаш – **эмоционаллиги;** 5) таъсир кўлами кенглиги – **репродуктивлиги;** 6) аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ва демографик структураси маънавий эҳтиёжларига мосланувчанлиги – **мобиллиги билан** фарқ қилади.

Шу нуқтаи назардан, фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш усул ва воситалари: тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия институционал тизими – субъектлари фаолиятида индивидуаллик ҳам, универсаллик ҳам намоён бўлади. Демак, фольклор санъатининг педагогик-дидактик функцияси, фақат идеаллашган бадиий образлар орқали инсоннинг миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборат бўлмай, балки уларнинг технологик жараёнини ташкил қилиш усулларини ҳам ўз ичига олади. Бошқача айтганда, шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари уйғунлигини таъминлаш қонуниятлари, назарий-методологик тамойиллари ҳақида комплекс-системали тасаввур ҳосил қилишнинг педагогик-дидактик жараёнидир. Шунинг учун ҳам фольклор санъатида таълим ва тарбия бирлиги (объект ва субъект уйғунлиги) унинг функционал мақомини белгилайдиган муҳим мезон ҳисобланади.

Фольклор санъатининг шахс маънавиятини юксалтириш, миллий ғурурини шакллантириш усул-воситалари қадимий бўлиб, халқ оғзаки ижодининг халққа трансформациясида, ҳатто яқин ўтмишимизда ҳам "Навоийхонлик", "Бедилхонлик", "Машрабхонлик" кечалари, турли маърака ва халқ сайилларида

---

[1] Қаранг: Бралина С.Ж. Текст в системе "язык – фольклор – литература" // Илм сарчашмалари. - №2. 2009. – С. 58.)

[2] Дёмина Л.В. Обрядовый фольклор как фактор сохранения традиционной культуры. // Вестник МГУКИ, - №3. 2008. - С. 41.

бахшиларнинг достон, ўлан ва айтишув анъаналари муҳим тарбиявий аҳамият касб этган. Афсуски, бу анъаналар ҳозирги кунда камайиб бормоқда ва ҳақли равишда мутахассисларни ташвишлантирмоқда.

Фольклор санъатининг ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида бир-бирига қарама-қарши фикрлар билдирилмоқда. Масалан, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошнинг "Ёниқ сўз" китобида "Кўнгил мулки" хусусида тўхталиб, биринчи навбатда, фольклордан узоқлашилганликни таъкидлаб, "Асл халқ оғзаки ижоди намуналарининг яратилиши бу асрда тўхтади ҳисоб. Урбанизация, ахборотнинг оммавийлашуви, ёзув ва ёзма адабиётнинг умуммиллий кўлам касб этиши, табиий равишда, руҳий эҳтиёж натижаси ўлароқ, юксак савиядаги фольклор асарларининг яратилиши жараёнини тўхтатади"[1], деб ёзган бўлса, фольклоршунос Д.Ҳалилова бу фикрга муқобил тарзда "Халқ оғзаки ижоди инсоний фазилатларнинг серқирра томонларини ўзида мужассамлаштиргани билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, асрлар мобайнида халқ ижодига бўлган талаб ва эҳтиёж ўз мавқеини йўқотмаган. Ёзма адабиёт шакллангунга қадар фольклор асарлари ёшу катталар учун бирдек таълим-тарбия дарслиги, мажмуаси сифатида хизмат қилиб, авлод ва аждодларимизга маънавий озуқа, эстетик руҳ бағишлаб... ҳанузгача ўз мавқеини йўқотмаган"[2], деб кўрсатади.

Умуман олганда, фольклор санъати жамият маънавий ҳаётини янгилашнинг муҳим усул-воситаси, субъектив омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фольклор санъатини ривожлантиришнинг усул-воситаларини аниқлаш унинг истиқболи учун методологик ва праксиологик аҳамиятга эга. Зеро, фольклор санъатининг шахс маънавий дунёсини шакллантиришдаги функционал ролини оширишнинг усул ва воситалари, жамият маънавий юксалишига кенг кўламда фаол таъсир қилувчи омиллар тизими мавжуд. Лекин, уларнинг функционал алоқадорликлари ғоят ожиз. Масалан, фольклор санъатини оммалаштиришда кино, театр, оммавий ахборот воситалари ва бошқа санъат турларининг усул ҳамда воситаларидан фойдаланиши, унинг таъсири комплекс-системалилигини таъминлаган бўлар эди. Шунинг учун И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида жамият маънавиятини

---

[1] Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. – Т.: "Янги аср авлоди", 2006.- 29 -б.

[2] Ҳалилова Д. Абдулла Авлоний ижодида фольклор жанрларининг роли. // Илм сарчашмалари. - №3. 2008. – Б.66.

юксалтиришда кино, театр, адабиёт, тасвирий санъатнинг ролига алоҳида аҳамият берган[1].

Бунда турли санъат ва ижтимоий онг шаклларининг ўзаро боғлиқлик диалектикаси икки жиҳатдан намоён бўлади. ***Бир томондан,*** фольклор санъатининг жанрлараро (горизонтал) ва санъатлараро (вертикал) интеграцияси, унинг жамият маънавий ҳаётига таъсири комплекс-системали бўлишини ҳамда самарадорлигини таъминлайди. ***Иккинчи томондан,*** фольклор санъатини ривожлантирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар уйғунлиги таъсир самарадорлигини таъминловчи усул-воситалар бирлигида намоён бўлади. Шунинг учун фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласини, унинг усул-воситаларини ривожлантиришдан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, илмий адабиётларда фольклор санъати (унинг истиқболларига пессимистик муносабатларга қарамасдан) усул-воситаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, айримларини мутлақлаштириш ҳоллари кузатилмоқда. Ваҳоланки, фольклор санъати жанрларининг жамият маънавий юксалиши, хусусан, шахс миллий ғурури шаклланишига таъсири, унинг ижтимоий-маънавий асосларини яратиш самарадорлиги, ***биринчидан,*** уларнинг умумий мақсад доирасида ўзаро интегратив муносабатини оқилона ташкиллаштиришга йўналтирилган институционал тизимининг функционал мобиллигига; ***иккинчидан,*** фольклор санъати тарғибот-ташвиқот технологияси, "инфраструктураси" ва коммуникация тизими мукаммаллигига; ***учинчидан,*** тарихий даврнинг ривожланиш хусусиятларига, жамиятнинг маънавий талаб-эҳтиёжларига мос йўналишларини аниқлашига; ***тўртинчидан,*** фольклор санъатининг ижтимоий онг шакллари ва бошқа санъат турлари ўртасидаги узвий боғланишларни таъминлашнинг назарий-методологик асослари илмийлигига; ***бешинчидан,*** миллий фольклор санъати намуналарини халқаро миқёсда кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, уни умуминсоният маънавий қадриятига айлантириш имкониятларини қидириб топишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда "жаҳон фольклор санъати" ниқоби остида мамлакатимизга кириб келаётган "оммавий маданият" глобаллашуви миллий-маънавий тараққиётимизга жиддий таҳдид солмоқда Бу

---

[1] Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: "Маънавият", 2008. -176-б.

ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда"[1], деб алоҳида таъкидлаган.

Шунинг учун фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-маънавий асослари, мақсади, вазифалари ҳамда уларни амалга оширувчи усул ва воситалари миллий юксалиш манфаатларига мослиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Бу жараён кишилар онгига миллий ғояни сингдиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, ташкилий жиҳатдан, объектив шарт-шароитлар (тарихий эҳтиёж ва зарурият) ва субъектив омиллар (миллий онг ва ўзликни англаш) ўзгаришларига мос равишда шаклланади. Бунда уларнинг самарадорлик мезони, ***биринчидан,*** фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш педагогик-дидактик усул ва воситалари, институционал тизимининг ташкилий асослари миллат маънавий юксалиш талабларидан объектив равишда келиб чиқиши ҳамда унга адекват бўлиши керак. ***Иккинчидан,*** шахс баркамоллиги, комил инсон мезони бўлган миллий ғурурни шакллантириш давлатнинг маънавиятни юксалтириш стратегик сиёсати марказига қўйилиб, унинг объектив асосларини мустаҳкамлаш, субъектив омилларини фаоллаштиришни тақозо қилади. ***Учинчидан,*** миллат ва шахс ғурурини ифодаловчи ва унинг шаклланишига фаол таъсир ўтказувчи фольклор санъати усул ва воситалари самарадорлиги мезони миллий ҳамда умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришида намоён бўлади. ***Тўртинчидан,*** фольклор санъатини халққа трансформация қилишнинг институционал тизими ва ахборот коммуникациясини, усул ва воситаларини ривожлантириш, нафақат унинг миллий санъат мақомини сақлаб қолиш, балки келажак истиқболларини белгилайдиган асосий омилдир. ***Бешинчидан,*** фольклор санъатини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари бирлиги жамият маънавияти юксалиши, халқаро маданий алоқалар интеграциясини кучайтирувчи имконият, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бу қисмдан шундай хулоса қилиш мумкин:

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008. -13 -б.

Биринчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъати ролини ошириш унинг кенг халқ оммасига трансформация қилиш институтларини, "инфраструктураси"ни, коммуникация тизими ва технологик асосларини такомиллаштириш орқали амалга ошади. Бошқача айтганда, миллат маънавий ҳаёти таркибий қисмини ташкил қилган фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти, унинг миллий барқарор тараққиёт манфаатларига мос келиши билан характерланади.

Иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар, шунингдек, фольклор санъати тарихий мероси (шахс миллий ғурури шаклланишининг объектив асоси), халқ ижодий фаолиятини ривожлантириш (субъектив омил)нинг миллат ўзлигини англашга йўналтирилганлигини назарда тутадиган бўлсак, унинг демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари қурилиши манфаатларини ифодалайдиган принциплари вужудга келганлигини кўрамиз.

Учинчидан, Ўзбекистонда замонавий фольклор санъатининг шахс ғурурини шакллантириш миссияси, бу соҳада халқ ижодкорлари фаолияти миллий мустақиллик натижаси бўлиб, уни мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан боғлиқ бўлса ҳам, фақат давлатнинг титул миллати барқарор маънавий юксалишига эмас, балки умуминсоний манфаатларга мос келади.

Тўртинчидан, жамият маънавий юксалишига, шахс миллий онги, ўзлигини англаши ва ғурури шаклланишига таъсир қилувчи фольклор санъатига Ўзбекистон давлатининг муносабати, маданиятни ривожлантириш соҳасидаги сиёсати стратегиясини белгиловчи мезон даражасига кўтарилиши, уни мафкуралаштиришдан ҳоли қилиши билан боғлиқ.

3.2. Миллий ғурурни шакллантиришда фольклор ролини оширишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш имкониятлари

Ҳозирги даврда миллат маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, унинг усул ва воситаларига, таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот технологиясига комплекс-системали ёндашишни тақозо қилмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Модомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана

шундан келиб чиқиши даркор. Яъни, эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур"[1], деган фикри бу соҳадаги назарий, методологик ва амалий вазифаларни белгилаб беради. Уларнинг ечими эса, барча ижтимоий-гуманитар фанларни педагогик-дидактик жиҳатдан муштарак бўлишини тақозо қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин фольклор санъатини ривожлантиришнинг асосий мақсади – баркамол шахсни шакллантириш орқали миллий тараққиётнинг тарихий заруриятидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишдан иборат. Бу вазифаларни амалга ошириш усул ва воситалари самарадорлиги жамиятнинг маънавий юксалишга эҳтиёжи ва манфаатдорликдан келиб чиқса, иккинчидан, миллат маънавияти ва маърифатпарварлиги даражасига мос келади.

Фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини ривожлантириш усул-воситаларини ҳам, таълим-тарбияда қўллайдиган технологияни ҳам миллат маънавий юксалиш даражасидан, жамиятнинг реал ва потенциал ривожланиш имкониятлари ҳамда истиқболдаги стратегик вазифаларидан қидириш керак.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган янги жамият қуриш даврида миллий тараққиёт хусусиятлари маънавий меросниг ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини ҳал қилишда ўзига хос тамойилларга амал қилишни, унинг конструктив-рационал усул-воситаларини топишни тақозо қилмоқда.

Назаримизда, ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган ва тўлдирадиган бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

Адекватлик тамойили. Фольклор санъати вужудга келиши ва воқеликни бадиий образларда, идеаллашган тарзда акс эттириши билан тарихий тараққиёт тақозоси ва миллий маънавий эҳтиёжлар ривожланиш даражасига мос келади. Дунё мумтоз фольклористикасида, шунингдек, собиқ СССР фольклоршунослигида Марказий Осиё халқларига катта маънавий мерос қолдирган В.Жирмунскийнинг 1928 йилда нашр қилинган "Адабиёт назарияси масалалари" монографиясида "Ҳар қандай катта тарихий даврнинг маънавий маданияти, унинг фалсафий ғоялари, ахлоқий ва ҳуқуқий эътиқодлари, кўникмалари ва бошқаларнинг шу

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. .7-жилд. –Т.: "Ўзбекистон", 1999. -303-б.

даврни яратиши бадиий стил билан бирлигида рўй беради”[1], деб ёзган эди.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, фольклор қаҳрамонларининг образларини ҳақиқатнинг ***бадиий реаллашган*** шакли сифатида қараш керак. Бошқача айтганда, фольклорнинг бадиий адекватлик тамойили миллатнинг ментал хусусиятларини, миллий ғурурини идеаллашган тарзда акс эттириши тарихий объектининг реаллигидан келиб чиқади. Иккинчидан, унинг ҳақиқийлиги объектив реаллик (ижтимоий борлиқ) ривожига таъсир имкониятида (мавзумиз доирасида шахс миллий ғурурини шакллантирувчи), субъектив омиллигида ҳам намоён бўлади.

Шартлилик тамойили. Фольклор муайян миллатнинг маънавий эҳтиёжларини конкрет персонажлар бадиий образларида ифодаласа ҳам улар муайян даражада мавҳумлашган бўлади. Зеро, умумий тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграцияси ва глобаллашуви контекстида фольклор қаҳрамонларининг муайян миллатга мансублиги ҳам, жанрларида ифодаланиш хусусиятлари ҳам шартли ва нисбийдир. Яъни, унинг миллий идентификациясида индивидуал хусусиятлар ва воқеликка бадиий адекватлик бошқа халқлар фольклорида ҳам кузатилади. Турли халқлар фольклор жанрларининг шахс ғурурини шакллантириш масаласидаги умумийлиги, уларнинг дифференциациясини шартли қилиб қўяди. Чунки халқларнинг “Фольклор жанрлари бир-бирларидан қанчалик фарқ қилмасин, улар тарихан таркиб топган яхлит системадир. Фольклор жанрлари, барча тип асарлар бу яхлит системада мураккаб ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирларини бойитадилар”[2].

Нисбий мустақиллик тамойили. Фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги нисбий мустақиллиги тарих тақозоси ва халқ маънавий эҳтиёжини қондиришда жамиятнинг сиёсий тузумига, мафкуралар ҳукмронлигига шартли равишда боғлиқлигини ифодалайди, яъни халқ оғзаки ижоди доимо давлатнинг расмий регламентлаштирувчи сиёсатидан “эркин” бўлади. Иккинчидан, умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш асосида тарихий меросни диалектик инкор қилиб, замон руҳига мос идеалларни яратишдан иборат. Зеро, фольклор

---

[1] Жирмунский В. Вопросы теории литературы. – Л.: «Академия», 1928. - С. 56.

[2] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980. -72- б.

ижтимоий-сиёсий ҳаёт реаллигини муайян тарихий даврнинг ***бадиий реализми*** тамойилига кўра акс эттиради.

Бадиий реаллик тамойили. Фольклор қаҳрамонлари образи ижтимоий ҳаёт прототипларининг ҳаётдан ажралган, идеаллашган утопик инъикоси эмас. Аксинча, фольклор персонажлари тарихий тараққиёт тақозоси бўлиб, миллат характерини ифодалаш усулидир. Фольклорнинг шахс миллий ғурури ривожланиши қонуниятларини муайян тарихий давр контекстида "бадиий образлаштириши" миллий тараққиёт истиқболларини аниқлашга хизмат қилади. Бунда бадиий реалликнинг мезонини халқ маънавий эҳтиёжларига мос келиши белгилаб беради. Фольклорда бадиий реаллик тамойилининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги индивидуаллиги ва оммавийлиги унинг истеъмолчиларини "селекция" қилишида, танлашида намоён бўлади, яъни муайян индивид ва шахснинг шаклланган маънавий эҳтиёжи ҳамда манфаатлари билан ўзаро боғлиқдир. Бошқача айтганда, фольклор жанрларининг индивидуал бадиий реаллиги ижтимоийликни конкретлашган тарзда ифодалайди.

Ҳар қандай халқ фольклори ва унинг жанрлари шахс миллий ғурурини шакллантиришда ўзига хос таъсир имкониятларига эга бўлса ҳам, умумий мақсад доирасида туташади. Бадиий реалликни ифодалаш усуллари ва воситалари мукобиллиги шахс миллий ғурурини белгилайдиган "инсон сифатлари"га комплекс-системали ёндашувни истисно қилмайди, аксинча тақозо қилади. Ўз навбатида, бундай ёндашув, халқнинг тарихий эҳтиёжларини, руҳини, ментал хусусиятлари, орзу-умидлари ва интилишларини умуминсоният манфаатларига мослаштириши билан универсал ижтимоий моҳиятини намоён қилади.

Тарихий меросга ворислик тамойили. Фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантириш имконияти ва самарадорлик даражаси тарихий меросни ижодий ўзлаштиришига боғлиқ. Фольклоршунос Й.Раҳматов "Халқ асарлари ўтмиш ҳақида (*тарихий –А.Д.*) маълумот берибгина қолмай, воқеликни бадиий идрок этишга, ота-боболаримизнинг турмуш тарзи, машғулотлари, қизиқишлари, касб-кори, диний-эстетик қадриятлари, яшаш жойи, маданияти, дунёқараши, урф-одатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради"[1], деб муайян миллат қиёфаси унинг ижодида батафсил ифодаланишини ёритишга ҳаракат қилган. Муаллиф халқ оғзаки

[1] Раҳматов Й. Тарихий достонларда тарихий шахслар образининг талқинига доир хусусиятлар. // Илм сарчашмалари. - №4, 2005. - . Б.59.

ижоди намуналари, хусусан, фольклор санъати, ***биринчидан,*** миллатнинг, шахснинг ўзлигини англаши, миллий ғурури, ор-номуси, шаънини акс эттирувчи фавқулодда феномен сифатида тарихий меросни ўзлаштиришга боғлиқ эканлиги; ***иккинчидан,*** шахс маънавий қиёфасини белгилайдиган сифатлари тарихий генезисга, ретроспектив асосларига эга бўлиб, жамиятнинг ривожланиш характерига мос келиши; ***учинчидан,*** шахс миллий ғурури ва унинг ифодаланишини тарихий тараққиёт даражасидан мустақил тарзда тасаввур қилиш мумкин эмаслигини; ***тўртинчидан,*** фолклор санъатининг ҳар қандай тарихий ривожланиш босқичи ўзидан олдинги тараққиёти натижаларини диалектик инкор қилишни; ***бешинчидан,*** ҳар қандай ижтимоий ҳодиса, хусусан, шахс миллий ғурурининг мавжудлиги барча тарихий даврларда миллий ўзликни англаш мезони ҳисобланганини эътибордан четда қолдирган.

Шу нуқтаи назардан, шахс миллий ғурури таъсирига кўра, фольклор тарихий персонажлари характери динамик ўзгарувчан бўлиб, муайян тарихий давр ижтимоий-сиёсий муаммосини ҳал қилиш функцияси тарихий жараёнлардан мустақил эмас, унинг бағрида, генетик боғлиқликда вужудга келади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Универсаллик тамойили. Фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсиридаги комплекс-системалилик (муайян мақсад доирасида) жанрлари уйғунлиги, унинг универсаллигини намоён қилади. Бошқача айтганда, фольклор санъати аждодларнинг миллий қадриятларини янги авлодга трансформация қилиш ва педагогик-дидактик функциясига кўра, универсал аҳамиятга эга. Зеро, биргина "...афсоналар бой ижодий салоҳиятга эга халқимизнинг кўп асрлик фольклор анъаналари, турмуш тарзи, тарихи, дунёқараши, турли эътиқодий қарашлари, маданияти ҳақида маълумот бериш жиҳатидан ҳозирги ёш авлод тарбиясига кучли бадиий-эстетик ва руҳий-ижтимоий таъсир кўрсатиш имкониятига эга"[1]. Бунда фольклор самарадорлиги: 1) шахснинг миллий ғурурини шакллантириш тарихий заруриятини англашига; 2) фольклор ғояларининг таргибот-ташвиқоти институтлари ривожланиш даражасиға; 3) фольклор жанрлари уйғунлигини таъминлайдиган усул ва воситалари мукаммаллигига; 4) фольклор санъати

[1] Рахмонова М. Афсоналарнинг анъанавий мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. - № 6. – Б.58.

оммавийлиги ва уни ҳар қандай шахс типининг "ҳазм" қилиш имкониятларини яратишга боғлиқ бўлади.

Фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантирадиган универсаллиги жанрлараро тизимлилик ва уйғунлиликнинг махсус намоён бўлишидир. Бунда фольклор жанрларининг усул ва воситалари уйғунлиги, унинг миллат, шахс ғурурига таъсир универсаллигини ошириш имконияти бўлса, иккинчидан, шахс миллий ғурурини ривожлантиришда қўлланиладиган миллий усул ва воситалар мукаммаллиги ҳам инсон омили фаоллигига боғлиқ бўлади.

Тарихий воқелик тамойили. Фольклор санъати генезисига кўра, тарихининг дастлабки ривожланиш босқичларида унинг шахс типлари ва ижтимоий бирликлар ғурурининг шаклланишида бир-бири билан алоқадор икки жараён кузатилади. ***Биринчиси*** - фольклорнинг тарихий-тадрижий тараққиётида ғурур феноменига таъсир кўлами кенгайиб, ривожланиш имкониятлари реаллашиб, вазифаси конкретлашиб борган. ***Иккинчиси*** - халқ ижоди - мифология, афсона, ривоят, эртак, мақол ва бошқа намуналари тарихий воқеликни, хусусан, шахс ғурурини мифологик образларда ифодалаб, унинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний хусусиятларини муайян ижтимоий макондаги тарихий воқеликни бадиий конкретлашган тарзда намоён қилган. Шунга кўра, фольклорнинг шахс миллий ғурурига таъсир қилиш усул ва воситалари самарадорлиги юқорида кўрсатилган тамойиллар уйғунлигига боғлиқ бўлиб, тарғибот-ташвиқот муассасалари, таълим-тарбия институтлари интеграциясини тақозо қилади.

Бунда уларнинг ўзаро боғлиқлиги фольклор махсус санъат шакли сифатида жамиятнинг маънавий эҳтиёжидан келиб чиқадиган ва уни қондирувчи ижтимоий ҳодисалигида, иккинчидан, шахс миллий ғурурини ривожлантирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар уйғунлигини таъминловчи усул-воситаларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фольклоршуносликка оид илмий адабиётларда бадиий маданиятнинг асосига қўйилиши бежиз эмас. Яъни, "Бадиий мушоҳада, мантиқий тараққиётни таъмин этиш, мифологик-бадиий тафаккур миқёсларини кенгайтириш, маънавий-маърифий қадриятларни қайта тиклаш ҳамда баҳолаш бевосита фольклор асосларидан ибтидоланади"[1]. Бинобарин, фольклорнинг

[1] Турдибоев Қ. Иброҳим Юсупов ижодида фольклор анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. - №1. - Б.88.

жамият тараққиётига, хусусан, шахс миллий ғурурига таъсир қиладиган усул ва воситалари бадиий маданият ҳамда адабиётнинг усуллари, воситалари генезисини ташкил қилади. Шунингдек, бадиий усул ва воситаларнинг динамик ривожланишига тарихий давр контекстида дифференциал ёндашиб, уларнинг функционал аҳамиятини холис баҳолашга олиб келади. Чунки жамият ва давлатнинг маданий соҳадаги сиёсати, албатта, дифференциаллашган бўлиши лозим[1]. Шу жумладан, фольклор санъати тарғибот-ташвиқот усул ва воситаларини ривожлантириш ҳам стихияли тарзда бўлмасдан, давлатнинг маънавий ислоҳотлар сиёсати марказига қўйилиши керак.

Фольклорнинг миллий ғурурни шакллантириш усул ва воситаларидан фойдаланиш жараёни (технологияси) жамиятнинг умумий маданияти тараққиёти даражасига мос келади. Бунда миллатнинг маънавий юксалиш эҳтиёжлари унинг инфраструктурасини, коммуникация тизимини, технологик асосларини вужудга келтиради. Иккинчидан, уларнинг фаолияти самарадорлиги учун шарт-шароит ва имконият яратади. Фольклорнинг шахс миллий ғурури шаклланишига таъсир ўтказувчи усул ва воситаларини ривожлантириш унинг истиқболларини таъминлайдиган асосий омил бўлиб, уларни такомиллаштиришдаги рационал ва конструктив ижодкорлик маънавий юксалиш имконияти ҳисобланади ва жамият маънавий ҳаёт тарзини янгилашда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун фольклор санъати истиқболига пессимистик ёки скептик муносабатни унинг усул ва воситаларига нисбатан ҳам қараш мумкин.

Кейинги вақтларда ижодий фаолиятнинг профессионаллашиб бориши, ахборот ва ахборот технологиялари ривожланиши билан халқ санъати инқирозга учраётган ва унинг истиқболлари ҳақида пессимистик қарашлар шаклланаётгани кузатилмоқда. Айниқса, халқ эпос фольклори келажагига шубҳа билан қараш нисбатан кенг тарқалган. Масалан, фольклоршунос Б.Саримсоқов "Халқ эпоси ҳозир аста-секин сўниш томон кетмоқда. Бу жараён нафақат қаҳрамонлик эпоси, балки романик ва тарихий эпосдаги эпик хотира, эпик хронотип, эпик социум, эпик қаҳрамон, эпик маиший ҳаёт ва сюжет поэтикасида намоён бўлмоқда. Ёш бахшилар анъанавий бадиий шакл ва мазмун, поэтик мезонлар асосида ўта заиф асарлар яратмоқдалар. Бу ҳодиса жонли эпик анъанани сақлаб қолиш

[1]Қаранг: Соколов К.Б. Социальная эффективность художественной культуры. - М.: «Наука», 1990. - С. 150.

қудратига эга эмас”[1], деб ўз муносабатини ошкора баён қилди. Бу фикрга ҳамоҳанг ҳолда Б.Раҳмонов “Бугунги кунда кўпгина фольклор жанрлари фақат анъана инерцияси орқали, айрим жанрлар эса бироз сақланиб олган профессионал ижодкор ва ижрочилар фаолияти орқали яшаб келмоқда”[2], деб ёзади.

Бундай қарашлар бошқа халқларнинг фольклоршунослари орасида ҳам кенг тарқалмоқда. Рус маросим фольклоршуноси Л.В.Дёмина фикрича: “Ҳаётий укладларнинг ўзгариши натижасида хозирги авлоднинг дунёқарашида халқ маданиятининг шаклланган анъаналари сўниши кузатилмоқда”[3]. Н.И.Кравцов: “Фольклор ҳодисаларининг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши ва сўниши, уларнинг анъанавийлиги ва ўзгарувчанлиги ижтимоий-тарихий шартланган, лекин уларнинг сабабларини аниқлаштириш зарур”[4], деган хулосага келган.

Адабиётшунос Б.Раҳмонов “Биз миллий фольклоримиз анъанавий жанрларининг ғоявий-бадиий табиатидаги ижтимоий функционаллик даражасидаги ***барча силжишларни*** *(курсив бизники - А.Д.)* синчиклаб ўрганишимиз, ҳар бир жанрнинг ижод ва жонли ижродаги аҳволи, уларнинг тарихий тақдири ҳақида муайян хулосаларга, илмий тўхтамларга келишимиз шарт”[5], деб миллий маънавий меросимизга муносабати ифодаланган. Дарҳақиқат, ҳозир биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш шарти, миллий ўзлигимизни англаш асоси ва миллий ғурурни шакллантириш воситаси бўлган тарихий меросни, айниқса, фольклор санъатини сақлаб қола олмасак, келгуси авлодлар бизни кечирмайди.

Ишнинг бу қисмини хулоса қилиб айтганда:

Биринчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъатининг ролини ошириш, унинг объекти эҳтиёжларини, тарихий заруриятни англаш, истиқбол мўлжалларини белгилашнинг самарали ва таъсирчан усулларини, воситаларини танлашга боғлиқ бўлади. Бу жараён, ташкилий жиҳатдан, фольклор

---

[1] Саримсоков Б. Ўзбек халқ эпосининг ҳозирги ҳолати ва “Алпомиш”. “Алпомиш достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Термиз, 1999 йил 23 октябрь. – Т.:“Фан” 23 б.

[2] Раҳмонов Б. Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти . – 2003, - №5. - Б.58.

[3] Дёмина Л.В. Обрядовый фольклор как фактор сохранения традиционной культуры. // Вестник МГУКИ, 2008. - №3. - С. 41.

[4] Кравцов Н.И. Фольклор и историческая действительность. (Методологические проблемы) // Фольклор и историческая действительность. Всесоюзная научная конференция. Тезисы докладов. Махачкала. 1978. – С. 7.

[5] Раҳмонов Б. Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. - №5. - Б.55.

жанрларининг объектига дифференциал ёндашувни, иккинчидан, уларнинг уйғунлашувини тақозо қилади. Чунки фольклор жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги усул ҳамда воситалари нисбий мустақиллиги шартли характер касб этади.

Иккинчидан, фольклор жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш имкониятлари, таъсир йўналишлари ижодкорнинг тарихий воқеликни бадиий образларда ифодалаш усул-воситаларини танлаш эркинлигини истисно қилмайди. Аксинча, фольклор қаҳрамонларининг ижодкор томонидан яратилган идеаллари жамиятни ривожлантиришда субъектив омил ролини бажаради ва унинг самарадорлиги айнан бадиий ижоднинг эркинлик тамойилига асосланади. Шунга кўра, шахс миллий ғурурини шакллантиришга маънавий таъсир усуллари ҳамда воситаларини уйғунлаштирувчи ўзига хос тамойиллар вужудга келади.

Учинчидан, полиэтник мамлакатларда яшаётган турли миллатлар фольклор санъатини ривожлантириш шу давлатлардаги миллатлараро ва маданиятлараро толерантлик, умуминсоний ва миллий маданиятларнинг интеграциялашувига хизмат қиладиган усул ҳамда воситалардаги универсаллик, фақат шу жамият барқарор тараққиётига эмас, балки умуминсоният цивилизацияси манфаатларга мос келади. Айтиш мумкинки, тамойил мақомига эга бўлган бу ҳодисалар маданий ривожланиш тенденциясини белгилаб беради.

Тўртинчидан, фольклор санъатининг жамият ва шахс маънавий юксалишига, айниқса, ғурур феноменига таъсир қилувчи тарихий ривожланган усул ва воситалари самарадорлиги объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар етуклигига, давлатнинг миллий маданиятни ривожлантириш соҳасидаги сиёсатига боғлиқ бўлади. Лекин, фольклорни ҳам, унинг миллий ғурурини ривожлантирувчи усул ва воситаларини ҳам волюнтаристик равишда мафкуралаштириш ва муайян сиёсий манфаатларга бўйсундириш ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин: ***биринчидан,*** халқ бадиий ижодининг асосий йўналишларидан бири бўлган фольклор санъати шахснинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий қиёфаси шаклланишига универсал таъсир кўрсатади ва у, энг аввало, миллий ғурурида намоён бўлади. ***Иккинчидан,*** жамият ижтимоий-сиёсий тизими тараққиёти, маънавий юксаклик даражасини белгилайдиган

мезонлар хусусиятлар таркибида шахс миллий ғурури алоҳида кўрсаткич бўлиб, нисбатан турғун ва индивидуал характерга эга. ***Учинчидан,*** ғурур феноменини шахс даражасида конкретлаштириш, уларнинг миллат тарихий-маънавий меросига ворислик муносабатлари жараёнида тажрибаларини ижодий ўзлаштириши ва трансформациясидаги ролига боғлиқ. ***Тўртинчидан,*** фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириш имкониятлари реаллиги миллат маънавий-интеллектуал салоҳиятини оширишнинг асосий субъекти бўлган ижодкор эркинлигига, бадиий ижод усул ва воситалари самарадорлигига боғлиқ. ***Бешинчидан,*** миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган фольклор санъатининг тарихий мероси ҳозирги давр маънавий тараққиёти асосини ташкил қилади, уларни ижодий ривожлантириш ҳамда замонавийлаштириш шахс ва жамият истиқбол мўлжалларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3.3. Фольклор санъати воситасида шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг устувор вазифалари

Жамият тараққиёти жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида инсон омилининг роли такомиллашиб, характери ўзгариб бориши билан ижтимоий онг шакллари ва санъат турлари ўртасидаги алоқадорликлар, уларнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ўзаро тақозоланиши ҳам янгича мазмун касб этади. Айниқса, “оммавий маданият” эскалацияси таъсирида этикологик муаммолар (шахс деградацияси, маргиналлашуви, ахлоқдан бегоналашуви ва бошқа ижтимоий иллатлар) шиддат билан глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш омиллари таркибида маънавиятни юксалтиришнинг устуворлашуви қонуният мақомини олмоқда. Бу эса, ўз навбатида, унинг шахс маънавий қиёфасига таъсир йўналишлари - ижтимоий онг шакллари, санъат турлари, оммавий ахборот воситалари тизими ёрдамида ташкиллаштириш асосий йўл эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун барча даврларда шахс ижтимоий ҳаётини маънавий-ахлоқий нормалар ва тамойиллар асосига қуриш, баркамол инсонни шакллантириш ҳамда

ривожлантириш масалалари, муқобил, лекин умумий мақсад доирасида туташадиган фалсафий таълимотлар мазмунини ташкил қилган.

Ҳар қандай тарихий даврда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократик характери ва гуманистик мазмуни, уларнинг умуминсоний мезонларга мослиги санъат турларида ўзига хос тарзда ифодаланган. Уларнинг умуминсоний маънавий қадрият мақоми ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш самарадорлиги билан белгиланган. Шунинг учун давлатимиз маданият соҳасидаги ислоҳотларида тарихий меросни ўрганиш ва ижодий ривожлантиришни устувор вазифалардан бири тарзида белгилагани бежиз эмас. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди"[1], деган эди.

Ўзбекистон давлати мустақилликдан кейин объектив ва субъектив характердаги қийинчиликларга қарамасдан, тарихий меросни қайта тиклаш соҳасидаги сиёсати ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлари билан уйғун олиб борилди. Зеро, ҳозирги даврда миллатнинг тарихий мероси заминидаги анъана, урф-одатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уни замон талабларига кўра ижодий ривожлантириш барқарор тараққиётнинг шарти ҳисобланади. Шунинг учун миллат тарихий меросини ижодий ривожлантиришдан иборат давлат сиёсати, унинг ташкилий-институционал асосларини, қонуний-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий кафолатларини яратиш, тарғибот-ташвиқот технологиясини, амалга ошириш механизмларини, усул ва воситаларини такомиллаштириш самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда Лекин, фольклор санъати таназзулга юз тутмоқда, деган фикрлар қатъийлашиб ташвишли, таҳликали вазият, пессимистик кайфият кучаяётган ҳозирги шароитда, бу соҳада ҳам давлатнинг бош ислоҳотчилик ва

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. -30 б.

ташкилотчилик роли муаммонинг асосий ечимини белгилаб бериши мумкин. Ваҳоланки, ҳозирча биз уларни ҳал қилишнинг стратегик вазифалари, усул, воситалари ҳақида умумий (асосан, декларатив характердаги) тасаввурларга эгамиз, холос.

Жамият тарихий тараққиёти жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими такомиллашиб бориши билан ҳар қандай ижтимоий онг шакли ва санъат турларининг функционал роли ўзгариб, уларнинг шахс маънавий-ахлоқий қиёфасига таъсири самарадорлигини белгилайдиган мезонлари ҳам ўзгармоқда. Хусусан, фольклор санъатининг истиқболи ва жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятига скептик муносабатни бартараф қилиш ҳамда уни ривожлантириш учун: 1) жаҳонда фольклор санъатини ривожлантириш, уни халқ оммасига трансформация қилишга доир илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ижодий ривожлантириш; 2) фольклор санъати ижодкорларининг профессионаллашиш имкониятларини аниқлаб, ҳар бир жанрни ривожлантиришга доир миллий дастурлар ишлаб чиқиш; 3) фольклор санъатини оммалаштириб, унинг жамият маънавий ҳаётига таъсирини кучайтирадиган асосий субъекти – халқ ижодкорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш; 4) фольклор санъатини комплекс-системали ўрганадиган ва уни халққа трансформация қиладиган махсус илмий марказлар ташкил қилиш; 5) фольклор санъати ривожланишига мутасадди ташкилотлар, муассасалар ва ташаббускор ижодкорларни рағбатлантириш имкониятларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳодисалар стихияли тарзда амалга ошмайди, балки давлат сиёсати даражасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратишни тақозо қилади. Хусусан, “Фольклор санъати ва уни ривожлантириш ҳақида” қонун қабул қилиш ва уни амалда реал жорий этиш катта ҳуқуқий-ташкилий асос яратган бўлар эди. Бу эса, фольклор санъатини ривожлантиришга мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назоратини ҳуқуқий қонунлар ҳимоясига олиб, уларнинг имкониятларини кенгайтиради. Чунки ҳар қандай ижодий фаолиятнинг ҳуқуқий қонунлар билан регламентлаштирилиши унинг барқарор тараққиётини кафолатлайди.

Юқоридагиларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин: ***биринчидан,*** фольклорнинг шахс ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, хусусан, миллий ғурури шаклланишига ўзига хос таъсир

кўрсатишини эътиборга олиб, унинг мавқеини оширишнинг усуллари, воситаларини такомиллаштириш муҳим педагогик-дидактик аҳамиятга эга; ***иккинчидан,*** миллат ва шахс ғурурини шакллантириш жамият ижтимоий-сиёсий тизими, табиий-географик муҳити, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ўзгаришларига мос усуллар, воситалар орқали амалга ошади; ***учинчидан,*** ҳар қандай жамиятнинг ўтмиш маънавий бадиий меросни ўзлаштириши ва ижодий ривожлантириши, миллатнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш усуллари, воситалари мукаммаллигига, халқ ижодкорлари эркинлигига боғлиқ; ***тўртинчидан,*** шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтирилган халқ ижодкорлари меросига ворислик, уни тарғиб-ташвиқ қилиш усул-воситаларини такомиллаштириш ҳозирги давр маънавий тараққиёти асосини ташкил қилади; ***бешинчидан,*** тарихий меросни ижодий ривожлантириш, уларни замонавийлаштириш ижодий фаолиятларнинг самарадорлиги ва истиқбол режаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг миллати ва эътиқоди идентификациясини белгилашда ижтимоий онг шакллари ҳамда санъат турлари тизимида фольклор ўзига хос, нисбатан мустақил функцияни бажаради. Шу жумладан, диний фольклор ҳам шахс ўзлигини англашда муҳим аҳамият касб этган. Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида диний-мистик қарашлар инсон кундалик ҳаёт фаолиятини регуляция қилувчи "қонун мақоми" примитив-прагматик ҳарактерга эга бўлса ҳам, ўз даврида унинг самарадорлигини белгилаган.

Диннинг шахс "Мен"ини шакллантиришни эътиқод контекстида олиб қараши, унинг ғурури масаласидаги миллийлигини шартли қилиб кўяди ва инсоннинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини стихияли-содда тарзда изоҳлаш намунаси ҳисобланади. Ўзбек фольклоршуноси К.Имомов мифологик афсоналарнинг қадимий генезисини оила, уруғ, қабила ***эътиқодига*** *(курсив бизники – Д.А.)* боғлайди[1]. Дарҳақиқат, фольклор санъатининг мифологик афсоналари тарихий генезисида эътиқод феномени муҳим роль ўйнаган бўлса ҳам, лекин асосий омил эмас. Назаримизда, унинг асосини шахс идентификацияси, яъни ижтимоий моҳиятнинг марказини ташкил қилган ўз "Мен"ини англаши билан изоҳлаш тўғри бўлади.

---

[1] Қаранг: Имомов К. Мифологик афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. - №6. - Б.70.

Дин инсон ва жамият муносабатларини регуляция қилишнинг воситаси сифатида, ўз даври учун нисбатан мукаммал амалий урф-одатларни, диний мифологик онгни ифодалаш усули бўлган диний фольклор жанрлари тизимини вужудга келтирган. Кейинчалик, айнан шу элементлар ривожланиб ва сиёсий устқурма билан органик тарзда уйғунлашиб, шахс маънавий тарбиясида функционал яхлитликни ташкил қилганлигини кўрамиз.

Ҳозирги даврда этикологик инқирозларнинг глобаллашиб ва кескинлашиши билан унинг жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги роли тубдан ўзгармоқда. Яъни, шахс маънавий-ахлоқий деградациясининг глобаллашув жараёни турли халқларнинг, миллатидан, ирқи, сиёсий мавқеи, диний эътиқодидан қатъи назар, бирлашишни, умумий мақсад учун якдил ҳаракатни тақозо қилмоқда. Диний фольклорда ифодаланган "шахс сифатлари" оммавийлиги билан кенг таъсир имкониятларига эга, улар, ўз навбатида, диннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам унинг сиёсий-мафкуравий воситалар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётдан мажбурий равишда секуляризациялаштирилиши ҳамда инсонларнинг диндан бегоналашуви шахс маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги даврда умуминсоний мақсад ва манфаатларнинг глобал муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжлари доирасида туташтириш зарурияти диний ва дунёвий билимларни муштараклаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки шахс маънавий тарбиясининг миллий педагогик-дидактик хусусиятлари индивиуаллиги ҳам, уларнинг дунёқарашлари муқобиллиги ҳам умумий манфаатлар, мақсадлар доирасида нисбий ва шартли характер касб этади. Шунинг учун ҳозирги даврда шахс маънавий-мафкуравий тарбияси масаласида дин ва дунёвийлик бирлиги, ижтимоий онг махсус шакли сифатида диннинг мавқеини сақлаб қолиш учун модернизациялашиш ҳодисаси бўлмасдан, балки ижтимоий-тарихий ривожланишнинг умумий қонунияти тарзида намоён бўлмоқда. Бу қонуниятни тотал инкор қилишнинг қандай оқибатларга олиб келганини собиқ СССРнинг тарихий тажрибаси қайта-қайта исботлаб берди.

Назаримизда, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга, хусусан, миллий ғурур феномени тарбиясига диний ва дунёвий муносабатнинг муқобиллиги масалага комплекс-системали ёндашув усули тарзида қаралиши керак. Чунки ҳар қандай ижтимоий онг шакли ва санъат

турининг шахс маънавий тарбиясидаги ўз фаолият "сектори", предмети доираси, конкрет вазифалари мавжуд. Уларнинг шу соҳадаги функционал уйғунлиги таълим-тарбия жараёнининг узвийлиги ва комплекс-системалилигини таъминлайди. Лекин, бу жараёнда диннинг ролига детерминистик ёндашиб, уни мутлақлаштириш ёки унинг ижтимоий ролини "монополиялаштириш" диний фундаментализм ҳодисаси вужудга келишига имконият яратади. Шу боис, давлатларнинг дин ва диний конфессиялар фаолиятини миллий ва умуминсоният манфаатлари, давлат барқарор тараққиёт эҳтиёжлари доирасида қонуний-ҳуқуқий нормалар (Конституция) билан белгиланиб қўйилиши, уларнинг ривожланиши ва фаолият самарадорлигини таъминлайди, натижада жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларида ҳукмронликка интилиш ҳодисасини бартараф этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳақиқий диннинг диний фундаментализм билан ҳеч қандай мақсад, маслак бирлиги йўқ. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов "Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида, одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган"[1], деб ислом дини тариқатининг буюк намоёндалари Аҳмад Яссавий, Боҳауиддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ғояларига юқори баҳо берган ва бу фикр "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида кенгайтирилган тарзда янада ривожлантирилган[2].

Маълумки, жамиятнинг бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида, объектив ва субъектив сабабларга кўра, диннинг жонланиши ва жамият маънавий ривожланиш мўлжалларига таъсири (ҳатто, "сиёсийлашуви") кучайиши кузатилади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда республикамизда диннинг жамият ҳаётига таъсири кучайишини ҳам давлатнинг маънавий меросимизни тиклаш сиёсати натижаси сифатида қараш керак. Лекин, бир томондан, бу жараённи

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – 3-жилд,"Ўзбекистон". - 40-41- б.

[2] Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: "Маънавият", 2008. -36-40 -б.

мутлақлаштириш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди, унинг олдини олиш сиёсий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, назоратни эса давлат ўз зиммасига олмоғи даркор. Иккинчидан, республикамизда яшаётган аксарият аҳолининг миллий-маънавий қадриятлари ислом динига эътиқоди билан боғликлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеидан фойдаланиб, маънавий-маърифий ишларга янада кенгроқ жалб этишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун диний бадиий адабиёт, фольклор санъатини мақсадли ривожлантиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустабид тузум даврида асрлар давомида шаклланган ва ривожланган миллий маънавиятимизнинг диний қадриятлар билан ўзаро функционал боғланиши, волюнтаристик сиёсатнинг ҳукмрон мафкураси воситасида бузиш қандай оқибатларга олиб келганига тарих гувоҳ. Бугунги кунда мустақилликка эришган давлатларда миллат маънавий тикланиши ва юксалишининг тенденцияси баркамол шахсни тарбиялаш мақсади доирасида барча ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг интеграциялашувини тақозо қилмоқда. Зеро, халқаро ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий муносабатлар ривожланиши, глобал ахборотлашув технологияси, алоқа коммуникациялари, инфраструктураси тараққиёти ҳар қандай миллатнинг маънавий дунёқарашида туб ўзгаришларга олиб келмоқда. Айни пайтда, давлатлараро, халқаро интеграция жараёни "оммавий маданият" таҳдидини глобаллаштираётган шароитда, миллат идентификацияси асоси бўлган миллий ўзликни англаш халқнинг тарихий анъаналарини, маънавий меросини фольклор санъати орқали сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишнинг кучайиши ҳам кузатилмоқда. Чунки замонавий рус маданиятшуносларининг йирик вакиллари З.М.Оруджев ва Т.В.Кузнецоваларнинг фикрига кўра: "Ўтмишга муносабат – цивилизация ва цивилизациялашганлик белгиси"[1].

Шахс миллий ғурурини шакллантиришнинг устувор вазифалари таркибида давлатнинг бош ислоҳотчилик роли маънавиятни юксалтириш, хусусан, фольклор санъатини ривожлантириш сиёсатида кўзга яққол ташланади. Чунки давлат ўз мустақиллиги ва хавфсизлигини фуқаролари маънавиятини юксалтириш – миллий ғурурини, ватанпарварлик туйғусини

[1] Оруджев З.М., Кузнецова Т.В. Культура и цивилизация.// Вестник МГУ. Серия 7. Философия 2005, - №2. - С. 83.

шакллантириш орқали таъминлаши мумкин. Шунга кўра, давлат миллатни маънавий юксалтиришни, жамият тараққиёти шарти сифатида ўзининг устувор сиёсати деб эътироф этар экан, уни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишни фақат демократик тамойилларга асосланган маънавий ислоҳотлар орқали амалга ошириш мумкинлигини англаб етмоқда. Зеро, "Ҳар қандай жамиятнинг (*жумладан, сиёсий. –А.Д.*) манфаатлари, охир-оқибатда, ўзини сақлаб қолиш, нормал фаолият кўрсатиш, қайта яратиш, ривожланиш эҳтиёжларини англашидан иборат бўлиб, у ёки бу амалий фаолиятнинг рағбатлантирувчи омилидир"[1].

Ҳар қандай давлатнинг жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлиги асоси бўлган маънавий юксалишни санъат турлари воситасида таъминлаши шахс миллий ўзлигини англаши орқали фуқаролар ва умуминсоният манфаатларига, мақсадларига мос ислоҳотлар самарадорлигига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъати ролини оширишга йўналтирилган сиёсати, ***биринчидан,*** миллий тараққиёт эҳтиёжидан келиб чиқиб, умуминсоният манфаатларига мос келиши; ***иккинчидан,*** фольклор санъатини ривожлантиришнинг сиёсий усул ва воситалари демократик тамойилларга асосланиши ва доимий бўлиши; ***учинчидан,*** миллийлигидан қатъи назар, умуминсоният цивилизациясига хизмат қилиши; ***тўртинчидан,*** фольклорни ривожлантиришга мутасадди давлат институтлари ва фуқаролик ташкилотлари фаолиятининг мувофиқлаштирилиши; ***бешинчидан,*** фольклор санъатини халққа трансформация қилиш давлат сиёсатини халқ томонидан қўллаб- қувватланиши муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг фольклор санъатини ривожлантириш сиёсати ва уни шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтириши маънавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашга асосланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай тарихий даврда давлатнинг маънавий соҳадаги ислоҳотлари сиёсий фаолият ҳисобланиб, жамиятни ташкил қилган барча ижтимоий қатламларнинг манфаатларига мос келиши билан умуминсоний характерни белгилайди. Агар бу фаолият ҳуқуқий қонунлар ва ахлоқий қадриятларга асосланмаса, сиёсий волюнтаризмни, субъективизмни – маънавий-ахлоқий қашшоқликни намоён қилади. Чунки "Миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва

---

[1] Мчедлов М.П. Национальные интересы и духовно-цивилизационные критерии. // Национальные интересы - №3, 2006. - С.47.

турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади"[1].

Давлатнинг фольклор санъатини ривожлантириш сиёсати демократик тамойилларга, ҳуқуқий мезонларга асосланиб, ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилиши керак. Яъни, мақсадни амалга оширишнинг сиёсий воситалари, уларни қўллаш усуллари ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ тамойилларига асосланмаса, унинг демократик характери ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, жамият маънавий ҳаёти соҳасидаги давлатнинг ислоҳотчилик фаолияти миллатнинг тарихий шаклланган анъаналарини, урф-одатлари ва бошқа ментал хусусиятларини эътиборга олмаса, ижобий натижани кутиш қийин.

Бунда энг асосий масала - давлатнинг шахс миллий ғурурини шакллантиришда (масалан, фольклор санъатини ривожлантириш орқали) қўллаётган сиёсий механизми усуллари, воситаларининг ахлоқий норма ва ҳуқуқий тамойилларга асосланиши, унинг бевосита объектига ҳам, субъектига ҳам бирдек аҳамиятли эканлигини таъминлаш. Чунки давлатнинг фольклорни ривожлантириш сиёсати самарадорлиги фуқаролар маънавий эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларнинг манфаатларига мос келишида намоён бўлади ва жамият аъзолари ижтимоий-сиёсий онги, маданияти ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Давлатнинг халқ ижодкорлигини ривожлантиришга доир қабул қилган қарорлари, қонун ва дастурларининг маънавий юксалиш эҳтиёж ва манфаатларига мос келиши, иккинчидан, уларни ҳаётга жорий этишда халқнинг иштироки ва назорат қилиш имкониятлари жамиятнинг демократиялашиш даражасига мос келади. Зеро, жамиятнинг ҳар бир аъзоси айни вақтда давлат сиёсати объекти ҳамда субъектидир. Бошқача қилиб айтганда, давлат сиёсати субъектининг маънавий юксаклик даражаси, унинг натижаларини белгилаб беради. Яъни, фуқаролар ижтимоий фаолияти давлат сиёсати объектини ташкил қилса ҳам ундаги ўзгаришлар субъект фаоллигига боғлиқ бўлади.

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008.-81-82- б.

Жамият маънавий ҳаётини, халқнинг ижодкорлик фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш, функционал моҳиятига кўра, сиёсий жараён бўлгани учун унинг расмий қабул қилинган қонуний-ҳуқуқий норматив актларига асосланиши давлат маънавий-маданий сиёсати легитимлигини ифодалайди. Лекин бу соҳадаги миллий сиёсат, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида (бошқа давлатлар учун) шартли ҳамда нисбийдир. Шунга қарамасдан, муайян миллат санъати (хусусан, фольклори) ривожланишидан умуминсоний манфаатдорлик соҳадаги халқаро муносабатларни ривожлантириш мотиви ҳисобланади. Чунки санъатдаги миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлашуви глобал маънавий юксалиш имкониятидир. Шунга кўра, давлатларнинг бу жараёндаги иштироки уларнинг халқаро мавқеини белгилайдиган омилга айланмоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар қандай босқичида турли миллатлар фольклор санъатининг бир-бирини ижодий бойитиши объектив жараён бўлса ҳам субъектив омиллар фаоллигини истисно қилмайди. Чунки муайян давлатнинг санъатлараро интеграция жараёнини рағбатлантирувчи сиёсати, маълум маънода, субъектив омил сифатида намоён бўлади, яъни маънавиятни ривожлантиришга мутасадди ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Лекин, бу объектив жараённи айрим давлатларнинг зўрлаб, сиёсий куч воситасида тезлаштиришга уриниши ҳам, ёки турли баҳоналар, усул-воситалар билан тўсқинлик қилиши ҳам тоталитаризм, волюнтаризм ва субъективизмни намоён қилади. “Биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди”[1].

Давлатнинг маънавий ҳаёт соҳасидаги ислоҳотчилик ролини фольклор санъатини ривожлантириш контекстида олиб қарайдиган бўлсак, унинг сиёсий фаолияти мазмуни янада конкретлашади. Яъни, давлат ҳар бир соҳадаги ислоҳотларни шахс даражасида қонуний-

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.:"Маънавият", 2008. - 4-5 -б

ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан таъминлашнинг усул ва воситаларини ярата олмаса, унинг мақсадга мувофиклиги, самараси бўлмайди. Айнан шу вазифа – давлатнинг "шахс – жамият – маънавият" муносабатларини уйғунлаштириши, унинг маънавият соҳасидаги бош ислоҳотчилик фаолиятини баҳолаш мезонига айланмоқда. Бунда энг мукаммал қонунлар тизими ҳам маънавий омилларга – инсон ролига асосланмаса, кутилган натижани бермайди.

Биз тадқиқот мавзуимиз доирасида шахс миллий ғурури инсон омилининг асосий сифат кўрсаткичи сифатида олиб қарасак, бу уни шакллантирадиган ижтимоий онг шакллари, санъат турларининг айнан шу соҳадаги вазифалари кўламини белгилаб беради. Чунки жамият тараққиётининг муайян босқичларида айрим ижтимоий онг шакли ёки санъат тури инсон омили, хусусан, шахс миллий ғурури шаклланишида устувор роль ўйнаган. Масалан, антик даврда – мифология, ўрта асрларда – санъат ва адабиёт, янги даврда – фан, техника-технология, ҳозирги даврда – ахборотлашиш, интеллектуал салоҳият тарихий давр умумий хусусиятини белгиловчи омил бўлганини кўрамиз. Лекин, ўз навбатида, ҳар қандай маҳаллий, миллий, худудий, глобал миқёсдаги инқирозларнинг бош сабаби шахс "Мен"ининг деградациясига, миллий ғуруридан бегоналашувига, маънавий-ахлоқий маргиналлашувига, эгоцентризм ва индивидуализм билан боғлиқлигини тарихий тажрибалар исботлаб бермоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда: "Бирон - бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди"[1], деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, шахс миллий ўзлигини англаши, миллий ғурури мустақилликка эришган давлатимиз тараққиётининг истиқболларини белгилайдиган омиллар тизимида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Президент И.А.Каримов томонидан миллат маънавий меросини ривожлантириш давлат устувор сиёсати даражасига кўтарилиши демократик ислоҳотларнинг натижаларини белгилаб бермоқда. Зеро, ҳар қандай соҳадаги ислоҳотлар миллатнинг тарихий шаклланган маънавий меросини ривожлантириш ва умуминсоний

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -137 - б.

қадриятларга уйғунлаштира олгандагина самарали бўлиши мумкинлигини тарихий тажриба исботлаб бермоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган тарихий давр тажрибаси мустабид тузум даврида таназзулга юз тутган миллий қадриятларни тиклаш, уларни ривожлантириш имкониятларини яратишга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилди. Зеро, ҳозир ҳам барча соҳалардаги ислоҳотларнинг миллий маънавий қадриятлар асосига қурилиши унинг самарадорлигини таъминловчи омил бўлиб қолмоқда. Эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун менталитетимизга ёт, миллий қадриятларимизга зид ва тобора глобаллашиб бораётган ижтимоий иллатларнинг сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш жамият барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, жамият барқарорлигини, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай хавф, энг аввало, шахсни маънавий қашшоқлантирувчи ғояларни ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдирувчи мафкуравий усулларда намоён бўлмоқда. "Оммавий маданият" таҳдидининг глобаллашуви ёшлар маънавиятини тарихий меросга ворислик тамойили асосида ривожлантириш ғоясига путур етказмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов "Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж — бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади"[1], деган фикри билан "оммавий маданият" таҳдиди эскалацияси ва глобаллашуви олдини олишда фольклор санъати олдига муҳим вазифалар қўйди.

Тадқиқотнинг бу қисмида кўрилган масалаларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, ҳар қандай жамиятнинг тарихий ривожланиш хусусиятлари шахс миллий ғурурини шакллантиришга доир амалий вазифалар кўламини белгилаб олишни тақозо қилади. Бу соҳада

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. 14 - б.

давлат сиёсати самарадорлиги объектив шарт-шароит ва субъектив омиллар уйғунлаштирилишига боғлиқ.

Иккинчидан, барча ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш масаласида функционал уйғунлиги таркиб топади. Яъни, уларнинг мақсади умумийлиги интеграциялашиш имконияти ва асоси ҳисобланади.

Учинчидан, шахс маънавияти юксалишида диннинг ўрнини мустаҳкамлаш, унинг ролини кучайтириш учун инсон фалсафасига оид теологик-мифологик манбаларини, бадиий-адабий меросидан комил инсон тарбиясида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, фольклорнинг шахс миллий ғурурини шакллантириш имкониятлари давлатнинг маънавий соҳани ислоҳ қилиш сиёсати изчиллигига ва унинг ҳуқуқий қонунлар, сиёсий усул-воситалар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Бешинчидан, фольклор санъатини ривожлантиришнинг устувор вазифалари шахс миллий ўзлигини англатиш, “Мен”ини шакллантириш асосида “оммавий маданият” эскалациясининг олдини олишга қаратилганлиги билан характерланади.

Бобда қўйилган илмий муаммолар таҳлили ва уларнинг ечимини топишга доир тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

биринчидан, фольклорнинг, шахс ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, хусусан, маънавий онги ва маданияти равнақига, миллий ғурурига таъсири жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизими, табиий-географик муҳити, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ўзгаришларига мос равишда амалга ошади ҳамда миллатнинг ментал хусусиятларини бадиий ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, халқ ижодкорларининг шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтирилган бадиий мероси тарихига ворислик ҳозирги давр маънавий тараққиёти асосини ташкил қилиши, жамият аъзолари томонидан ўтмиш маънавий меросни ўзлаштириш орқали миллатнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, фольклорнинг мустақил тараққиёт имкониятлари ва халқ ижоди эркинлигига боғлиқдир.

Учинчидан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъатининг ролини ошириш, унинг объекти маънавий эҳтиёжларини англаш, истиқбол мўлжалларини белгилашнинг самарали ва таъсирчан усулларини, воситаларини танлашга боғлиқ

бўлиб, бу жараён фольклорнинг объектига дифференциал ёндашув ва уларнинг эҳтиёжларини мувофиқлаштиришни тақозо қилади.

Тўртинчидан, фольклор жанрларининг шахс миллий ғурурини шакллантириш имкониятлари, таъсир йўналишлари ижодкорлар ва ижрочиларнинг тарихий воқеликни бадиий образларда ифодалаш усул-воситаларини танлаш эркинлигини истисно қилмайди, аксинча фольклор идеалларининг педагогик-дидактик самарадорлиги айнан бадиий ижоднинг эркинлик тамойилига асосланади.

Бешинчидан, полиэтник мамлакатларда яшаётган турли миллатлар фольклор санъатининг ўзаро бир-бирини бойитиши, интеграциялашуви миллатлараро ва маданиятлараро толерантлик натижаси бўлиб, уларнинг барқарор тараққиётига, умуминсоният цивилизациясига хизмат қилади.

Олтинчидан, фольклор санъатини мафкуралаштириш, ундан муайян сиёсий манфаатлар, мақсадлар учун унинг усул ва воситаларидан волюнтаристик фойдаланиш жамиятнинг маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда ижтимоий тараққиётда шахсни маънавий деградацияга олиб келади.

Еттинчидан, фольклор шахс ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий, маънавий-ахлоқий қиёфаси шаклланишига оммавий ва универсал таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, у, энг аввало, миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурни шакллантириш, жамият маънавий юксаклик даражасини белгилайдиган мезонларни, маънавий идеалларни мужассамлаштирган санъат туридир.

Саккизинчидан, шахс ғурури феноменини комил инсон даражасида конкретлаштириш уни миллат менталитетининг таркибий қисмига айлантиришда фольклор санъатининг трансформаторлик роли бадиий образлар қадриятларини ижодий ўзлаштиришда ижодкор, ижрочи, тингловчи ёки томошабиннинг эркинлигига боғлиқ.

Тўққизинчидан, ҳар қандай жамиятда фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантиришга йўналтирилган тарихий мероси ва анъаналарини ижодий ривожлантириш авлодларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мактаби бўлиб, шахс ва жамият ривожланишининг истиқбол мўлжалларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўнинчидан, жамиятнинг миллий тараққиёти хусусиятлари шахс ғурурини шакллантиришга доир амалий вазифалар кўламини белгилаб, барча ижтимоий онг шакллари ва санъат турларининг

умумий мақсад доирасида функционал интеграциясини тақозо қилади.

Ўн биринчидан, шахс маънавий юксалишида диннинг ўрнини мустаҳкамлаш, унинг ролини кучайтириш учун инсон фалсафасига оид теологик-мифологик манбаларини, бадиий-адабий меросидан комил инсон тарбиясида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўн иккинчидан, фольклорнинг баркамол авлодни тарбиялаш имкониятларидан шахсга миллий ўзлигини англатиш, "Мен"ини шакллантириш асосида "оммавий маданият" таҳдидидан, маргиналлаштирувчи таъсирлардан муҳофаза қилишда фойдаланиш мумкин.

ХУЛОСА

Шарқ халқларининг асрлар давомида ривожланган маданий қадриятлари, маънавий мероси уларнинг тарихий тараққиёти учун қудратли маънавий манба бўлган. Узоқ вақт давом этган сиёсий босим ва мафкуравий тазйиққа қарамай, ўзбек халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган миллий қадриятларини сақлаб қолишга ва уларни ижодий ривожлантириб, келажак авлодга етказишга муваффақ бўлди. Мустақиллик йилларида шу қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг реал объектив асослари яратилди, субъектив омиллари вужудга келди. Жамият маънавий ҳаётини ислоҳ қилиш объектив тарихий заруриятга айланди.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор миллий тараққиётини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва дунё глобал маънавий инқирози муаммолари ечимида фаол иштирок этиш вазифалари: ***биринчидан,*** мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган ғоявий-мафкуравий асоратларни бартараф қилишнинг моддий-техник, маънавий-интеллектуал асосларини, ташкилий тизимини яратиб, кишилар миллий ғурурини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо қилмоқда. ***Иккинчидан,*** маънавий-маданий соҳани ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, унинг рағбатлантирувчи механизмларини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб турибди. ***Учинчидан,*** умуминсоний демократик тамойилларга мос миллий ижтимоий онг шаклларини шахс маънавий юксалишига қаратиш давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолиятида устувор вазифа қилиб белгиланган. ***Тўртинчидан,*** жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёти шахс миллий ўзлигини англашига асос бўлган миллий ғурури феномени унинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Шахс миллий ғурурининг маънавий-ахлоқий негизларида, тарихий тараққиёт тақозосига кўра, халқ ижодининг мумтоз намунаси бўлган фольклор санъати устувор аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ҳозирги даврда жаҳон маънавий-ахлоқий инқирози кескинлашиб, “оммавий маданият” таҳдиди глобал муаммога айланиши билан уни бартараф қилишда умуминсоний ва миллий маънавий қадриятлар муштараклигига эришиш учун шахс даражасида миллий ғурурни ривожлантириш талаб қилинмоқда. Чунки конкрет шахс миллатнинг ҳам, умуминсоният цивилизациясининг ҳам асосий объекти ва субъектидир.

Юқорида кўрсатилган долзарб вазифаларни ҳал қилишда, фольклор санъатининг ўзига хос аҳамиятини эътиборга олиб:

биринчидан, Ўзбекистонда фольклор санъатининг миллий ғояни кишилар онгига, қалбига сингдиришда беқиёс имкониятлари мавжуд. Шунинг учун унинг тарихий анъаналарини тиклаб, халқ орасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга давлат маънавий-маданий соҳани ислоҳ қилиш сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида қараш керак. Бунинг учун: 1) миллий ғурурни ривожлантиришда фольклорнинг назарий ва амалий муаммоларини самарали ҳал қилиш йўллари, усул ва воситалари кўрсатилган методологик асосларини яратиш; 2) миллий-маънавий тараққиёт манфаатларига мос фольклор санъати тарихий намуналарини тўплаш, тизимлаштириш, янгиларини яратаётган ижодкорлар ва ижрочиларни қидириб топиб, уларни рағбатлантириш; 3) таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фольклордан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш учун стандартларни қайта кўриб, ўқув дастурларига киритиш; 4) оммавий ахборот воситаларида халқ оғзаки ижоди намуналарини мунтазам ёритиб бориш, фольклор асосида драматик асарлар, бадиий фильмлар, телесериаллар яратиш; 5) фольклор санъатини халқ орасида кенг ёйишга мутасадди оммавий ташкилотлар, давлат муассасалари фаолиятларини уйғунлаштиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарур. Дастурда фольклор санъатини ривожлантиришга доир ташкилий ишларнинг моддий-молиявий ва техник-технологик таъминоти, тарғибот-ташвиқоти коммуникацияси имкониятлари ўз ифодасини топиши лозим.

Иккинчидан, фольклор санъатининг шахс ғурурини ривожлантиришида: 1) жанрлараро уйғунликни таъминлаш ва уларнинг таъсирчанлигини оширадиган усуллар-воситаларни яратиш; 2) аҳолининг демографик таркибига дифференциал ёндашиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос асарларни яратиш; 3) жаҳон мумтоз фольклор асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, оммалаштириш; 4) миллий ғурур тарбиясида диний-теологик фольклорнинг эртак, ривоят, афсона, масал, достон ва бошқа манбаларидан фойдаланиш; 5) фольклор санъатини кенг оммалаштириш учун институционал тизимни мукаммаллаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши ҳамда амалдаги норматив ҳужжатлар такомиллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, фольклорнинг жамият маънавий тараққиётига, хусусан, шахс миллий ғурури шаклланишига таъсири шу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкор кадрлар "сифатига", таргибот-ташвиқот институционал тизим субъектлари фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқлигини эътиборга олиб: 1) фольклор санъати ижодкорлиги ва ижрочилиги учун (ҳатто, уларнинг жанрлари доирасида) махсус мутахассис-кадрлар тайёрлашни, қайта тайёрлашни йўлга қўйиш; 2) бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида уларнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижодий меҳнат натижаларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг имкониятларини қидириб топиш; 3) фольклор санъатининг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, тенглик, озодлик, эзгулик ва бошқа инсонпарварлик ғояларини шахс миллий ўзлигини англаш контекстида ёритиш; 4) шахс ор-номуси, қадр-қиммати билан миллат ғурури ўртасидаги узвий боғлиқликни англаш ва уни фольклорда ифодалаш зарурияти кун тартибидаги долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўртинчидан, жамият маънавий юксалишини, хусусан, фольклор санъатини ривожлантиришда давлатнинг бош ислоҳотчилик роли: 1) миллий фольклорни ривожлантириш соҳасидаги давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш; 2) фольклор ижодкорлари ва ижрочилари учун эркин ижодий муҳит, демократик ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини шакллантириш; 3) фольклор санъатини оммалаштиришнинг ташкилий асосларини, институционал тизими ва трансформация коммуникациясини яратиш; 4) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа муаммолари ечимини топишда фольклор санъати ролини оширишга доир расмий норматив қонуний-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш; 5) миллий фольклор асарларини жаҳон халқларига трансформация қилиш учун халқаро муносабатларни ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳ, синф, тоифа ва қатламлари ўзлигини англаш ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда: 1) фольклор санъатига халқ маънавий талаб-эҳтиёжларини аниқлашга доир илмий тадқиқот ишлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш; 2) фольклорнинг шахс миллий ғурури ривожланишига таъсирини ошириш учун таълим-тарбия,

тарғибот-ташвиқот институционал тизимини интеграциясини кучайтириш; 3) фольклор санъатидаги миллий ва умуминсоний гуманистик ғояларни уйғунлаштириш асосида уларнинг замонавий шаклларини ижод қилиш; 4) фольклорда миллий ғурур мавзусининг тарихий манбаларини ўрганиш асосида уни ижодий ривожлантириб, илгари сурилган ғояларни авлодлар онгига сингдириш; 5) шахс миллий ғурурини шакллантириш ва ривожлантиришда унинг этноэгоистик инстинктлари кучайиб, миллий мутаассиблик, калондимоғлик кайфиятлари вужудга келишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Олтинчидан, фольклор санъати вужудга келган глобал маънавий тангликни бартараф қилиш ва этикологик инқироздан чиқишнинг муҳим субъектив омили ҳисобланади. Шунинг учун: 1) фольклор санъатида маънавий муаммоларнинг кўтариб чиқилиши, истисносиз, барча ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фан тадқиқотчилари диққат-эътибори марказига қўйилиши; 2) ҳар қандай таълим-тарбия институтлари объекти шахс бўлгани боис унинг миллий ғурури масаласида маргиналлашишига йўл қўймаслик; 3) ижтимоий фаолиятнинг махсус тури бўлган фольклор ижодкорлиги ва ижрочилиги маҳоратида шахс миллий ғурури ўзига хос тарзда намоён бўлиб, уни халққа трансформация қилиш; 4) халқни фольклор санъатининг фаол ижодкори ва "истеъмолчиси"га айлантириш; 5) фольклор маънавий таълим-тарбиянинг нисбатан мустақил йўналиши бўлиб, ўзига хос педагогик-дидактик ёндашувлар технологиясини яратишни тақозо қилади.

Еттинчидан, фольклорнинг шахс миллий ғурури шаклланишига таъсирини ижтимоий фалсафа тарихи йўналишида таҳлил қилиш: 1) фольклорнинг онтологик, гносеологик, методологик, аксиологик, праксиологик ва бошқа педагогик-дидактик вазифаларини комплекс-системали ўрганишни; 2) фольклорнинг бошқа санъат турлари каби инсон ақл-заковати, тафаккур тарзи, руҳий ҳолати, интеллектуал салоҳияти натижасида вужудга келадиган ижтимоий феноменлигини эътироф этишни; 3) фольклор бадиий образлари характеридаги динамик ўзгаришнинг шахс ва жамият тарихий давр эҳтиёжлари, манфаатларига мослигини; 4) фольклорнинг ижтимоий борлиқ конкрет-тарихий тажрибасини бадиий образлар орқали ифодалаши, тараққиёти қонуниятларини акс эттириши ва идеалларини яратиш имкониятини; 5) фольклор санъатининг шахс миллий ғурурини шакллантириши

инсоният ижтимоий-амалий фаолияти бўлиб, маънавий таълим-тарбия орқали "моддийлашади" ва аҳамиятини намоён қилади. Умуман, фольклорнинг жамият ижтимоий онги ва маънавий маданиятини, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантириш вазифалари инсоният барқарор тараққиёти, келажаги билан боғлиқ оламшумул муаммоларни ҳал қилиш зарурияти асосида ривожланиб келган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги назарий хулосалар, методологик тавсиялар ва амалий таклифларни бериш мумкин:

1. Фольклор санъатининг жамият барқарор тараққиётида субъектив омиллиги, маънавий-маданий ҳаёти таркибий қисми сифатидаги аҳамияти ошиб бориши билан боғлиқ масалалар, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантиришдаги ролини кучайтириш турли ижтимоий онг шаклларини, гуманитар фанларни интеграциялаштирувчи нуқта бўлиб ҳисобланади, уларнинг туташув "чорраҳа"лари, имкониятлари янада чуқурроқ илмий тадқиқ ва таҳлил этилиши зарур.

2. Таълим-тарбиянинг турли субъектлари – давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотлар фольклор санъати ёрдамида жамият аъзоларини маънавий юксалтиришда, хусусан, шахс миллий ғурурини шакллантиришда жаҳон фольклори намуналарининг миллий тараққиёт манфаатларига мос келадиган жиҳатлари ва уларнинг интеграциялашиш хусусиятларини ҳисобга олишлари, халқимизнинг асрлар давомида ривожланган тарихий меросини жаҳонга трансформация қилиш имкониятларини қидириб топишлари керак.

3. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг онгини, қалбини вайронкор ғоялардан муҳофаза қилиш, глобал "оммавий маданият" таҳдидидан сақлаб қолишда таълим-тарбияга мутасадди бўлган барча институционал тизимда фольклор санъатидан унумли фойдаланишнинг методологик асосларини, педагогик-дидактик технологиясини такомиллаштиришга, дунёда бу соҳада тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

4. Ҳозирги даврнинг долзарб муаммолари ечимида маънавий маданият, хусусан, фольклорнинг ролини оширишни давлат бош ислоҳотчилик сиёсати марказига қўйиб, тарихий меросга муносиб

ворислик муносабатини шакллантириш ҳамда уни ижодий ривожлантириш учун ижодкорларни, ижрочилар ва халқ санъатининг бошқа тарғибот-ташвиқот субъектларини моддий-маънавий рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Фольклор санъатининг турли жанрлари асосида бадиий фильмлар, телевизион сериаллар яратиш, ёшларнинг маънавий эҳтиёжларига, эмоционал-руҳий хусусиятларига дифференциал ёндашиб, улар ўртасида миллий фольклор билимдонлари, ижрочилари танловларини мунтазам ўтказиш, республикамизда фаолият кўрсатаётган миллий марказларнинг муайян миллат фольклор санъатини тарғибот-ташвиқот қилишларига ёрдам кўрсатиш жамиятимиз барқарор тараққиётига хизмат қилади.

6. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан фольклор санъатини ривожлантиришга доир қонун қабул қилишлари уни ривожлантириш, халқ орасида тарғибот-ташвиқот институтлари фаолиятларини мувофиқлаштиришга ҳуқуқий имкон яратган бўлар эди.

Бу вазифаларнинг бажарилиш самарадорлиги жамиятимиз маънавияти юксалишига, миллий фольклор санъатининг жаҳон миқёсида муносиб мавқега эга бўлишига, халқаро ҳамжамиятга интеграциялашишга кенг имкониятлар очиб беради. Зеро, фольклорнинг миллат маънавий муаммолари ечимини топиш имконият, унинг шахс ижтимоий-сиёсий сифатларини шакллантириш шартидир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин”[1].

[1] Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.:-“Маънавият”. 2008. -16 - б.

ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, миллий туйғу, миллий онг, миллий ғурур, миллий ифтихор ва фахр" ҳақидаги қарашлари

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз – Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан ***фахрланамиз.***

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 48.

* * * * * *

"... эл-юртимизда фан жуда қадимдан тараққий топгани, унинг илдизлари жуда чуқур ва бақувват экани, юз йиллар мобайнида ўзбек миллатига, бутун жаҳон аҳлига табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиёт, тилшунослик соҳаларида унутилмас хизмат қилгани ҳақида ***фахр ва ғурур*** билан гапиришга ҳаққимиз бор".

Фан Ватан равнақига хизмат қилсин. Республика Фанлар академияси 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 78.

* * * * * *

Ҳар бир вилоят, ҳар бир ҳудуднинг республикамиз ҳаётида ўзига хос ўрни бор. Пойтахт вилояти ҳар соҳада илғор бўлиб, ибрат кўрсатиб келганини яхши биламиз. Ўзининг салоҳияти, куч-қудрати билан, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида илғор технологияси, замонавий корхоналари билан ҳақиқатан ҳам етакчи бўлиб юрган десак, янглишмаймиз. Буни ҳаммамиз ***ифтихор ва ғурур*** билан таъкидлашимиз мумкин.

Мард майдонда синалади: Тошкент шаҳрида халқ депутатлари пойтахт вилоят кенгаши сессиясида сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 113.

* * * * * *

Кадрларга оид сиёсат ҳам изчил юритилмоқда. Кўпгина масъулиятли лавозимларда серғайрат, билимли ёшлар ишлаяпти. Улар ҳорижда ўқиб тажриба орттириб келишмоқда. Энг муҳими, одамлар энди эскича ишлаш, эскича ҳаёт кечиришни исташмаяпти. Халқимизда юртга эгалик ҳисси, мустақилликдан ***фахрланиш*** туйғуси шаклланмоқда.

Иқтисодиёт ислоҳот - тараққиётимиз асоси.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 123.

* * * * * *

Бутун жаҳонда ва яқин атрофимиздаги давлатлар ва халқлар ўртасида обрўйимизни, ҳурматимизни, салоҳиятимизни юксалтирадиган, миллатни миллат, давлатни давлат қиладиган, бугун ҳар қанча ***ғурурлансак*** арзийдиган ишларимиз туфайли бир-биримизни танидик, анча тажриба орттирдик ва мустаҳкам бўлдик.

Ватанимиз салоҳияти ва обрўйини янада оширайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 129.

* * * * * *

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва

динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча *ғурурлансак* арзийди.

"Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимида сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 207-208.

* * * * * *

Нега ***миллий онг, миллий ғурур,*** миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду-паймон қилдик. Болаларимизни, йигит–қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Йўлимиз-мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 226.

* * * * * *

Қозоғистон билан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг икки улуғ давлатидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар даргоҳида озод Қозогистон ва мустақил Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб турганидан барчамиз ***фахрланамиз.***

Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 235.

* * * * * *

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг айниқса бугунги масъулиятли даврида ақл-заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва ***миллий ғурур*** талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақазо қилмоқда.

Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 236.

* * * * * *

Бизнинг яна бир устунлик тарафимиз шуки, катта билим ва тажриба эгалари, баъзи мамлакатлардагидек, чет элларга кетиб қолаётгани йўқ. Олимларимиз Ватанга хизмат қилишга доимо тайёр. Уларда Ватан туйғуси барча нарсадан устунроқ. Мен бирорта йирик олимимизнинг четга кетиб қолганини билмайман. Бундан ***фахрланиш*** керак, азиз биродарлар! Мен буни миллатнинг нуфузи, буюк фазилати деб ҳисоблайман.

Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин..

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 254-255.

* * * * * *

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий ишлар самарадорлигини оширмасак, илмий муассасаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз. Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр-муҳаббати беқиёс. Улар билан ***фахрланиб*** юради.

Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса милллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак.

Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 256.

* * * * * *

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт-жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият–маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан ***фахрланадиган*** ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашга эришишимиз керак.

Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 261.

* * * * * *

Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. ***Миллий гуруримиз,*** ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда.

Халоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 265.

* * * * * *

Биз учун истиқлол-давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, ***миллий онгимиз ва фахримизни*** юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 284.

* * * * * *

Миллий гуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 295.

* * * * * *

Гуё ***миллий ифтихор*** бўлмиш пахта, ҳақиқатда ***миллий гурур*** ўрнига бўйинтурук бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 295.

* * * * * *

Биринчи навбатда, одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ***гурур,*** орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.

Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 296.

* * * * * *

Миллий валюта-бу ***миллий ғурур,*** давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 306.

* * * * * *

Иккинчи шиоримиз: Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида ***миллий онг*** ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!

Ижобий ишларимизни охирига етказайлик.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 312.

* * * * * *

Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ***ғурур ва ифтихор*** билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.

Улуғбек руҳи барҳаёт.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 319.

* * * * * *

Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ***ғурурланиши*** табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Улуғбек руҳи барҳаёт.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 320.

* * * * * *

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятни қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва ***миллий онги***, янги демократик қадриятлар

тикланиши ва мустаҳкамланиши сингари қийин, бироқ табиий жараённи бошдан кечирмоқда.

Барқарор тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 328

* * * * * *

Маънавий ҳаётимизда, ***миллий онгимизни,*** сиёсий савиямизни ошириш, миллий мафкура ва тафаккурни такомиллаштириш борасида қилинган ишлар, энг муҳими, одамларнинг дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни энг катта ютуғимиз деб ҳисоблаш лозим.

Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 336.

* * * * * *

Дунёда халқ ишончидан улуғ нарсанинг ўзи йўқ. Бизлар ана шундай ишончга сазовор бўлган йўлимиздан ва бу йўлда эришган ютуқларимиздан ҳар қанча ***фахрлансак*** арзийди.

Биз қуриш яратиш йўлидан боравераміз.

И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 3.

* * * * * *

Истиқлолнинг тўрт йили берган яна бир сабоқ шундан иборатки, асрлар давомида зулм ва истибдод остида мўрт ва тарқоқ бўлиб яшаган ўзбек миллати ягона ва жипс миллат сифатида шаклланишни бошлади, эркин ва озод ***миллатга хос гурур ва онг*** касб этди.

Бугун биз нимаики ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси ана шу ***гурур*** ва ана шу юксак онг меваларидир.

Биз қуриш яратиш йўлидан боравераміз.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 4.

* * * * * *

Фахр билан айтишим мумкинки, биз ҳеч қачон бошқаларнинг кўргазмаси билан иш тутганимиз йўқ. Биринчи кунлардан бошлаб барча давлатлар ва халқлар билан дўстона сиёсий ва маданий муносабатлар, тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқалар ўрнатиш йўлидан бордик.

Биз қуриш яратиш йўлидан бораверамиз.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекнстон, 1996. – Б.9.

* * * * * *

Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. ***Миллий ғурур, миллий ифтихор*** ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Биз қуриш яратиш йўлидан бораверамиз.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекнстон, 1996. – Б.13.

* * * * * *

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш ***миллий онгимизга,*** ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

Биз қуриш яратиш йўлидан бораверамиз.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.14.

* * * * * *

Истиқлолимизнинг тўрт йиллик муқаддас тўйини нишонлар эканмиз, шу мўътабар ва гўзал заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг юраги ***ғурур ва ифтихорга*** тўлиши табиийдир.

Ватан мангу қолади.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекнстон, 1996. – Б.15.

* * * * * *

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, ***миллий ғурур,*** миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажагимиз учун қудрат бағишлайдиган мана шу ***ифтихор туйғуси*** билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни куришимиз лозим.

Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 47.

* * * * * *

Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу- меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақл заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча ***фахрлансак*** арзийди.

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.85-86.

* * * * * *

Лекин халқнинг теран маънавиятисиз, ***гурурисиз,*** юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 88.

* * * * * *

Биринчидан, биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда ***гурур ва ифтихор*** уйғотади.

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 88.

* * * * * *

Биз мусулмон мамлакати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо ***фахрланишимиз*** лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 90.

* * * * * *

Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон хамжамиятида ўз ўрни ва нуфузи борлигидан ***фахрлансак*** арзийди.

Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 132.

* * * * * *

Биз ҳақли равишда халкимизнинг, юртимизнинг улуғ тарихи ва бетакрор маданияти билан, шу муқаддас заминда яшаётганимиз билан ***фахрланамиз.***

Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 132.

* * * * * *

Республика Конституциясининг уч йиллик тўйини нишонлаш кунида фахр билан айтмоқчиманки, биз сўнгги йилларда қандай катта муваффақиятларга эришган бўлсак, бунинг барчаси, аввало, ана шу бош қомусимиз ва бошқа хужжатларга тўкис амал қилаётганлигимиз туфайлидир.

Асосий Қомусимиз тантанаси.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 155.

* * * * * *

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва ***миллатимиз ифтихори*** бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Худди ана шу қадриятлар ўтиш даврининг қийинчилик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад бўлмоқда.

Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 269.

* * * * * *

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз - Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан ***фахрланамиз.***

Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 332.

* * * * * *

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасиға ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан ***фахрланамиз.***

Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 334.

* * * * * *

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан ***фахрланади.***

Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 341.

* * * * * *

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб ***фахрланамиз.***

Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин.

И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 341.

* * * * * *

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат ***гурури,*** келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамиз.

Ўзбекистон спортчилари билан учрашувда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 50.

* * * * * *

Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида ***миллий ғурур,*** она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 112.

* * * * * *

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва аньаналарини, дину-эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, ***миллий ғурур ва миллий тафаккур Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин тугдирди.***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги байрами тантаналаридаги табрик сўзи.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 132.

* * * * * *

Амир Темур юбилейи муносабати билан қурилган иншоотлардан бири- Темур ва темурийлар тарихи давлат музейидир. Миллий меъморчилик аньаналаридан фойдаланиб бунёд этилган мазкур бино кўзни қувонтиради. Гўзаллиги, салобати билан ***ғуруримизга ғурур*** қўшади.

Юксак маънавиятсиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 147.

* * * * * *

Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунёқараши, онги чегараланиб бир қолипда қолмасин. ***Миллий ғурур***, истиқлол мафкураси ғоялари унга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, миллий ғурур хақида гапирганда, уни улуғлаганда ҳеч ким ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак. Дунёда катта ёки кичик миллат йўқ, балки ҳар бир миллатнинг ўз ***ғурури*** бор. Уни камситишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Юксак маънавиятсиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 149.

* * * * * *

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан даврўғ қозонган, ***миллатимиз фахри*** бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлараро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 166-167.

* * * * * *

Амир Темур бизнинг шаён-шавкатимиз, ***ғурур-ифтихоримиздир.*** Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир.

Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 167.

* * * * * *

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ***ифтихор*** туйғулари қамраб олади.

Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 169.

* * * * * *

Миллатимизнинг ***фахру-ифтихори*** бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Азалий буюклик маскани.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 174.

* * * * * *

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ***ғурурини, ифтихорини*** ерга урмоқчи бўлдилар.

Соҳибқирон камолга етган юрт.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 176.

* * * * * *

Томирида ***миллий ғурур,*** Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан ***фахрланиш*** ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин.

Ислоҳот-аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 203.

* * * * * *

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму-фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат- академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо ***фахру ғурур*** билан эслаймиз.

Халқларимиз дўстлигининг рамзи.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 245.

* * * * * *

Ўзбекистон ва Туркманистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Маҳтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг ***миллий ғуруримизни*** юксалтиришда, миллий мафкурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Халқларимиз дўстлигининг рамзи.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 246-247.

* * * * * *

Президент ҳар биримизда ***миллий ғурур, миллий онг,*** тафаккур ривожланган ва барқарор бўлишини тараққиётга эришишнинг яна бир муҳим омили сифатида таъкидлади. Агар инсон ўз юртидан ***ғурурланмаса,*** юртини ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ.

1997 йил - Инсон манфаатлари йили бўлсин.

И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 258.

* * * * * *

Одатда, мустақиллик ва ислоҳот сўзларини бир-бири билан узвий боглиқ ҳолда кўрамиз. Чунки фақат мустақил давлат, мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам одамлар яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади. ***Миллий гурурни,*** миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир.

Мустақиллик - муқаддас неъмат.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.–Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 319.

* * * * * *

Энг муҳими, мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, ***фахру-гururимизга,*** виждон ва иймонимизга айланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 348.

* * * * * *

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир Хотун (Тўмарис), Малика Қабаж хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ***ватанпарварлик*** ва шижоат тимсолидир.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 369.

* * * * * *

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг ***фахримизга.*** Ўзимизнинг ***гururимизга*** ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик.

Қонунларимиз деҳқон манфаатига хизмат қилсин.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 46.

* * * * * *

Одамларда ***ғурур ва ифтихор*** туйғуларини кучайтириш – бизнинг вазифамиз. Токи улар ўз кучига ва истиқболига ишонсин, қилаётган ишидан ***фахрлансин,*** ташаббускор бўлсин.

Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 77.

* * * * * *

Мақсад дегани – халқни миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ***ғурур ифтихорини,*** керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир.

Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 89.

* * * * * *

Миллий гоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч багишлаб. руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишга ишонаман.

Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 92.

* * * * * *

Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан ***ғурурланиб,*** янги – янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун ***фахрланиб*** ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 102.

* * * * * *

Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош-ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика,

физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ***ифтихоримиздир.***

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 132.

* * * * * *

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан ***фахрланамиз, ғурурланамиз.***

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 139.

* * * * * *

Йўқса, Амир Темур қаёқдаю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани ***миллий ғурур, миллий ифтихор?!***

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 147.

* * * * * *

Халқимизнинг ***миллий туйғусини, миллий ғурурини*** уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани?.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 150.

* * * * * *

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ***ғурурини*** уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу гоянинг замирида халқимизнинг ***ўзлигини англаши*** ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 153.

* * * * * *

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, ***миллий ғуруримизни*** юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак. ***Тарихий хотирасиз келажак йўқ.***

И.А.Каримов. Биз келажагимзни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 154.

* * * * * *

Кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ***ғурурланса*** арзийди.

Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 188.

* * * * * *

Мен ***фахр*** билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155- сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутқи.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 204.

* * * * * *

Фарзандларимиз - бизнинг ***ғуруримиздир.*** Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 290.

* * * * * *

Лекин биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат – ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан ***фахрланамиз.***

Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 301.

* * * * * *

Миллий гурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида хар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 309.

* * * * * *

Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг ***миллий гурурига*** айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Ўзбек кураши-жаҳон майдонида.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 405.

* * * * * *

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз. "Қувончим, ***ифтихорим, гурурим-Ўзбекистон!"*** дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади.

Ўзбек кураши-жаҳон майдонида.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 406.

* * * * * *

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни

назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ***ғурур ва ифтихор*** туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Хотира чироғи ўчмайди.

И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 408.

---

* * * * * *

Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан ***ғурурланаман.***

Ирода ва иймон-эътиқодимиз синови

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 16.

* * * * * *

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ***ғурур*** билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, ***миллий ўзлигимиз*** ва умуминсоний кадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

Ҳушёрликка даъват Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 31.

* * * * * *

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр – қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ***ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини*** тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқмиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 69.

* * * * * *

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун ***Ўзбекистоннинг фахру гуруридир.***

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 75.

* * * * * *

Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, ***фахру гурури*** бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

"Алпомиш"-ўзбекнинг ***ўзлигини*** намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак–юрагидан чиққан, ота–боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

"Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 78.

* * * * * *

"Алпомиш" достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўргонини қўриқлашга дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

"Алпомиш" достонининг 100 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 78.

* * * * * *

"Қирққиз"дай ўлмас достонлар қорақалпоқ халқининг теран маънавияти, ақл-заковати, мардлик ва матонатидан далолат беради.

Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан!

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 110.

* * * * * *

Бугун бағри кенг, *гурури* баланд, заҳматкаш Жиззах халқи янги-янги марраларга эришиш мақсадида астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқда.

Жиззах халқининг қалбида ва дилида

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 126.

* * * * * *

Баъзи бир нонкўр, ўз халқини, ор-номусини сотиб, ўзгаларнинг ноғорасига ўйнаб юрганлар эшитиб-билиб қўйсин: Андижон халқини тўғри йўлдан, озодлик, эркинлик ва бунёдкорлик йўлидан оғдириб бўлмайди. Бу халқ ҳар қандай шароитда ҳам *ўз гурури* ва эътиқодини сақлашга, керак бўлса, уни ҳимоя қилишга қодир. Мен бунга қаттиқ ишонаман!.

Эзгу ният, олижаноб мақсад йўлида изланиб-интилиб яшаш-кишини улуғлайди.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 179.

* * * * * *

Кўп йиллардан буён Хоразм воҳаси, Хоразм аҳли билан яқиндан танишман. Хоразм юртида қанча-қанча дўстларим, биродарларим, керак бўлса, қариндошларим бор.

Улар қалби, табиати, ўзига хос, ўзига мос хусусиятлари, *гурури,* қадди - қомати, виқори ва салобати билан ажралиб туради.

Метин иродали инсонлар юртига эҳтиром.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 241.

* * * * * *

Айниқса, Хоразмнинг шонли тарихи бизда ўтмиш меросимиз билан ҳақли равишда ***фахрланиш*** туйғусини уйғотади. Чунки Хоразм тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг узвий қисмидир, унинг қудрати ва қадимийлиги тимсолидир.

Метин иродали инсонлар юртига эҳтиром.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 243.

* * * * * *

Мана шу Амударё сувидан баҳра олиб, муқаддас Хоразм тупроғида униб - ўсган, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний каби мўътабар зотлар жаҳон цивилизациясига, умумбашарий қадриятларга қўшган улкан ҳиссаси билан миллатимизнинг ***фахру гурурига*** айланган.

Метин иродали инсонлар юртига эҳтиром.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 243.

* * * * * *

Сурхондарё халқи – ***гурури*** тоғлардек баланд, изланувчан, яратувчанлик салоҳияти юксак халқ.

Ғурури тоғларидек баланд, яратувчилик салоҳияти юксак халқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 271.

* * * * * *

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, онгни тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. ***Миллат ўзлигини*** тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади.

Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 465.

* * * * * *

Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми, биз истаётган *миллий ғурур,* миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми?.

Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи..

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 469.

* * * * * *

Миллий мафкуранинг яна бир муҳим шарти-бу ***ўзликни англашдир. Ўзликни англаш*** деганда, мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишни тушунаман.

Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 471.

* * * * * *

Миллатимиз ***фахру ифтихори*** бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуг зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Шаҳидлар хотираси-мангу барҳаёт..

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 475.

* * * * * *

Аслида, биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қиматини, унинг шаъни ва ***ғурурини*** тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, демакдир.

Шаҳидлар хотираси – мангу барҳаёт.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 477.

* * * * * *

Масалан, Миллий тикланиш партиясини олайлик. Бу партиянинг, менинг назаримда, бошқалардан фарқли ўлароқ, халқимизда ***миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор*** туйғуларини юксалтириш ҳақида кўпроқ қайғуриши табиийдир.

Ўзгариш ва янгиланиш –ҳаёт талаби..

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 480.

* * * * * *

Бу - халқимизнинг бугун ўсиб - етилиб келаётган онгини, ***ғурурини*** уйғотиш, қадр-қимматини жой-жойига қўйиш, демакдир.

Ўзгариш ва янгиланиш –ҳаёт талаби.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 481.

* * * * * *

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Юқорида мен тилга олиб ўтган ва шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунинг йўли–одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ***ўзлигини*** унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, ***мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор*** билан яшашига эришишдир.

Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 499.

* * * * * *

Она тили - бу миллатнинг руҳидир, Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир..

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 502.

* * * * * *

Ўзбек ва тожик халқларининг тарихи муштарак эканини, унинг ибтидосида буюк аждодларимиз туришини барчамиз яхши биламиз. Ана шу буюк зотларнинг ақл-заковати, меҳнати билан яратилган тарихий илдизларимиз бу икки халқ тақдирининг узвий боғланиб кетишига беқиёс омил бўлиб хизмат қилиб келган.

Айнан ана шу бобокалонларимизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган ***фахру ғуруримиз*** бўлган буюк маданий ва фалсафий мероси бугунги авлодларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга, ҳаётимизни ғоятда теран маъно-мазмун билан тўлдиришга, керак бўлса, бойитишга даъват этмоқда.

Ўзбек ва тожик – икки тилда сўзлайдиган бир халқ.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 510.

* * * * * *

Токи ўз халқини ҳимоя қилиш учун жангга кираётган ҳар бир аскар мамлакати ва халқи унинг учун бор имкониятларини ишга солаётганини ҳис этиб турсин.

Шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, олдимизга қўйган мана шу вазифани тезроқ амалга ошириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши зарур. Бу Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ***ғурур - ифтихорига*** айланиши лозим.

Эгали юрт эркини бермас.

И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 86-87.

* * * * * *

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини

обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадимий заминимизда ўтган бу улуғ зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук мақбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, ***миллий гуруримиз*** энг муҳими халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.

Имом Мотрудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 130.

* * * * * *

Биз ўз олдимизга шундай вазифа қўйдик: биз албатта ***ўзлигимиз*** билан ***фахрланишимиз*** керак, биз ўз илдизларимизга қайтишимиз лозим, лекин ўтмишимизга маҳлиё бўлмаслигимиз ва уни тўла – тўкис қайта тиклаш билан шуғулланмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу масалага оқилона ёндашувимиз лозим.

Москва давлат университетида сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 277.

* * * * * *

Бугун янги ҳаётни босқичма-босқич қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ***фахру гурур*** қилишга арзийдиган ўзгаришларда сиз – жонкуяр журналистларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, асло муболаға бўлмайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.

И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 386-387.

* * * * * *

Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қизиқиш ва рағбат уйғотишимиз керак. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Токи улар ўзининг тадбиркор эканидан уялмасин, аксинча бундан ***фахрланиб, гурурланиб*** юрсин.

Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш-тараққиёт гарови.

И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 426.

* * * * * *

Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар ҳар қайси халқ ва давлатнинг ***фахру ифтихори*** бўлишга муносиб эканини бугун вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда, десам, бу ҳам айни хақиқат бўлади.

Миллий театримиз-ифтихоримиз.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 54.

* * * * * *

Ҳар гал Навоий кўчасидан ўтганимда ушбу театрни кўриб, бу даргоҳда не-не буюк санъаткорлар, уларнинг истеъдодли давомчилари ижод қилса-ю, у ана шундай юксак бадиий салоҳиятга муносиб бинога эга бўлмаса, деган савол кўпчилик қатори менинг хам кўнгилимдан кечар эди.

Чунки, саҳна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиши, айни вақтда ***миллий гурур, миллий ифтихор*** манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган хақиқатдир.

Миллий театримиз – ифтихоримиз.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 55-56.

* * * * * *

Самарқанд-ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва кошоналари билан шуҳрат қозонган, дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида минг – минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг ***гурур ва ифтихорига*** айлангани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Одамлар ташвиши билан яшаш – олий бурч.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 65.

* * * * * *

Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ривожланишида, фан ва техника, ўқув юртлари, таълим- тарбия, иқтисодиёт, ички ва ташқи савдо соҳаларида эгаллаётган салоҳияти ва аҳамияти барчамизга яхши маълум.

Бу гўзал ва бетакрор шаҳарнинг кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси, деган номига муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга ***ғурур ва ифтихор*** бахш этади.

Мақсадимиз-тинчлик ва бунёдкорлик.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 91.

* * * * * *

Энг муҳими, қалбимизда ***ғуруримиз,*** билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Тинчлик учун курашмоқ керак.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 123.

* * * * * *

Энг замонавий талаб ва андазаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги ***фахр- ифтихорига*** айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Ватан ҳимоячиларига байрам табриги.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 177.

* * * * * *

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерваториямиз янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон учун чексиз ***ғурур ва ифтихор*** бахш этадиган қувончли воқеадир.

Бетакрор мусиқа саройи.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 300.

* * * * * *

Аммо, бизнинг ***фахру ғуруримиз*** боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Жайҳун соҳилидаги боқий шаҳар.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 311.

* * * * * *

Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиз давомчиларига қандай орзу-умид билан қараётган бўлсак, келажакда улар ҳам бизга ўз ота-оналарига худди шундай ***ғурур ва ифтихор*** билан қарашини истаймиз, шуни ҳавас қиламиз.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.

И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекисгон, 2003. – Б. 50.

* * * * * *

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, ***ғуруримизни*** кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлодларга етказиш зарур.

Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси.

И.А.Каримов. Биз таилаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекнстои, 2003. – Б. 113.

* * * * * *

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Ғафур Ғулом шўро давридаги турли тазйиқларга қарамай, "Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир" дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг *ғуруримизга ғурур, фахримизга фахр* қўшади, албатта.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ҳайкали очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ.

И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 267.

* * * * * *

Агар мендан, Хоразм аҳли, аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, ***"Ғурури билан"*** деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ***ғурури*** баланд деганда, гердайишни эмас, балки ўз юрти, ўз тупроги билан ***фахрланишни*** тушунаман.

Ғурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шон-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман.

Ватан мукофати – Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи.

И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 62-63.

* * * * * *

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва ***ғуруруни*** сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

Конституция– юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори.

И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 89.

* * * * * *

Ғурур-ифтихор деган нарса бир йилда пайдо бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт тинимсиз меҳнат қилиш, керак бўлса, жон фидо этиш зарур.

Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш –тараққиёт омили.

И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 160.

* * * * * *

Хўш, ярим миллиондан зиёд бу болаларга муносабат қандай? Ёки ёшлар – келажагимиз эгаси, ***гурур-ифтихоримиз,*** суянчимиз ва таянчимиз, деган тушунчалар фақат қуруқ гап бўлиб қоляптими?.

Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш –тараққиёт омили.

И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 164.

* * * * * *

Биз Шарқ фарзанди эканимиздан, ўзимизнинг урф-одатларимиздан ***фахрланамиз.*** Миллий қадриятларимизни асраш ва ҳеч қачон унутмаслик ҳақида ота-боболаримиздан тарбия олганмиз.

Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 2005. – Б. 416.

* * * * * *

Мустақиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши:

- ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган қадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг мўътабар номларини жой-жойига қўйиш;

- ***миллий онг, миллий гурур ва ифтихоримизни*** тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги

жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ.

И.А.Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 3-4.

* * * * * *

Қадимий Қубо - бугунги Қува заминидан етишиб чиққан, ўзининг илмий кашфиёт ва ихтиролари билан дунёга машҳур бўлган буюк бобомиз Аҳмад Фаргонийнинг номи бугунги кунда бутун ўзбек халқининг ***ғурур ва ифтихорига*** айланиб кетган.

Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига қонот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи.

И.А.Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 42.

* * * * * *

Нега деганда, бой тарихимиз қадимий илдизларимизни, бизнинг қандай буюк мерос соҳиблари эканимизни чуқур ўрганиш ***миллий ўзлигимизни*** англашга хизмат қилади.

Ўзлигини англаган халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиши муқаррар.

Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди.

И.А.Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 92.

* * * * * *

Айниқса, *ўзлигимизни англаш* миллатимиз ва халқимизнинг *ғурур ва ифтихорини* юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир.

И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 106.

* * * * * *

Айни Наврўз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймнз ва беихтиёр юрагимиз *ғурур ва ифтихорга* тўлади.

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўз.

И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 289.

* * * * * *

Миллатнинг ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдавлат сиёсати сифатида қараш лозим. Одамлар онгидаги *миллий ифтихор* туйғуси билан бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти ва қадр-қимматнини ҳурмат қилишнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш зарур. Жамият онгида ҳозирги дунёда рўй бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини вужудга келтириш ва доимо мустаҳкамлаб бориш даркор.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 109.

* * * * * *

Биз маънавий қадриятларни тиклашни *миллий ўзликни* англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 137.

* * * * * *

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш ***миллий ўзликни англашни***, таъбир жоиз бўлса, ***миллий ифтихорни*** тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 140.

* * * * * *

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маьнавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ***ватанпарварлик, миллий ифтихор***, бутун дунё учун багрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 142.

* * * * * *

Истиқлолимиз беш йиллигининг энг муҳим якуни барча халқлар учун "Умумий уй"га асос солинганлиги, янги кўп элатли бирлик вужудга келганлиги бўлди. Ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий-руҳий қадриятларнинг ва ***миллий ўзликни*** англашнинг тикланиши бу бирликнинг негизини ташкил этди.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 143.

* * * * * *

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва ***миллий онгининг*** ижодий кучига боғлиқдир.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 151.

* * * * * *

Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглилиги ***миллий ўзлигини англаш*** ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 13.

* * * * * *

Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан ***фахрланиш*** ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 21.

* * * * * *

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ***ватанпарварлик.***

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 56.

* * * * * *

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 58.

* * * * * *

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга, ***миллий ўз-ўзини*** англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 62.

* * * * * *

Ўзбекистон фуқаросининг ***ватанпарварлиги*** – бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади.

Халқнинг ***ватанпарварлик*** ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 64-65.

* * * * * *

